

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

Абдимўминов Ойбек Бектемирович

**ҚУЙИ ЗАРАФШОН ВОҲАСИ МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛЧИЛИК
ҲАРАКАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ
(1918-1935 йиллар)
(Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоятлари мисолида)**

**5А 140601 Тарих мутахассислиги
Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган**

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар: тарих фанлари доктори,
профессор М.Олтинов**

Навоий - 2009

Навоий давлат педагогика институти

Магистратура бўлими 5А 140601 тарих мутахассислиги 2 босқич магистри Абдимўминов Ойбек Бектемирович **Қуйи Зарафшон воҳаси миллий истиқлолчилик ҳаракатининг ўзига хос хусусиятлари (1918-1935 йиллар) (Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоятлари мисолида)** мавзусидаги магистрлик диссертатсияси ишига рейтинг қайдномасидан кўчирма, магистрлик диссертатсия иши раҳбарининг хулосаси, кафедранинг ишни ҳимояга тавсия этиш ҳақидаги хулосаси, тақризлар илова қилинади.

Магистратура бўлими бошлиғи:

ф.ф.н. К.Н.Қодиров

Навоий давлат педагогика институти

Магистратура бўлими 5А 140601 тарих мутахассислиги 2 босқич магистри Абдимўминов Ойбек Бектемирович **Қуйи Зарафшон воҳаси миллий истиқлолчилик ҳаракатининг ўзига хос хусусиятлари (1918-1935 йиллар) (Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоятлари мисолида)** мавзусидаги магистрлик диссертатсия иши кафедранинг йиғилишида муҳокама қилинган ва Давлат аттестация комиссиясида ҳимояга тавсия этилади .

Кафедра мудири:

т.ф.н М.Юлдошева.

Навоий давлат педагогика институти
“Ўзбекистон тарихи” кафедрасининг 2009 йил 28 майдаги

№ 16 - мажлис қароридан

Кўчирма

Қатнашдилар:

Кафедранинг барча аъзолари (9 киши)

Кун тартибида:

3. Магистрлик диссертация иши муҳокамаси .

Эшитилди:

Сўзга кафедра мудири М.Юлдошева чиқиб, магистрлик диссертацияси давлат стандартлари талабига мувофиқ тайёрланганлиги, илмий раҳбар ва ташқи тақризлар ижобийлиги, керакли ҳужжатлар расмийлаштирилганлигини таъкидлаб ўтди.

Магистрлик диссертацияси мавзуси бўйича тарих фанлари доктори, профессор М.Олтинов, дотс. Ш.Муҳаммадиев, кат.ўқ Э.Дўсматов, Ф.Полвонова, А.Аминовалар ўз фикр–мулоҳазаларини билдирдилар.

Шундан сўнг магистратура бўлими 5А 140601 тарих мутахассислиги битирувчиси Ойбек Абдимўминов ўз мавзуси –магистрлик диссертация ишининг, долзарблиги, мақсади, вазифалари ва тадқиқот ишлари бўйича бажарган ишлари ҳамда хулоса ва тавсияларни изоҳлаб берди. Магистрлик диссертацияси ишининг бажарилиши юзасидан берилган саволларга жавоб берди .

Мажлис қарор қилади:

1. Магистратура бўлими 5А 140601 тарих мутахассислиги магистри Абдимўминов Ойбек Бектемировичнинг **Қуйи Зарафшон воҳаси миллий истиқлолчилик ҳаракатининг ўзига хос хусусиятлари (1918-1935 йиллар) (Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоятлари мисолида)** мавзусидаги магистрлик диссертацияси тугалланган иш деб ҳисоблансин.
2. Магистрлик диссертацияси иши ҳимояга тавсия этилсин.

Кафедра мудири:

т.ф.н. М.Юлдошева.

Навоий давлат педагогика институти

“Ўзбекистон тарихи ” кафедрасининг 2007 йил 26 – сентябрь

№ 2 - сонли қароридан

Кўчирма:

Қатнашдилар: Кафедранинг барча аъзолари (9 киши)

Кун тартиби:

2007-2008 ўқув йилида Навоий давлат педагогика институти магистратура бўлими 5А 140601 тарих мутахассислиги магистри Ойбек Абдимўминовнинг магистрлик диссертатсияси мавзусини тасдиқлаш тўғрисида

Эшитилди:

Сўзга кафедра мудири М.Юлдошева чиқиб, кафедра аъзоларини магистрлик диссертатсияси иши мавзуси билан таништирди ва мавзунинг долзарблиги, бугунги кундаги аҳамиятини ҳисобга олиб **Қуйи Зарафшон воҳаси миллий истиқлолчилик ҳаракатининг ўзига хос хусусиятлари (1918-1935 йиллар) (Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоятлари мисолида)** мавзусидаги магистрлик диссертатсияси иши мавзусини тасдиқлашни тавсия қилди. Йиғилишда дотс. тарих фанлари доктори, профессор М.Олтинов, дотс. Ш.Муҳаммадиев, кат.ўқ Э.Дўсмаев, Ф.Полвонова, А.Аминовлар мавзунинг мазмун-моҳияти ҳақида ўз фикр–мулоҳазаларини билдирди.

Мажлис қарор қилади:

1. Магистратура бўлими 5А 140601 тарих мутахассислиги магистри Абдимўминов Ойбек Бектемировичнинг **Қуйи Зарафшон воҳаси миллий истиқлолчилик ҳаракатининг ўзига хос хусусиятлари (1918-1935 йиллар) (Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоятлари мисолида)** мавзусидаги магистрлик диссертатсияси мавзуси тасдиқлансин.
2. Илмий раҳбар этиб тарих фанлари доктори, профессор М.Олтинов тайинлансин.

Кафедра мудири:

Котиб:

т.ф.н. М.Юлдошева

Д. Муртазаев

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАТСИЯ ИШИНИ БАЎОЛАШ МЕЗОНИ

Магистратура бўлими

(факультет номи)

ТАРИХ.

(фаннинг номи)

Ойбек Абдимўминов

(талабанинг исм-шарифи)

(ҳимоя вақти)

Мавзунинг долзарблиги	Бажарилган ишнинг мустақиллик даражаси	Амалий аҳамияти	Адабиётлардан фойдаланиш даражаси

Ишнинг расмийлаш- тирилиши	Диссертатсия ҳимояси	Умумий балл	%

ДАК раиси:

ДАК аъзолари:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

“Ўзбекистон тарихи ” кафедраси

Магистрант: Ойбек Абдимўминов

Магистрлик диссертацияси ишини бажариш юзасидан

Т О П Ш И Р И Қ

Мавзу: _____

1–боб
юзасидан: _____

2–боб
юзасидан: _____

Хулоса
қисмида: _____

Илмий раҳбарлар
хулосаси: _____

Илмий
раҳбар имзоси: _____

Кафедра
муdiri имзоси: _____

“ _____ ” _____ 2009 йил

**ҚҰЙИ ЗАРАФШОН ВОҲАСИ МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ
ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ
(1918-1935 йиллар)**

(Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоятлари мисолида)

РЕЖА:

КИРИШ:

тадқиқотнинг мақсади,
мавзунинг долзарблиги, илмий янгилиги,
маънавий-мафкуравий аҳамияти, историографияси,
географияси ва хронологияси.

**И.БОБ. МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ
САБАБЛАРИ, ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧЛАРИ**

- 1.1. Туркистонда истиқлолчилик ҳаракатининг
вужудга келиши сабаблари ва хусусиятлари.
- 1.2. Зарафшон воҳасида миллий истиқлолчилик
ҳаракатининг ҳаракатлантирувчи кучлари ва уларнинг
асосий ғоялари.
- 1.3. Зарафшон воҳаси миллий истиқлолчилик ҳаракатининг
ўрганилиш тарихи ва манбашунослиги муаммолари.

**ИИ.БОБ. ҚҰЙИ ЗАРАФШОН ВОҲАСИ МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛЧИЛИК
ҲАРАКАТИНИНГ РАҲНАМОЛАРИ ВА ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧЛАРИ.**

- 2.1. Самарқанд воҳасида миллий истиқлолчилик.
- 2.2. Бухоро воҳасида миллий истиқлолчилик ва унинг
ҳаракатлантирувчи кучлари.
- 2.3. Навоий вилояти ҳудудида ҳаракат қилган кўрбошилар ва
миллий истиқлол намоёндалари.

**ИИИ. БОБ. ЗАРАФШОН ВОҲАСИДА МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛЧИЛИК
ҲАРАКАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИНГ
ОҚИБАТЛАРИ.**

- 3.1. Зарафшон воҳасида миллий истиқлолчиликнинг
енгилиши ва унинг сабаблари.
- 3.2. “Катта террор” йилларида (1937–1938 й.й.)
миллий истиқлолчиларнинг қатағон қилиниши.

ХУЛОСА

Диссертацияни бажаришда фойдаланилган адабиётлар, манбалар, марказий,
маҳаллий давлат, жорий ва шахсий архивлар рўйхати.

МУНДАРИЖА:

КИРИШ.....

**И.БОБ. МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ
САБАБЛАРИ, ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ
КУЧЛАРИ.....**

- 1.1. Туркистонда истиқлолчилик ҳаракатининг вужудга келиши сабаблари ва хусусиятлари.....
- 1.2. Зарафшон воҳасида миллий истиқлолчилик ҳаракатининг ҳаракатлантирувчи кучлари ва уларнинг асосий ғоялари.....
- 1.3. Зарафшон воҳаси миллий истиқлолчилик ҳаракатининг ўрганилиш тарихи ва манбашунослиги муаммолари.....

**ИИ.БОБ. ҚУЙИ ЗАРАФШОН ВОҲАСИ МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛЧИЛИК
ҲАРАКАТИНИНГ РАҲНАМОЛАРИ ВА ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ
КУЧЛАРИ.....**

- 2.1. Самарқанд воҳасида миллий истиқлолчилик.....
- 2.3. Бухоро воҳасида миллий истиқлолчилик ва унинг ҳаракатлантирувчи кучлари.....
- 2.1. Навоий вилояти ҳудудида ҳаракат қилган кўрбошилар ва миллий истиқлол намоёндалари.....

**ИИИ. БОБ. ЗАРАФШОН ВОҲАСИДА МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛЧИЛИК
ҲАРАКАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИНГ
ОҚИБАТЛАРИ.....**

- 3.1. Зарафшон воҳасида миллий истиқлолчиликнинг енгилиши ва унинг сабаблари.....
- 3.2. “Катта террор” йилларида (1937–1938 й.й.) миллий истиқлолчиларнинг қатағон қилиниши.....

ХУЛОСА.....

Фойдаланилган адабиётлар, манбалар.....

КИРИШ

Башарият тарихида шундай воқеалар бўладики, у жамиятнинг ҳам унда яшаётган кишиларнинг ҳам ижтимоий тақдирини ўзгартириб юборади. Ўзбекистон мустақиллиги ана шундай воқеалар сирасига киради. У улуг тарихий воқеа. Миллатнинг XX аср сўнгида эришган улуг тарихий ғалабасидир. Миллат фарзандларининг ақл–заковати, қувваи–қофизаси, интеллекти, менталитетининг ҳосиласидир. Ватан тарихининг тамоман янги давридир. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги – бу узоқ давом этган озодлик кураш тарихидир.¹ Истиқлолчилик ҳаракатига деҳқонлар, хунармандлар, зиёлилар, ислом дини вакиллари ҳулас халқнинг барча табақа вакиллари фаол қатнашганлар, Ўзбекистон мустақиллигига уларнинг ҳам салмоқли ҳиссалари бор. Бу тўғрида кўплаб ҳужжатлар, маълумотларга эгамиз. Зеро, мустақиллик йилларида бой тарих ва меросимиз, дини диёнатимиз, кўҳна урф–одат ва анъаналаримизнинг қайта тикланганлиги, бугунги кунда меҳр–оқибат, диний бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби эзгу фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш ҳаётимиз қоидасига айланиб бораётган ижтимоий шароитда миллий истиқлолчилик ҳаракати намоёндаларининг Ватан олдидаги хизматлари тарихини ҳолис тадқиқ этиш ҳам илмий, ҳам тарбиявий, ҳам миллий мафкуравий аҳамиятга эга.²

Мавзунинг долзарблиги: масалага шундай истиқлолий ҳолислик, тарихийлик, миллийлик диалектикаси меъзонида ёндошсак, **“Қуйи Зарафшон воҳаси миллий истиқлолчилик ҳаракати ва унинг ўзига хос хусусиятлари”** 1918–1935 й.й. (Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоятлари мисолида) мавзуси ўта долзарб ва замонавийдир. Зеро, Ватан тарихини, унинг таркибий қисми бўлган Зарафшон воҳаси тарихини ҳар томонлама илмий тадқиқ қилиш истиқлол шароитида янада долзарблашмоқда ва муҳим илмий, маънавий–мафкуравий аҳамият касб этмоқда. Чунки Ватан тарихини тадқиқ ва тарғиб қилиш ҳозирги мафкуравий ҳужумлар, таҳликалар, чегара ва ҳудудий даъволар кучайган шароитда кишиларни, хусусан ёшларни сиёсий ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди. Шундай экан, истиқлол шароитида Ватан тарихининг ҳар бир воҳаси, вилояти, туман–шаҳарлари, қишлоқлари, моддий–маданий обидалари, аҳолисининг барча қатламлари вакилларининг ижтимоий фаолиятини, жумладан истиқлолчилик

¹ Қаранг: Каримов И.А Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, “Маънвият”, 2008, 36 – 40 – бетлар; Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Тошкент. “Ўзбекистон”, 2007 йил; Алимова Д. Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллигида тарих фани. “Ўзбекистон тарихи” 2006 йил, 4 – сон, 26 – 35 бетлар, в.б.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. “Халқ сўзи”, 2008 йил, 19 – июнь; Каримов И.А. Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган бекиёс ҳиссасининг юксак эътирофи. “Ҳидоят”, 2007 йил, 2 – сон, 4 – 7 – бетлар.

ҳаракати ва уларнинг мустабид совет замонидаги таҳликали ҳаёти, фожеали тақдири тарихини ўрганиш ҳам илмий, ҳам миллий, ғоявий–мафкуравий аҳамиятга эгадир. Зарафшон воҳаси барча замонларда ўзининг маънавий маданияти, миллий қаҳрамонларининг фаоллиги билан эътибор қозониб келган. Шунинг учун ҳам XX асрнинг 20–30 йилларида зўравонлик ва миллатга нисбатан ҳурматсизлик билан олиб борилган совет сиёсатининг мақсад, моҳиятини тез тушундилар ва ҳаётларини унга қарши курашга бағишладилар. Мавзунинг ўта дозарблиги ҳам шунда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси: Ўзбекистонда истиқлолчилик ҳаракати мавзусига бағишлаб республикада³ ва унинг ташқарисида⁴ турли йилларда кўплаб асарлар ёзилган, диссертациялар бажарилган. Жумладан, Алимова Д.А, Зиёева Д, Ражабов Қ, Шамсутдинов Р, Али Бодомчи, Боймирза Ҳайит, Аҳмад Закий Валидий Тўғон, Жозеф Кастъане каби ўнлаб муаллифларнинг асарларида Туркистон, Ўзбекистон миллий истиқлолчилик ҳаракати тарихи турли аспектда кенг илмий қамровда таҳлил қилинган. Бутун Туркистон миллий истиқлолчилик ҳаракати бўйича республикада йирик ва нуфузли олимлар томонидан катта–катта тадқиқотлар амалга оширилган. Масалан, Р.Шамсутдиновнинг⁶ шўро даври тарихининг кирдикорларни фош этувчи асарларида, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти илмий ходими, тарих фанлари доктори, профессор Қаҳрамон Ражабов⁷ каби олимлар ва улар раҳбарлигида номзодлик ва докторлик ишлари қилинди. Шунингдек, илмий ва оммабоп журналларда

³ Қаранг: Алимова Д.А. Историческое мировоззрение джадидов и их проекция будущего Туркестана. Т., 1996 г; Зиёева Д. Туркистон миллий озодлик ҳаракати. Т., 2000; Ражабов Қ. Вооруженное движение в Туркестанском крае против советского режима. (1918 – 1924 г.г.) Т., 2005 г; Шамсутдинов Р. Фарғона кўрбошилари. “Фан ва турмуш”. 1997, №2, в.б.

⁴ Қаранг: Али Бодомчи 1917 – 1934 йиллардаги Туркистон миллий истиқлол ҳаракати ва Анвар Пошо. Истамбул, 1975 йил; Боймирза Ҳайит. Туркистонда 1917 – 1934 йиллардаги миллий кураш. Кёльн, 1992 йил; Аҳмад Закий Валидий Тўғон Бугунги турк эли. Истамбул, 1981 йил; Жозеф Кастъане. Туркистон миллий қутилиш ҳаракати, Истамбул, 1981 йил в.б.

⁶ Шамсутдинов Р. “Босмачилик” ҳақида ўйлар. Т., “Мулоқот”, 1993 йил, 5-7 сонлар; “Босмачилар” ким бўлган. “Фан ва турмуш”, 1997 й, 8-сон; Шермуҳаммадбек ҳаётига чизгилар. “Фан ва турмуш”, 1999 йил, 2-4-сонлар; Фарғона кўрбошилари. “Фан ва турмуш”, 1997 йил, 2-сон.

⁷ Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. (1920-1924) й. Т., “Маънавият”, 2002; Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати; моҳият ва асосий ривожланиш босқичлари (1918-1924 йиллар). Т.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т., 1994, Вооруженное движение в Туркестанском крае против советского режима (1918-1924гг). Автореферат диссертации док.ист.наук. Тошкент, 2005. 64 стр.; Туркистон аёл кўрбошилари қисмати. “Гулистон”, 2002 йил, № 2, 12-13-бетлар; Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар (1917 – 1935 й.) Т.: “Ўзбекистон”, 2000; Туркистон тарихи. (1917-1924 й.) Т.: “Университет”, 2002; “Босмачи”ни қандай баҳолаш керак? Истиқлолчи деган маъқул. //Фан ва турмуш. 1995. №3,282-29-бетлар; Истиқлолимиз сарчашмалари. // Гулистон, 1997, №1 10-12-бетлар; Ғолиб армиянинг қора ишлари. // Шарқ юлдузи, 1998. №6 163-180-бетлар; Бухоро кўрбошилари. //Фан ва турмуш 1998. №6, 18-19-бетлар; Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатида давлатчилик ғоялари. //Жамият ва бошқарув. 2002, №2 24-29-бетлар; Туркистон кўрбошилари қисмати. //Гулистон 2003, № 1, 12-13-бетлар; Бухоро мужоҳидлари ва Мулла Абдуқаҳҳор кўрбоши. // “Ўзбекистоннинг янги тарихи. Концептуал – методолигик муаммолар” мавзусидаги республика илмий – назарий конференцияси материаллари. Т.: “Академия”, 1998 й, 205-209-бетлар; Туркистон минтақасидаги истиқлолчилик ҳаракати ва уни даврлаштириш масалалари. (1918- 1935 йиллар) // Марказий Осиё XX аср бошида: ислохотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш. (Жадидчилик, мухториятчилик, истиқлолчилик). Халқаро конференция материаллари. Т.: “Маънавият” 2001, 126-134-бетлар.

чоп этилган бир қатор илмий мақолалар, жумладан, Дилшод Ражаб⁸, Ф.Қосимов, У.Рашидов,⁹ А.Набиев¹⁰, С.Шодмонова¹¹ асарларида мазкур мавзу доирасида бир қатор илмий фактлар ўз исботни топган. Бу мавзу ўта долзарб бўлганлиги сабабли матбуотда ва илмий нашрларда нуфузли тарихчи олимлар билан бирга давра суҳбатлари қилинди¹². Бундан ташқари мазкур мавзу бўйича чет элларда ҳам кўпгина илмий ишлар эълон қилинган. Масалан, Абдуллоҳ Ражаб Бойсун¹³, Абдимўмин Абдурахмон¹⁴, Али Бодомчи¹⁵, Аҳмад Закий Валидий Тўғон,¹⁶ Боймирза Ҳайит,¹⁷ Шаҳобиддин Яссавий,¹⁸ Жозеф Кастане,¹⁹ Гленда Фрезер,²⁰ Мусо Туркистоний²¹ асарларида Туркистонда миллий истиқлол ҳаракати ва унда фаол иштирок этган дин арбоблари, қўрбошилар, мужоҳидлар, истиқлолчи жаҳидларнинг фаолияти, миллий истиқлолга қўшган ҳиссаси ёритилган.

Бироқ, бу ҳали Ўзбекистонда миллий истиқлолчилик ҳаракати мавзуси тўлиғича, мукаммал ўрганилиб бўлинди деган хулосани аниқламайди, бизнингча. Унинг устига ҳали Зарафшон воҳасида истиқлолчилик ҳаракати, унинг хусусиятлари, ҳаракатлантирувчи кучлари таркиби, хусусан алоҳида ижтимоий қатламни ташкил қилган дин вакиллари ва уламоларининг истиқлолчилик ҳаракатлари, уларнинг қатағон қилиниши ва фожеали ҳаёти, тақдири масаласи ҳали мукаммал ўрганилмаган. Мамлакат миллий истиқлолчилик ҳаракати намоёндаларининг мустабид совет сиёсатига қарши олиб борган ҳаракати тўғрисида истиқлол йилларида матбуотда маълум илмий мақолалар эълон қилинди. Бироқ, дин вакиллари, уламоларининг истиқлолчилик ҳаракати тарихи мамлакат миқёсида ҳам, Зарафшон воҳаси минтақасида ҳам диссертацион тадқиқот даражасида ўрганилмаган. Ҳатто истиқлолчилик ҳаракати тарихи бўйича тадқиқот олиб борган олимлар ҳам дин вакиллари, уламоларининг истиқлолчилик ҳаракати мавзусини эҳтиёткорлик нуқтаи-назаридан эътибордан четда қолдирганлар. Энди Ватан тарихининг

⁸ Дилшод Ражаб. Жилвон ўғлони. Т., 2001 йил.

⁹ Қосимов Ф., Рашидов У. Бухорода қаршилик / “босмачилик”/ ҳаракати тарихидан лавҳалар /1920-1924 йиллар/. Тошкент.: 1994 й.

¹⁰ Набиев А. Жанговар йиллардан лавҳалар. Т., 1968, 13-бет.

¹¹ Шодмонова С. Немис ва турк тарихшунослигига совет мустамлакачилигига қарши кураш масалалари. Т.: “Абу матбуот - консалт” 2008 йил.

¹² “Босмачилик”: ҳақиқат ва уйдирма. Давра суҳбати. Т., “Шарқ юлдузи”, 1991 йил, 3-сон.

¹³ Абдуллоҳ Ражаб Бойсун. Туркистон миллий ҳаракатлари. Истамбул. 1943-1945.

¹⁴ Абдимўмин Абдурахмон. Турон тарихига ёғдулар. Истамбул. 1994.

¹⁵ Али Бодомчи. 1917-1934 йиллардаги Туркистон миллий истиқлол ҳақати ва Анвар Пошо. Қўрбошилар. Истамбул. 1975.

¹⁶ Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бутунги турк эли. Истамбул. 1981. 2-нашр.

¹⁷ Боймирза Ҳайит. “Босмачилик”. Туркистон миллий мужодала тарихи. (1917-1934). Туркия давлат вақфи нашрлари. Анкара. 1997., “Босмачилик”. Туркистонда 1917-1934 йиллардаги миллий кураш. Кёльн, 1992., *Turkistan im jahrhundert. Darmstadt. 1956 jahr.*

¹⁸ Шаҳобиддин Яссавий. Туркистоннинг ачиқ ҳақиқатлари. Анкара, 1984.

¹⁹ Жозеф Кастане¹³ *Turkistan milli kutuluş Hareketi. Istanbul. 1981*

²⁰ Glenda Frezer¹⁴ *Basmachi-I. Central Asian Survey, Oxford, 1987, № 1, p. 51,*

²¹ Мусо Туркистоний. Улуғ Туркистон фожеаси. (эски ўзбек ёзувида) Мадина, 1979.

бу кемтиклик ўрнини тўлдириш вақти келди. “Эркин демократик жамият қураймиз. Биз учун ёпиқ мавзунинг ўзи йўқ.”²²

Диссертация ишининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги: “Қуйи Зарафшон воҳаси миллий истиқлолчилик ҳаракати ва унинг ўзига хос хусусиятлари” 1918–1935 й.й. (Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоятлари мисолида) мавзуси Навоий давлат педагогика институти Тарих факультетининг бош илмий тадқиқот мавзуси билан ҳам, Ўзбекистон ФА Тарих институти “Совет даври тарихи” бўлимининг тадқиқотлар мавзуси билан ҳам мазмун–мақсад ва хронологик нуқтаи–назардан ўта ҳамоҳанг ва боғлиқ, бири иккинчисини давом эттиради ва тўлдиради.

Тадқиқотнинг мақсади: Ҳанузгача илмий қамровдан четда қолиб келаётган Зарафшон воҳаси дин вакилларининг истиқлолчилик ҳаркати ҳаёти тарихини ҳолис, тўлалигича, истиқлолчилик ҳаракатининг умумий ва Зарафшон воҳасига хос қонуниятлари билан, ҳужжатлар, манбалар асосида мустақил бажарилган, тугалланган диссертация, монография талаблари даражасида тадқиқ этиб, Ватан тарихи историографиясини тўлдиришдир.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги: Зарафшон воҳаси дин вакилларининг истиқлолчилик ҳаркати тарихи махсус идораларнинг архив ҳужжатлари, манбалар асосида тадқиқот объекти қилиб, илмий қамровга олиш – тадқиқотнинг илмий янгилигини ташкил этади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти: Зарафшон воҳаси истиқлолчилик ҳаркати намоёндалари ва уларнинг фожели ҳаёти муаммосини 1918 – 1935 йиллар хронологиясида мустақил, тўлиқ, мукаммал тадқиқ этиш Ватан тарихининг илмий қамровидан четда қолган масалалар миқдорини қисқартиради, историографиясини тўлдиришга хизмат қилади, тадқиқотчилар учун манба вазифасини ўтайди, халқ таълими муассаларида ўқув қўлланма сифатида ўрганилади ва замонавий маънавий, маърифий, мафкурвий аҳамият касб этади.

Зарафшон воҳаси тарихи–Ватан тарихининг муҳим, бекиёс, бетакрор, жабҳаси, ниҳоятда чексиз ва ноёб, тадқиқотчилардан илмий мушоҳадани тафаккурни талаб қиладиган тарихдир. Унинг тадқиқотчиларга узоқ муддатга етадиган, илмий ечимини кутаётган муамолари бисёр. Фақат уни илмий ўрганишнинг методологик, диалектик қонуниятларига асосланиб, этномаданий маконлар, воқеалар жараёнларни алоҳида ва яхлит ўзаро боғлиқ ҳолда, ўринсиз ҳадиксирашларсиз ва кераксиз “эҳтиёткорлик”ларга, миллий ҳиссиётга берилмасдан муаммонинг ечимига, ҳосиласига илмий мутасаддилик, масъулият билан бориш ҳар томонлама мақсадга мувофиқдир.

²² Қаранг: Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., “Шарқ”, 1998, 6 – бет.

Зарафшон воҳаси тарихини ўрганиш ва тарғиб қилиш нафақат илмий назарий, балки ғоявий – мафкуравий аҳамиятга эга. Зеро, миллий мафкурани шакллантиришдаги энг катта манба–бу ҳаққоний ёритилган тарихдир. Тарихни билмасдан туриб мафкуранинг фалсафий негизларини англаб бўлмайди. Чунки, мафкуранинг фалсафий асослари ўз даврида тарихий ҳақиқат туфайли туғилган.²³

Шу билан бирга таъкилдаш лозимки, бунда миллий маънавият масаласи, миллий кадриятлар ва миллий тарихимиз тадқиқотнинг диққат марказида туради. Зеро, “маънавият инсоннинг руҳан покланиш, қалбан уйғонишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват иймон – эътиқодини бақувват қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг меъзонидир”.²⁴

²³ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори “Халқ сўзи”, 2008 йил, 19 – июнь;

Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий – маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. “Халқ сўзи”, 2006 йил, 26 – август

Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8- жилд, Тошкент, “Ўзбекистон” 2000 йил, 505 – бет.

Каримов И.А. Биз келадагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7 – жилд, Тошкент “Ўзбекистон”, 1999 йил, 137 – бет.

²⁴ Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008 йил, 19 – бет.

И. БОБ. МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ, ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧЛАРИ

1.1. Туркистонда истиқлолчилик ҳаракатининг вужудга келиши сабаблари ва хусусиятлари

Ватанимизнинг қадим ва шонли тарихида 1918 – 1935 йиллар ўзининг мураккаб ижтимоий – сиёсий воқелиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Бу давр тарихи ўта зиддиятларга бой, алғов – далғовли, пўртана, турли хил қарашларни юзага келтирган Ватан тарихи историографиясида алоҳида, муҳим аҳамият касб этган **миллий истиқлолчилик ҳаракати** даври ҳисобланиб, бугунги доруломон кунлар ва миллий мустақиллик учун олиб борилган ҳаракатлардан бири эди. Лекин минг афсуски, бу кураш мустабид совет империяси даври тарихшунослигидан “босмачилик” деб ном олди.

Тарихий манбаларда Туркистон халқларининг шўролар босқинига қарши олиб борилган миллий озодлик ҳаракати ва истиқлолчилик ҳаракатининг бошланиши ва уни даврлаштириш бўйича ҳар хил қарашлар ва талқинлар мавжуд. Жумладан, шўролар тарихшунослигида ўлкамиз халқларининг озодлик ва миллий мустақиллик учун кураши даврини кўр – кўрона граждaнлар уруши деб қаралди, Россиядаги фуқаролар уруши давридан айнан кўчириб олинди ва 1918 – 1920 йиллар билан белгиланди. Холбуки, бу тарихий ҳақиқатга мутлақо тўғри келмайди. Бу борада ҳам тарихий воқеаларга ҳолисона берилган тўғри баҳо ўша даврда хорижда, мамлакатимизда эса мустақиллик йилларида чоп этилган манбаларда берилган. Жумладан, ватандошимиз Боймирза Ҳайит 1992 йил Кёльн шаҳрида чоп этилган “Босмачилик: Туркистонда 1917–1934 йиллардаги миллий кураш” китобида ўлка халқларининг миллий–озодлик ва мустақиллик кураши даври тўғри ва аниқ белгилайди. Унинг фикрича, Туркистон халқларининг миллий – озодлик учун кураши 1934 йилнинг ўрталарига қадар давом этган. Бу катта давр икки босқичга бўлинади.

Биринчи босқич: 1918 йил февралдан – 1924 йилгача;

Иккинчи босқич: 1924 йилдан – 1934 йилгача.²⁴

Туркистонда октабр тўнтаришидан кейин содир бўлган воқеалар жараёни шуни кўрсатадики, болшевиклар ўрнатган совет режими ўлка халқларига нафақат мустақиллик, ҳатто миллий мухториятни ҳам раво кўрмади. Мустақиллик осонликча қўлга киритилмаслигини тушуниб етган миллий ватанпарварлар қўлга қурол олиб, болшевиклар

²⁴ Қаранг: Baymirza Hayit. “Basmachilar”. Turkistan Milli Mycadele tarixi. (1917 - 1934) Ankara. 1997. 367 – sahife; Шамсутдинов Р. Ўзбекистон тарихидан материаллар. Андижон, 2004 йил, 134 – бет.

ва босқинчи қизил армияга қарши истиқдолчилик ҳаракатини бошлаб юбордилар. Совет режими ва коммунистик мафкура ҳукмронлиги йилларида уларга "босмачи" деб ноҳақ тамға босилди.

Ушбу ўринда "босмачи" сўзининг моҳияти хусусида тўхталмасдан ўтиб бўлмайди. "Босмачи" сўзи аслида "босмоқ" феълидан олинган. Аслини олганда Фарғона водийсида, умуман, бутун Туркистон худудида подшо ва советлар Россияси болшевикларга қарши куролли кураш олиб борган туркистонликлар ўзларини "босмачилар" деб аташмаган. "Босмачи" деб халқ ўртасида ҳарбий соҳага алоқаси бўлмаган жиноятчи унсурлар, "ўғри" ва "безорилар тўдаси" тушунилган. Шу билан бирга бировларнинг юртини босиб олган босқинчиларни ҳам "босмачилар" деб аташ мантиқан тўғри келади. Бу ҳаракат ҳақида сўз юритилган 1918–1919 йилларнинг ўрталаригача бўлган даврга тегишли архив ҳужжатларида ҳам "босмачи" сўзи учрамайди. Бу ҳужжатларда "қароқчи" (разбойник), "шайка", жуда бўлмаса "босқинчи" (бандит) иборалари қўлланилган.²⁵ 1919 йилнинг ўрталаридан бошлаб аввал совет вақтли матбуотида, кейинчалик эса айрим расмий ҳужжатларда "босмачи" иборасини қўллаш бошланган. "Босмачи" ва "босмачилик" иборалари миллий озодлик ҳаракатининг моҳиятини пасайтириш, аждодларимизнинг Россия зулми ва болшевиклар ҳукмронлигига қарши олиб борган қонли курашларини хаспўшлаш учун буюк давлатчи – шовинистлар томонидан ўйлаб топилди ва "бандитлик", "қароқчилик" сўзлари билан асоссиз равишда бир қаторга қўйилди. Коммунизм мафкурачилари ва уларнинг маддоҳлари ҳатто 1917 йилгача бўлган миллий озодлик ҳаракатларини ҳам кўп ҳолларда шу атама билан номладилар.²⁶

Тарих фанлари доктори, профессор Р. Шамсутдиновнинг таъкидлашича, "босмачи" атамасини биринчи бўлиб большевой мафкурачилари қўлладилар. "Жизнь национальности" (Москва 1920 йил, июнь) ойномасида «Босмачилик фронти» мақоласи эълон қилинди. Бу иборани 1921 йили 4 апрелда мазкур мақола муаллифи, Фарғона қўшинлари қўмондони Д.Е. Коновалов ишлатади.²⁷

Халқлар "дохийси" И.В. Сталиннинг "босмачилик ҳаракати 1918 – 1924 йилларда Ўрта Осиёда бир душман, ихтилоф ва миллатчи бўлиб Ўрта Осиё республикаларни Совет Россиясидан ажратиш ва мустамлакачи синф ҳокимиятини янгидан қуриш ғояси билан

²⁵ Қаранг: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2 – жилд, Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси нашриёти. 163 – бет.

²⁶ Қаранг: Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи. Т.: "Университет", 2002 йил, 108 – бет.

²⁷ Шамсутдинов Р. Ўзбекистон тарихидан материаллар. Андижон, 2004 йил, 135 – бет.

бойлар томонидан бошқарилувчи сиёсий қарокчилик шаклида ўртага чиққан”²⁸, деган фикрлари шўро тарихчилари томонидан қабул қилинди.

А.Зевелев, Ю.Поляков, А.Чугуновнинг “Басмачетсво” китобида қуйидаги сатрлар келтирилган: “Слова басмач происходит от тюркского глагола “басмак”, что означает “давит”, “притеснять”, “насиловать”, У народов Средней Азии понятия означает “налетчик”, “бандит”, разбойник”, “насилник”²⁹. Аммо бу каби ғайриилмий, тухмат қарашларнинг акси ўлароқ ҳақиқатга яқин фикрлар ҳам ўша 20–йиллардаёқ билдирилган эди. Н.Е.Какурин, Г.Козловский, Л.Соловейчиклар “босмачиликни “партизанлар ҳаракати” “халқ ҳаракати”, “инқилобий кураш” “озодлик кураши” деб талқин этишган. Ҳатто миллий қирғин айбдорларидан бири В.В.Куйбишев ҳам Бухородаги “босмачилик”ни озодлик кураши, “бу босқинчилик, босмачилик ҳаракати эмас, балки сиёсий ҳаракатдир” деб таъкидлаган эди. Ҳарбий арбоблардан бири бўлган Врачев 1922 йил 12 майда “Бухорода авж олган босмачилик маълум маънода халқ кўзғолони, халқ исёни характериға эга”, деб кўрсатган. Ҳарбий комиссар Соколовнинг фикрича, “Босмачилик Туркистон халқининг бегона ҳокимиятга қарши миллий исёнидир”³⁰.

Таниқли раҳбар ходим Г.Сафаров “Колониальная революция. Опыт Туркестана” (Москва, 1921) асарида “босмачилик” ҳаракатини мустамлакачиларга қарши қаратилган миллий кураш, деб атаган.

Маҳаллий миллат вакилларида Нисомиддин Хўжаев, Турар Рисқулов, Санжарбек Асфандиёров, Назир Тўрақулов, Қайғусиз Отабоев, Абдурауф Фитрат, Усмонхон Эшонхўжаев, Иномжон Хидиралиев, Раҳим Иноғомов ва бошқалар ва уни миллий озодлик ва истиқлол учун кураш, деб талқин этган. Туркистон тарихининг билимдони “босмачилик уруши” иштирокчиси Аҳмад Закий Валидий Тўғоннинг фикрича, “Босмачилик ҳаракати Туркистонда 1918 – 1923 йиллар охирида фаол ҳаракатларга эга ҳолда бутун қувватини ўзига жалб этиб ўртага чиққан муаззам озодлик ҳаракатидир”³¹.

Бу миллий ҳаракатнинг бош қўмондонларидан бири Шермуҳаммадбекнинг фикрича, “бу ҳаракат умум Туркистон истиқлоли учун бир ёкадан бош чиқарган ватанпарварларнинг ҳаракатидир.

Бу ҳаракат – чингизийларнинг, темурийларнинг, Улуғбекларнинг, Навоийларнинг юртини Москов таҳдидидан халос этиш демакдир.” **(Басмасилк: Умум Туркистанъин истиқлалли исин, бир арая гелмиш қилкес ҳаракетидир. Бу ҳарекет: Қингизлерын,**

²⁸ Али Бодомчи. Туркистон миллий истиқлол ҳаракати ва Анвар Пошо. Қўрбошилар. 1 – жилд, Анқара. 1975 йил, 8 – бет. (Изоҳ – мазкур китоб турк тилида босилган ва юқоридаги иқтибос ўзбек тилига таржима асосида берилмоқда)

²⁹ Шамсугдинов Р. Ўзбекистон тарихидан материаллар. Андижон, 2004 йил, 136 – бет.

³⁰ Шамсугдинов Р. Ўзбекистон тарихидан материаллар. Андижон, 2004 йил, 137 – бет.

³¹ Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлинггани бўри ер. Т.: “Адолат”, 1997 йил, 90 – бет.

Тимурларъин, Улуғ Бейларин: Невъилеръин юрдуну Москоф таҳаккўмїнден ҳалъс қилмак демектир.)³²

Шермуҳаммадбекнинг укаси Нурмуҳаммадбек қўрбоши таърифича, “босмачилар” “мудофаи Ватан, мудофаи Дин, мудофаи Миллат” шиори остида ҳаракат қилганлар³³.

Хайриятки, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, "босмачи" ёрлиғи ёпиштирилган ота-боболаримизнинг муборақ номлари истиқлолчилар сифатида намоён бўлди.

Истиқлолчилик ҳаракати "Туркистон мухторияти тор-мор қилиниши билан бошланганлиги" деярли барча тарихчиларнинг асарларида эътироф қилинади. Аслини олганда, мухторият ҳукумати ағдариб ташланмаганида ҳам ёки бу ҳукумат хатто мутлақо билмаганида ҳам истиқлолчилик ҳаракатининг вужудга келиши табиий бир ҳол эди. Зотан, бу даврда Туркистонда вужудга келган ижтимоий – сиёсий вазият истиқлолчилик ҳаракатининг бошланишини муқаррар қилиб қийган эди. Чунки Туркистонда истиқлолчилик ҳаракатининг бошланиши учун мухториятнинг тор — мор қилиниши билан бирга бошқа бир қатор жиддий сабаблар ҳам мавжуд эди.

Биринчидан, 1917 йилда содир бўлган октабр тўнтариши ва бунинг натижасида ҳокимиятни қўлга киритган болшевиклар томонидан илгари сурилган коммунистик мафкура Туркистон халқлари учун мутлақо ёт тушунча эди. Маҳаллий аҳоли бу ғояни аввал бошданок изига сингдира олмади ва унга қарши турди.

Иккинчидан, совет ҳукумати ўрнатилган дастлабки кунданок ҳокимиятни бошқаришга маҳаллий халқ вакиллари жалб қилинмади, уларнинг миллий ғурури, ҳақ-ҳуқуқи инкор қилинди. Туркистонда ўрнатилган болшевиклар тузуми Чор Россияси мустамлакачилигининг янги шакли эканлиги ўша дастлабки кунларданок ошкор бўлган эди.

Учинчидан, янги тузум ўрнатилган кунданок маҳаллий халқнинг асрлар давомида шаклланган урф - одатлари, миллий қадриятлари топталди. қози судлови бекор қилинди вақф ерлари тортиб олинди, мулкчиликнинг барча шаклига чек қўйилди.³⁴

Туркистон Мухториятининг тугатилиши истиқлолчилик ҳаракатининг бутун Фарғона водийсида оммавий равишда бошланишига бир туртки вазифасини ўтади, холос. Россия империясининг мустамлакачилик зулми остида эзилиб келган фарғоналиклар Туркистонда биринчи бўлиб болшевиклар режимига қарши қуролли курашга отландилар.

³² Али Бодомчи. Туркистон миллий истиқлол ҳаракати ва Анвар Пошо. Қўрбошилар. 1 – жилд, Анқара. 1975 йил, 20 – бет. (Изоҳ – мазкур китоб турк тилида босилган ва юқоридаги иқтибос ўзбек тилига таржима асосида берилмоқда)

³³ Али Бодомчи. Туркистон миллий истиқлол ҳаракати ва Анвар Пошо. Қўрбошилар. 1 – жилд, Анқара. 1975 йил, 20 – бет.

³⁴ Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи. Т.: “Университет”, 2002 йил, 109 – бет.

Шу тариқа, Туркистонда совет ҳокимияти ва болшевикча режимга қарши истиқлолчилик ҳаракати 1918 йил феврал ойининг охирларида бошланган эди.

Истиқлолчилик ҳаракатининг асосий **ҳаракатлантирувчи кучи** деҳқонлар, чорикорлар, мардикорлар, хунармандлар ва косиблар эди. Туркистон республикаси раҳбарларидан бирининг эътироф этишича, истиқлолчилик ҳаракатида асосан деҳқонлар ва хунармандлар қатнашди. Уларга шаҳар аҳолисининг аксарият қисми: ўзига тўқ бадавлат оилаларнинг вакиллари, савдогарлар, ислом дини арбоблари ҳамда баъзи бойлар қўшилди. Истиқлолчилар сафида оқ-қорани тушунган саводхон кишилар — зиёлилар ҳам кўпчиликлари ташкил қиларди ва улар жаидлар орасидан ажралиб чиққан **Туркистон мунавварлари** ва **муборизлари** эди. Бир сўз билан айтганда, истиқлолчилар сафида халқнинг барча табақасига мансуб кишилар бор эди.

Дастлабки истиқлолчи гуруҳларнинг ташкил топиши Кичик ва Катта Эргашларнинг номлари билан боғлиқдир.

Туркистон Мухторияти ҳукумати қўшинига бошчилик қилган Кичик Эргаш қўрбоши 1918 йил 19 - 21 февралда Қўқон шаҳрида қизил аскарларга қарши бўлган "икки кунлик уруш натижасида мағлубиятга учради, унинг 2.000 кишиликлари армиясидан омон қолган икки юзга яқин киши Кичик Эргаш раҳбарлигида Қўқон уездидаги Бачқир қишлоғига (Қўқондан 18 чакирим шимоли–шарқ томонда) жанг билан чекинишди". Ўзининг киндик қони тўкилган Бачқир қишлоғига Кичик Эргаш йигитлари билан қалъа шаклида истеҳком қуриб, мустаҳкам ўрнашиб олди. 26 феврал куни Бачқирга 5 та қизил гвардиячилар отряди ва дашноқлар дружинаси ҳужум қилишди. 27 февралда бўлган жангларнинг бирида Кичик Эргаш шахид бўлгач, унинг ўрнига Катта Эргаш қўрбоши Фарғона водийсида болшевикларнинг муштамлакачилик тартибига қарши кураш бошлади. Совет ҳокимияти ва болшевикларга қарши миллий истиқлол ҳаракатини ташкил қилиш энди унинг зиммасига тушади.

1918 йил март ойига келиб Фарғона водийсида бир-биридан мустақил равишда 40 дан ортиқ қўрбоши дасталари фаолият кўрсатарди. Мадаминбек Скобелев уездида, Шермуҳаммадбек ва Нурмуҳаммадбек Марғилон атрофларида, Омон Полвон, Қобул, Сотиболди қози ва Раҳмонкул Наманган уездида, Парпи қўрбоши Андижон шаҳри атрофида, Эшмат қўрбоши Қўқоннинг Бувайда қишлоғида, Умар Чоли Урганжи қишлоғида, Жонибек қози Ўзган томонда, Мухиддинбек Новқатда ҳаракат қилмоқда эди.³⁵

Бу тарқоқ ҳолда бўлган истиқлолчилик ҳаракатини ягона қўмондонликка бўйсундириш ва биргаликда ҳаракат қилиш мақсадида "Шўрои исломия" ва "Шўрои

³⁵ Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи. Т.: "Университет", 2002 йил, 110 – бет.

уламо" ташкилотлари аъзоларининг ташаббуси билан 1918 йил март ойининг охирида Бачқир қишлоғида Фарғонадаги бутун кўрбошиларнинг биринчи курултойи чақирилди. Унда 40 дан ортиқ йирик кўрбошилар қатнашди. Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракатининг бошлиғи қилиб Катта Эргаш сайланди ва унга бутун мусулмон кўшинларининг Олий бош қўмондони - "Амир ал муслимин" унвони берилди. Катта Эргаш кўрбошининг ўринбосарлари қилиб Мадаминбек ва Шермуҳаммадбек тайинланди.

Умуман олганда, Фарғона водийсида 1918 йилнинг ўрталарига келиб, тахминан юзга яқин кўрбошилар ўз дасталари билан қизил армия қисмларига қарши кураш олиб бормоқда эди. Лекин шу билан биргаликда айрим кичик гуруҳлар ўз манфаатлари йилида тўнтаришдан кейинги тартибсизликлар ва бошбошдоқликдан фойдаланиб халқни талаш, бойлик орттириш мақсадида ҳаракат қилиб аҳоли орасида обрўсизландилар. Булар кичик - кичик гуруҳлар бўлиб, улар умумий истиқлолчилик ҳаракатига қўшилмас, ўзлари мустақил ҳаракат қилар эдилар. Совет ҳукумати эса бундан усталик билан фойдаланиб, Туркистон халқлари ўртасида ҳақиқий истиқлолчиларни обрўсизлантиришга, уларга "босмачилар" деб тамға ошишга ҳаракат қилар эди.

Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатининг ўзига хос миллий характери ва хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар ҳаракатдаги кўрбошилар дасталари ва гуруҳлари фаолиятида, уларнинг мақсад ва истакларида ўз ифодасини топган эди. Буларда ислом шариати қонун - қоидалари асосидаги миллий давлат барпо қилишдан тортиб, миллий демократик тартибдаги мустақил давлат тузиш каби ғоялар мужассамлашган эди.

М.Фрунзе бундан сал олдинроқ Туркистон фронти қўмондони вазифасини бажаришга киришиши муносабати билан 1919 йил 11 августда чиқарган буйруғида Туркистон фронтининг ташкил қилинишидан мақсадни қуйидаги тарзда очиқ билдирган эди: "Туркистон юришининг асл мақсади, бутун Туркистонни ишғол қилишдан иборатдир». Чунки Фарғона водийсидаги бу ҳаракат Марказ ва бутун Туркистон ўлкасида болшевиклар режимига қарши кўтарилган халқ ҳаракати бўлиб, совет ҳокимиятини ларзага келтирди, айниқса, Фарғонада уни ҳалокат ёқасига олиб келди.

1920 йил 18 августда 2-Туркистон ўқчи дивизияси командири Ф.Карпов Туркфронт қўмондони М.Фрунзе билан телеграф орқали бевосита суҳбатида шундай деган эди: "Фарғонадаги уруш қароқчиларга қарши кураш бўлмасдан, балки бу ерда кураш туб аҳолини совет ҳокимиятига қарши ташкилий равишдаги қўзғолони ҳисобланади. Босмачилар бўлиб итган жангларда катта куч йўқотсаларда, ҳозирги вақтда уларнинг сафи янгидан, ҳаттоки, аввалгидан ортиқ даражада тўлиб бормоқда, ҳар бир милтиққа 5 та номзод даъвогарлик қилмоқда".

Туркистон автоном совет республикаси ХКС раиси Қайғусиз Отабоев 1922 йил июлида бўлган Туркистон МИҚ 4 – пленумида истиқлолчилик ҳаракати натижасида ўлкада вужудга келган вазиятни тўғри баҳолашга ҳаракат қилиб, шундай деган эди: "...Дастлабки даврларда босқинчилик руҳида бўлган бу ҳаракат эндиликда сиёсий мазмун касб этди. Шунини таъкидлаш лозимки, 1919—1920 йилларга келиб Фарғонада қароқчилик, босмачилик эмас, балки ўзига хос халқ кўзғолони вужудга келди.

Биз 4 йил давомида бу ҳаракатга ҳатто тўғри баҳо беришни ҳам билмадик, у халқ кўзғолони бўлгани ҳолда босмачилик деб атадик. Босмачилик моҳиятан талончилик деган маънони англатади, бизнинг ушбу ҳаракатга берган нотўғри таърифимиз масалани ҳал этишда нотўғри ёндошувларга олиб келди. Ва алалоқибат 4 йил давомида биз бу ҳаракатнинг бирон-бир жиҳатини тугата олмадик". Бу тарихий ҳужжат шундан далолат берадики, совет ҳокимиятининг Туркистондаги раҳбарлари излари истамаган ҳолда истиқлолчилик ҳаракатига ва унинг моҳиятига илк бор тўғри баҳо беришга, кўтарилган халқ ҳаракатини совет тузумига, большевиклар режимига қарши қуролли қизғолон эканлигини тан олишга мажбур бўлдилар. Бу иша давр учун муҳим аҳамиятга эга эди.

Марказий совет ҳокимиятининг бутун Туркистон ўлкасида юритган шовинистик ва мустамлакачилик сиёсати, маҳаллий аҳоли манфаатлари билан ҳисоблашмай, миллий кадриятларни оёқости қилиниши истиқлолчилик ҳаракатининг доимий равишда авж олиб боришига ҳамда узлуксиз давом этишига, улар сафининг мунтазам ортиб боришига, ҳатто уларнинг миллий таркибини байналмилаллашувига олиб келди. Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатининг миллий таркиби асосан туб жой аҳолиси ўзбек, тожик, қирғиз, қозоқ, туркман, қорақалпоқ, уйғурлардан иборат эди. Айниқса, Мадаминбек ўз йигитлари сафида ҳар хил миллат вакиллари бўлишига эътибор берди. У Фарғона водийсидаги рус аҳолисига мурожаат қилиб, ўз армиясига қўшилган ҳар бир оддий аскарга ойига минг сўмдан, зобитларга эса икки минг сўмдан маош тайинланишини ва уларнинг диний эътиқодларига даҳл қилинмаслигини эълон қилди. Мадаминбек қўшинлари билан Жалолободда турган К.Монстровнинг крестянлар (деҳқонлар) армияси ўртасида 1919 йил 2 сентябрда советларга қарши биргаликда курашиш учун ўзаро битим тузилганлиги юқоридаги фикримизга далилдир.

Шунингдек, истиқлолчилар сафида айрим татар ва бошқирд ҳарбийлари, Туркия ва Афғонистондан келган жуда оз миқордаги зобитлар ҳам бор эди. Масалан, архив ҳужжатларининг далолат беришича, Шермуҳаммадбек лашкарлари сафида 12 турк ҳарбий инструктори бўлган.

Истиқлолчиларнинг жанг қилиш тактикаси ҳам ўзига хос эди. Уларнинг сафида маҳаллий шароитни пухта бўлган йўлбошловчилар кўп бўлиб, улар билажак жанг шарт-

шароитларини олдиндан билишган: чунончи, қизил аскарлар миқдори, улар курол — яроғининг тури ва сони, хужум усуллари ёки чекиниши — ҳамма — ҳаммаси олдиндан пухта ўрганилган. Ўша давр тарихий ҳужжатларининг гувоҳлик беришича, истиқлолчилар "разведкаси ажойиб ишлар", жангларда бўлса кўп ҳолларда маҳаллий аҳоли томонидан қўллаб-қувватланган босмачилар ғолиб чиқишар эди. Истиқлолчилар маҳаллий шароитни яхши билганликлари учун ҳовли ва боғларда, қишлоқлардаги деворлар ортида, маҳалла ва гузарларда, тоғ — тошларда, чўл - биёбонларда, одам бориши қийин бўлган дараларда ҳам эркин ҳаракат қилишган.

Истиқлолчи дасталарнинг бундай кураш усуллари совет кишинларининг уларга қарши ўтказаетган ҳарбий операцияларини қийинлаштирар эди. Фарғонадаги миллий истиқлолчилар билан курашнинг ўзига хослигини тавсифлаб, Туркистон фронтининг қўмондони М.Фрунзе буйруқларининг бирида шундай эътироф этади: "Аҳоли зич жойлашган ва ўнқир — чўнқирлари кўп Фарғона районларида шайкаларни таъкиб қилиш жуда қийин вазифа бўлиб, ҳаддан ташқари катта куч — қувватни талаб қилади... Барча томонлари ариқлар билан кесишган ва бир — бирини тўсиб турган тоғлар билан куршалган туманлардан иборат бўлган, аҳолиси зич жойлашган Фарғона водийсида кураш ҳаддан ташқари мушкул эди. Ҳолдан тойдирилган душман бир жойда тарқалиб кетса, дам олиб ҳамда пастқам ва овлоқ ўринларда куч тўплагач, яна бошқа жойларда пайдо бўларди. Уларнинг кўкисдан қилган ҳужумлари ҳали жангга тайёргарлик кўришга имконияти бўлмаган жангчилардагина эмас, балки барча аҳоли ўртасида ҳам тўхтовсиз асабий зўриқиш туғдирарди ва шу сабабли Фарғонада курашнинг усуллари бошқа фронтлардаги кураш усулларида фарқ қилади. Бу ерда фронт чизиғи йўқ, у ҳамма жойдан ўтади".

Истиқлолчиларнинг ўзига хос бу кураш усуллари, уларнинг халқ оммаси томонидан доимо қўллаб-қувватланиши қизил аскарларининг тобора ғзабини кўзғотарди. Натижада совет армияси жангчилари бутун — бутун шаҳар ва қишлоқларнинг кулини кўкка совуришар, қишлоқларни ҳаводан туриб самолётларда бомбардимон қилишар, тинч аҳолини кириб ташлашар, Фарғона халқини заҳарли газ ишлатиб бўғиб ўлдиришар, қисқаси М.В.Фрунзе ва кейинчалик С.С.Каменев томонидан Махсус Туркистон учун ишлаб чиқилган "Босмачиликка қарши кураш йирикномаси"ни сўзсиз бажаришар эди.³⁶

Шундай қилиб, 1918 йил февралда дастлаб Қўқон атрофларида бошланиб, кейинчалик Фарғона водийси ва бутун Туркистон минтақасини қамраб олган истиқлолчилик ҳаракати совет режими ва босқинчи қизил армияга қарши қаратилган бўлиб, аждодларимиз Туркистон мустақиллиги учун ҳаёт — мамот курашига отланган эдилар.

³⁶ Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи. Т.: "Университет", 2002 йил, 116 — бет.

Хулоса ўрнида шуни таъкодлаш керакки, Туркистон миллий истиқлоли, озодлиги, ҳурлиги ва бирлиги нафакат Фарғона, Хоразм, балки бутун Зарафшон воҳасини ҳам қамраб олди. бу ерда ҳам унинг ўз қонуниятлари, шарт – шароитлари, имкониятлари, миллий қаҳрамонлари борки, уларни чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш, ёш авлод таълим тарбиясига тадбиқ этиш бугунги куннинг энг асосий талабларидан биридир.

1.2. Зарафшон воҳасида миллий истиқлолчилик

ҳаракатининг ҳаракатлантирувчи кучлари ва уларнинг асосий ғоялари

Бухорода амир ҳокимияти ағдариб ташланган дастлабки кунлардаёқ мамлакатнинг ғарбий, марказий ва шарқий қисмларида қизил армиянинг босқинчилик сиёсати ва большевиклар зулмига қарши истиқлолчилик ҳаракати бошланди.³⁷

Босқинчи қизил армиянинг Бухоро ҳудудига тажовузорлик билан бостириб кириши, унинг талончилиги ва зўравонлиги, бегуноҳ одамлар қонининг тўкиши халқнинг оммавий норозиликлари ва кўзғолонларини келтириб чиқарган асосий сабаблар эди. Большевиклар ва ҳарбийлар жойларда қизил аскарларнинг гарнизонларини жойлаштириб, уларга таянган ҳолда бухороликларга қарши шафқатсиз кураш олиб бордилар. Улар одамларнинг мол-мулкини талаш, тинч аҳолини ўлдириш, ийқилобий ўзгаришларни амалга ошириш, маҳаллий халқларнинг миллий ва диний қадриятларини оёқости қилиш билан шуғулландилар. Босқинчиларнинг бундай зўравонлиги истиқлолчилик ҳаракатининг кенгайиб, оммавий тус олишига олиб келди.

Ҳаракатда туб жой аҳолининг деярли барча қатламлари айниқса, деҳқонлар ва ҳунармандлар фаол қатнашдилар. Бу ҳолат босқинчиларга нисбатан нафрат ва қаҳр-ғазаб қанчалик кучли бўлганлигини, мурасасиз жангларга шайланган истиқлолчилар доираси кўламининг нақадар кенг, ўтқир ва шиддатли эканлигидан далолат беради. Бироқ қарийб 75 йил ҳукм сурган мустабид совет режими даврида бу ҳаракат асоссиз равишда «босмачилик» деб талқин қилинди.³⁸

«...Барча информаторларнинг яқдиллик билан гапиришларича,- деб ёзган эди ўша вақтда Ҳиндистонда инглиз тилида чиқадиган газеталардан бири, - Бухоронинг қўлга киритиш вақтида бўлганидек, у ерда совет ҳокимиятини ўрнатишда ҳам большевиклар томонидан кўз кўрмаган тартиббузарликлар амалга оширилмоқда. Улардан асосийлари қуйидагилар ҳисобланади:

³⁷ Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. Т.: “Маънавият” 2002 йил, 14 – бет.

³⁸ Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. Т.: “Маънавият”, 2002 йил, 15 – бет.

Жуда кўплаб ёнғинлар, хусусан, масжидларда бўлаётган ёнғинлар, масжидларнинг отлик аскарларнинг қўналғаларига айлантирилиши. муқаддас Куръон варақларининг қизил аскарлар томонидан папирос ўраш, учун ишлатиши, мусулмонларнинг жамлашиб намоз ўқишининг таъқиқланиши, нуфузли фуқаро ва савдогарларнинг ўлдирилиши ва қамоққа ташланиши, уларнинг мол – мулкни оммавий равишда мусодара қилиниши, аёллар юзидан чодраларнинг олиб ташланиши ё уларнинг мажбурий суръатда давлат хизматига тортилиши каби воқеалар...»³⁹.

Файзулла Хўжаев бошчилигидаги Бухоро республикаси Халқ Нозирлари шўроси ана шундай жуда оғир бир вазиятда иш бошлади. Амирлик тузумидан қолган оғир шароит, ўрта асрчилик анъаналари, Бухоро қишлоқларидаги қолоқлик, аҳоли ўртасида мутаассиб рухонийларнинг нуфузи баландлиги ва бошқа бир қатор сабаблар «... шунга олиб келдики, амалга оширилиши унчалик қийин бўлмаган бир қанча тадбирлар, шунингдек, хўжалик ва маданий қурилишнинг бутун программаси маълум даражада қоғозда қолиб қетди».⁴⁰

Инглиз тадқиқотчиси Гленда Фрээр куйидагиларни ёзганда ҳақ эди: «Ёш бухороликлар, аро йўлда қолдилар. Миллатпарвар сифатида улар руслар босқинчилига қарши курашаётган босмачилик ҳаракатига хайрихоҳ бўлмасликлари мумкин эмас эди. Либерал сифатида улар амирга қарши чиқардилар, аммо амир ўша вақтда халқ томонида эди»⁴¹.

1920 йил охирида Бухоро республикасида қизил армиянинг замонавий қурол-яроғлар ва жанговар техника билан қуролланган 70000 тажрибали жангчиси бор эди. Уларга қарши жанг қилаётган истиқлолчиларда қурол-яроғ етишмас, бор аслаҳалар ҳам қизил аскарларнинг жанговар ҳарбий техникаси олдида жуда ночор ҳолатда эди. Қизил аскарлар сафига эса Тошкент ва Москвадан тобора янги кучлар келиб қўшилardi. 1920 йил кузида совет Россияси Қримда П.Н.Врангель (1878 – 1928) армияси устидан ғалаба қозонгач, асосий эътиборни Туркистонга қаратди. Бу пайтда Совет-Польша уруши ҳам тугаган эди. Совет режими Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари ва Фарғона водийсидаги истиқлолчиларга қарши жангларда чиниққан ва сараланган қизил аскарларни ташлади.

Зарафшон воҳасидаги истиқлолчилик ҳаракати ўзининг мураккаб ва зиддиятли, айна пайтда, шонли ва зафарли тарихига эга. Бу ердаги ҳаракатнинг Туркистондан, хусусан, Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракатидан фарқ қиладиган асосий томони шундан иборатки, ватанпарварлар Бухорода икки жабҳада туриб, кураш олиб боришларига тўғри келди.

³⁹ Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. Т.: “Маънавият”, 2002 йил, 15 – бет.

⁴⁰ Файзулла Хўжаев. Бухородаги революция ва Ўрта Осиёнинг миллий чегараланиш тарихига доир. Танланган асарлар. 1-жилд, Т.:1976 йил, 244 – бет.

⁴¹ Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. Т.: “Маънавият”, 2002 йил, 16 – бет; Glenda Frezer. Basmachi – 1. Central Asian Survey. Oxford. №1, pg – 51.

Ўз навбатида Файзулла Хўжаев, Абдулқодир Мухитдинов ва Бухоро республикасининг бошқа раҳбарлари бу истиқлолчилар билан яширин алоқалар ўрнатиб, уларнинг фаолиятини бирлаштиришга ва унга сиёсий тус беришга интилдилар. Шунинг учун ҳам айнан улар сафига кейинчалик Бухоро республикасининг жуда кўпчилик раҳбарлари қўшилдиларки, бу арбобларнинг аксарияти кечаги жадидлар ва “ёш бухороликлар” эди.

Зарафшон воҳасидаги истиқлолчилар сафида халқнинг барча табақаларига мансуб кишилар бор эди. Деҳқонлар ва хунармандлар қўрбошилар дасталаридаги йигитларнинг асосини ташкил қиларди. Ҳаракатнинг етакчилари бўлган қўрбошилар ҳам фақат катта бой ва йирик дин арбоблари бўлмасдан, улар орасида зиёлилар, жадид ватанпарварлари – турли касб эгалари талайгана эди.

Ҳаракат сафларида ўзбеклар ва тожиклар билан бир қаторда туриб, туркманлар, козоқлар, қирғизлар, қорақалпоқлар ҳам курашдилар. Ўнлаб турк ва бошқирд, шунингдек, татар зобитлари ҳамда маслаҳатчилари қўрбоши дасталарида бўлиб, йигитларни ҳарбий тайёргарликдан ўтказишди, уларга замонавий қурол-аслаҳалардан фойдаланиш йўллариини ўргатишди. Туркистонда ўша давр сиёсий воқеаларининг марказида турган Аҳмад Заки Валидий Тўғоннинг кейинчалик ёзишича, бошқирд зобитлари қўрбошилар ҳузурида котиблик вазифасини бажариб, хуфиялар томонидан олиб келинган қизил командирларнинг ҳужжатларини русчадан таржима ҳам қилиб туришди.⁴² Фарғонадаги истиқлолчилик ҳаракатидан фарқли равишда Зарафшон воҳасидаги ватанпарварлар сафида рус аскарлари (европаликлар) деярли бўлмаган.

Зарафшон воҳасининг озодлиги ва мустақиллиги учун қизил армияга қарши кураш олиб борган истиқлолчилар ўз ғоя ва мақсадларини очик баён этганлар. Улар адолатли кураш йўлига кирганликларига тўла амин эдилар.

Ҳатто ўша пайтда истиқлолчиларга қарши кураш олиб борган ҳарбий қўмондонлар ва Марказ вакилларида айримлари ҳам бу ҳаракатни деҳқонларнинг оммавий қўзғолони, деб эътироф қилишга мажбур бўлган эдилар.

Шундай қилиб, Зарафшон воҳасидаги истиқлолчилик ҳаракатининг асосий моҳияти мамлакатнинг амалда мустақил бўлиши эди. Ҳаракатга алоқадор бўлган умумий хусусият бу – босқинчи қизил аскарлар ва большевикларни Туркистон минтақасидан бутунлай олиб чиқиб кетилиши талаби эди. Бу талабни бутун ҳаракат илгари сурди. Хусусан, Иброҳимбек, Анвар Пошо ва Мулла Абдулқаҳқор каби Бухородаги истиқлолчилик ҳаракатининг йўлбошчилари бундай талабларни бир неча марта Тошкент ва Москвадаги совет ҳукуматлари олдида кескин қилиб қўйдилар.

⁴² Аҳмад Заки Валидий Тўғон. Бўлинганни бўри ер. Т.: “Адолат”, 1997 йил, 83 – бет.

Зарафшон воҳасидаги истиқлолчилик ҳаракати бўш бир заминда пайдо бўлмасдан унинг ғоявий-сиёсий илдизлари мавжудки, бу энг аввало ҳаракат мафкурасини тайёрлаган жадиждлар ва уламоларнинг порлоқ номлари билан бевосита боғлиқдир. Зарафшон воҳаси хусусан, Бухородаги истиқлолчилик ҳаракатининг ғоявий мафкурасини ишлаб чиқишда жадиждларнинг хизмати беқиёс.

Тарихчи олима Раъно Ражапованинг ёзишича, «Жадиждлар мустамлакачиларга қарши, ўз халқининг озодлиги ва мустақиллиги учун кураш ғоясини ўртага ташлаган ҳаракат мафкураси асосини тайёрладилар»⁴³.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, жадиждларнинг бой тарихий меросида миллий ғоя ва миллий мафкура алоҳида ўрин тутади. Жадиждчилик фақат маданий-маърифий ҳодиса бўлмасдан, у энг аввало сиёсий ҳодиса ҳам эди. Жадиждлар ўз фаолиятида давлат ва унинг қурилишидан тортиб, жамият ва унинг маънавий ҳаётигача бўлган барча масалаларни камраб олишганди.

Жадиждларнинг миллий ғоясида халқимизни дунёнинг маърифатли миллатлари даражасига кўтариш ва Туркистоннинг ўз мустақиллигига эришиши энг асосий мақсад қилиб қўйилган эди. Жадиждларнинг давлат ва жамият ҳақидаги қарашларида бу икки масала бир-бири билан узвий боғланиб кетган. Чунки миллат маърифатли бўлиши учун мустақил бўлмоғи лозим. Мустақил бўлиш учун эса халқимиз энг аввало илм – маърифатни пухта эгаллаши керак эди.

Жадиждлар, **бир томондан**, Туркистон мустақиллиги учун кураш олиб бордилар (мухториятчилик ҳаракати). **Иккинчи томондан**, улар Туркистонда демократик ҳукукий давлат қуриш учун интилдилар (Туркистон Мухторияти ҳукумати, Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари). **Учинчи томондан**, жадиждлар истиқлолчилик ҳаракатининг ғоявий мафкурачилари эди. Истиқлол ғоялари жадиждчилик мафкурасининг асосини ташкил қилган.

Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, Мунаввар қори ва бошқа тараққийпарвар зиёлиларнинг асарларида жадиждлар миллий ғоясининг асоси–Туркистондаги барча туб халқларни бирлаштириш ғояси ўзак масала бўлиб ётганлигини кўрамиз. Бу ҳолни Бехбудий қуйидагича кўрсатган эди. “Агарда биз Туркистон мусулмонлари хоҳласакки, дин ва миллатимизни иттифоқ этиб, бугундан ислоҳатга, иттифоққа қадам қўйсак, зиёли ва тараққийпарварларимиз, бой ва уламаоимиз бирлашиб, дин ва миллат, Ватан ривожини учун хизмат этсак, шунда биз бошқаларга қарам бўлмаймиз.”

Жадиждлар ислохотларни босқичма-босқич амалга оширишни, тараққиёт ва ривожланишга фақат тинчлик йўли билан, парламент орқали эришишни мўлжаллаган

⁴³ Қаранг: Ражапова Р. Истиқлолимизнинг тарихий илдизлари. “Шарқ юлдузи”, 1995 йил. № 11 – 12, 5 – бет.

эдилар. Улар ўзбек халқининг ўзига хос миллий хусусияти (менталитети), унинг самимийлиги, ишонувчанлиги, бағрикенглиги, сабр-тоқати, бардоши ва чидамини ҳам ҳисобга олган ҳолда тинч йўл билан ҳокимиятни қўлга олишга интилган эдилар. Жадидлар фаолиятидаги бу ўзига хос миллий ғоя кейинчалик жаҳоний аҳамиятга молик ҳодисага айланиб, у Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлардаги миллий озодлик кучлари йўлбошчилари томонидан янада ривожлантирилди.

Бироқ 1917 йилдаги воқеалар жараёни, «Русияда бош кўтарган янги бир бало большевик балоси».. (Фитрат) кучлар нисбатини бутунлай ўзгартириб юборди. Бехбудий томонидан ўртага ташланган «Ҳақ олинур, берилмас!»⁴⁴ шиори бутун миллатнинг жанговар чақириғига айланди. Мустақиллик ва озодлик учун, Туркистонда мухгорият ўрнатиш учун парламент йўли орқали курашган Туркистон Мухторияти ҳукумати большевиклар томонидан қонга ботирилди. Туркистонда коммунистик мафкурага таянган мустабид совет режими ўрнатилди.

1920 йил 1 февралда Хива хонлиги ва 2 сентябрда Бухоро амирлиги ҳудудига босқинчи қизил армиянинг бостириб кириши натижасида бу икки давлат йўқотилиб, уларнинг ўрнида Хоразм ва Бухоро Халқ Республикалари ташкил қилинди. Афсуски, асосан Ёш хивалик ва Ёш бухоролик жадидлардан ташкил топган бу ҳукуматларнинг мустақил фаолият юритишига Россия давлати ва совет режими тўсқинлик қилди. Марказ қизил армия ёрдамида бу ерда ўз мавқеини сақлаб туришга интилди. Хусусан, Хоразмда бу пайтда вазият жуда кескинлашган эди. Бухорода ҳам бутун Туркистон минтақасида бўлгани сингари коммунистик режим ва қизил армияга қарши истиқлол жанглари бошланди ва у тез орада ажойиб ютуқларни қўлга киритди. Жадидлар истиқлолчилик ҳаракатининг ғоявий раҳнаmolари бўлиб,⁴⁵ улар ҳаракат мафкурасини тайёрлашган эди. Истиқлолчилар тимсолида жадидлар ўз ғояларини амалга оширувчи реал кучни кўрдилар.

Жадидларнинг йирик намояндаларидан бири Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли (1878 – 1931) Туркистон совет республикасида юз берган сиёсий можаролардан кейин 1920 йил октябрда Бухоро шахрига юборилди, унинг ўз ибораси билан айтганда «фахрли бадарға» қилинди.⁴⁶ Мунавварқори Бухородаги 6 ойлик фаолияти давомида Бухоро Халқ Маорифи нозирлигида масъул лавозимда ишлаш билан бир қаторда истиқлолчилар билан алоқа ўрнатишга ҳаракат қилди. Шунинг учун ҳам Мунаввар қори 1921 йилда қисқа муддат ГПУ қамоқхонасида ўтириб чиқди. 1920 йилнинг кузида бир гуруҳ собиқ Ёш бухоролик жадидлар Бухоро шахрида «Миллий иттиҳод» ташкилотини қайта тузишган.

⁴⁴ Маҳмудхўжа Бехбудий. Қозоқ қардошларимизга очик хат.// Танлаган асарлар. Т.: «Маънавият», 1999 йил, 204 – бет.

⁴⁵ Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. Т.: «Маънавият», 2002 йил, 21 – бет;

⁴⁶ Мунаввар қори Абдурашидхонов. Хотираларимидан. Т.: «Шарқ», 2001 йил, 28 – 29 – бетлар.

Аслини олганда, «Миллий иттиҳод» ташкилоти Мунаввар қори бошчилигида 1919 йили Тошкентда махфий равишда тузилган эди. 1920 йилда ташкилотнинг Бухоро, Фарғона, Самарканд, Хоразмда шўъбалари ташкил қилинди. Мунаввар қорининг Бухоро шахрига келиши ва маориф нозирлигида ишлаши билан ташкилотнинг минтақадаги маркази Тошкентдан Бухорога кўчади. Бу ташкилот ярим яширин ҳолатда иш олиб борган. 1920 йил декабр ойида Бухоро шахрига Валидийнинг келиши билан ташкилот ўз фаолиятини кенгайтирди, унинг аъзолари Бухоро республикаси доирасидан чиқиб, бутун Туркистон тупроғи бўйича ҳаракат қилдилар. Ташкилотнинг асосий мақсади Бухоро республикаси ва умуман, Туркистон минтақасини «советлаштириш» таъсиридан сақлаб қолиш, чин маънодаги мустақиллик ва истиқлолга эришиш эди. Бунинг учун курашнинг ошқора ва яширин усулларида фойдаланиш кўзда тутилди. Ташкилотда Файзулла Хўжаев, Отаулла Хўжаев, Фитрат, Муинжон Аминов, Мукамил Бурҳонов, Ибод Хўжаев ва бошқалар фаол иш юритганлар. Ташкилотнинг аъзолари истиқлолчилик ҳаракатининг етакчилари билан алоқалар ўрнатиб, уларга ғоявий раҳнамолик қилишган.

«Миллий иттиҳод» ташкилотининг режали ва ташкилий фаолияти натижасида 1920–1924 йилларда Зарафшон водийси ҳудудини «босмачилик» ҳаракати қамраб олди. Фитратнинг таъкидлашича, Мулла Абдулқаҳҳор, Жўра Амин, Мурод Мешкоб, Метан Полвон ва бошқа йирик кўрбошилар ҳаракатга раҳбарлик қилдилар. Файзулла Хўжаев ва Мунаввар қори биргаликда Зарафшон ва Фарғона водийсидаги кўрбошилар гуруҳлариини бирлаштириш масалаларини муҳокама қилишган. Тергов ҳужжатларида келтирилишича, «босмачилик» ҳаракати шундан сўнгга анча кучайган⁴⁷.

«Миллий иттиҳод» ташкилоти Марказий Қўмитасининг қарорларидан бирида айтилишича, улар «босмачилик» ҳаракатидан тўғри йўналишда ва аниқ сиёсий мақсадни кўзлаб фойдаланишни мўлжаллаганлар. Бунинг учун энг аввало совет Россияси ҳукумати ва унинг вакилларига турли йўллар билан «бизнинг халқимиз советлаштиришни қабул қилолмаяпти, халқ буни хоҳламаяпти, шунинг учун қўлига қурол олиб, уюшиб курашга кўтарилаяпти, кўп кон тўкилиши мумкин» деган фикрни сингдириб боришган. Ушбу қарорда ёзилишича, «бир вақтнинг ўзида тарқоқ босмачи гуруҳларини йириклаштириш ва сиёсийлаштириш йўлида иш олиб бориш керак. Чунки яхши қуролланган ва курашларда тажриба орттирган бу кучлар орасида ажойиб командирлар ва ботир жангчилар пишиб етилган бўлиб, улардан келажакда миллий армияни жуда тез шакллантириш мумкин. Вақти келиб, совет Россиясидан ажралиш масаласи кўтарилганда реал кучга эга бўлинади».

⁴⁷ Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. Т.: «Маънавият», 2002 йил, 22 – бет;

Ташкилотнинг фаол аъзоларидан бири Отаулла Хўжаев кейинчалик ГПУ камоқхонасида совет чекистларига берган кўрсатмасида эътироф этишича, уларнинг асосий мақсадлари «совет қизилларининг таъсирини Бухорога ўтказмаслик, собиқ Бухоро давлати ўрнида Россиядан мустақил давлат тузиш учун кураш; Россиянинг давлатимиз ички ишларига аралашishi ва бойликларни ташиб кетишига барҳам бериш; ўз армиямизни тузиш орқали Бухоро мустақиллигини қўриқлаш; бу ишларни амалга ошириш учун яширин ташкилот шунинг аъзоларини жамлаш; босмачи деб аталувчи гуруҳларни сиёсийлаштириш, уларнинг бошини бириктириб, мустақиллик учун курашга ёппасига йўналтириш кабилар эди»⁴⁸.

Афсуски, бу мақсадлар тўлиқ амалга ошмади. Совет режими ёш Бухоро республикаси раҳбарлари ва муҳолифатдаги қуролли гуруҳлар ўртасидаги ҳар қандай алоқаларга, мурасасозлик ва келишувчилик сиёсатига қарши аёвсиз курашди. Бирок шунга қарамасдан совет режимига қарши Фитрат, Муинжон Аминов, Мукамил Бурҳонов ва бошқалар фаол курашганлар.

Бухорода ўша даврдаги сиёсий курашнинг марказида турган сиймолардан бири Туркистон халқларининг миллий истиқлоли учун фаол курашган Аҳмад Заки Валидий Тўғон (1890-1970) ҳисобланади. Валидий 1920 йил декабрдан то 1921 йил ноябргача Бухоро шаҳрида яшаб, Туркистон, Бухоро ва Хоразмдаги истиқлолчилик ҳаракатини ягона марказга уюштириш учун катта ишларни қилди. У Бухоро ҳукуматининг раҳбарлари Файзулла Хўжаев, Усмон Хўжа, Абдулқодир Мухитдинов билан ўз режаларини маслаҳатлашади. Аҳмад Закий Валидий кейинчалик ўзининг машҳур «Хотиралар» китобида эслашича, у Туркиядан келган Анвар Пошо (1881–1922) ва Ф. Хўжаев билан 1921 йил октябр-ноябр ойларида Бухоро шаҳрида қизғин суҳбат-мунозаралар қилган.⁴⁹ Бу мунозараларнинг асосий мавзуи бутун Туркистон минтақасида бўлгани сингари Бухоро жумҳуриятида ҳам авж олиб бораётган истиқлолчилик ҳаракатига нисбатан ўтказиладиган сиёсий йўлни аниқлаш эди. Шуниси характерлики, туркий халқларнинг бу уч буюк сиймоси Туркистон озодлиги ва бирлиги учун курашнинг уч қутбида туриб, бир-бирларидан фарқ қиладиган вазиятда ва алоҳида шароитларда фаолият олиб боришларига тўғри келди. Уларнинг ҳаёт шами ҳам дунёнинг турли манзилларида турлича тарзда сўнди. Лекин бу катта учлик фаолиятини ягона нуктага бирлаштириб турган ғоя, бу – ота юрт Туркистон мустақиллиги ғояси эди.

Валидий Бухорода яшар экан, жади́дчи́лик ғоялари билан суғорилган сиёсий партиялар ташкил қилиш, уларнинг дастури ва режасини тузиш билан астойдил

⁴⁸ Қиличев Ф. Мустақилликнинг фожеали йўли. «Шарқ юлдузи», 1992 йил. №7, 159 – бет.

⁴⁹ Аҳмад Заки Валидий Тўғон. Бўлинггани бўри ер. Т.: «Адолот», 1997 йил, 125-бет

шуғулланди. Валидий томонидан 1921 йилда «Эрк» партиясининг 9 банддан иборат ва жаҳид тараққийпарварлари партиясининг 19 бандлик дастурлари ишлаб чиқилди.

Бухорода 1921 йил 25 августда бўлган Миллий Бирлик конгрессида (бу Москва конгрессидан кейинги 5-конгресс эди) Валидий раислигида «Ўрта Осиё Миллий Мусулмон Жамиятлари Федерацияси» (кейинчадик Туркистон миллий бирлиги номи билан машҳур бўлган уюшма) тузилади. Миллий бирликнинг программаси Валидий раҳбарлигида ҳали 1921 йилнинг бошларидаёқ ишлаб чиқилган эди.

Туркистон Миллий Бирлигининг олтинчи ва еттинчи конгресслари Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида 1921 ва 1922 йилларнинг сентябр ойида чақирилади. (Самарқанддаги конгрессда жамиятнинг 24 банддан иборат Устави ва Туркистон байроғи қабул қилинди. 1921 йил 6 сентябрда қабул қилинган Туркистоннинг Миллий байроғи бинафша рангда бўлиб, унинг асоси қилиб X асрдаги қорахонийлар ва салжуқийлар давридаги байроқ танлашан эди. Алвон рангдаги бу миллий байроққа Маҳмуд Кошғарий китобида тасвирлаб берилган байроқ асос қилиб олиниб, уни Амир Темур ва темурийлар замонида ёзилиган қўлёзма асарларидаги миниатюраларга суяниб яратишди. Байроқни тайёрлаш ишида Валидий билан бирга Мунаввар қори ва Тўракул Жонузоқов (1893-1921) иштирок этишди.

Валидийнинг ўзи Бухоро, Самарқанд ва Хоразмда ҳаракат қилаётган бир қатор кўрбошиларнинг қароргоҳида бўлди, уларни умумий душманга қарши аёвсиз кураш олиб боришга чақирди, ўзаро тотувликка чорлади. Валидий шароит мажбур қилганда қизил аскарлар билан жангга кирди, ўз қўли билан бир нечта босқинчини ўлдирди.

Туркистон тарихининг кейинчалик теран тадқиқотчисига айланган Аҳмад Закий Валидий ўз хотираларида истиқлолчилар ва уларнинг раҳбарлари «элни таловчи, босқинчи» эмасликларини, балки ўз «Ватанига содиқ фидойи, дунё аҳволидан воқиф кишилар» эканликларини яққол кўрсатиб берган.

Туркистоннинг эрксевар шоири Чўлпон бу пайтда бир қанча муддат Бухоро шаҳрида яшади ва «Бухоро ахбори» газетасига масъул муҳаррирлик қилди. У Анвар Пошонинг ҳалок бўлганига атаб ёзган «Балжувон» марсияси, шунингдек, «Халқ», «Ўғул Туркистон», «Бузилган ўлкага» ва бошқа қатор шеърларида мустақиллик ғоясини куйлайди. Туркистон озодлиги йўлида шаҳид бўлган истиқлолчиларнинг порлоқ номларини у ўзбек шеърини саҳифаларига мангуликка муҳрлади. Чўлпоннинг шеърлари Бухоро истиқлолчилари ўртасида ҳам жуда машҳур эди. Шунинг учун ҳам кейинчалик Чўлпон ва Фитрат «босмачилик» ҳаракатининг бош мафкурачиси ва изчил ҳимоячиси сифатида совет режими томонидан қатағон қилинди. Фитрат ва Чўлпон тергов қилинган 1937 – 1938 йиллардаги ҳужжатларда юқоридаги фикрлар ўз аксини топган.

Зарафшон воҳасидаги истиқлолчилик ҳаракатининг ғоявий мафкурачилари сифатида ислом уламолари ҳам катта хизмат қилишди. Зарафшон воҳаси хусусан, Бухоро азалдан ислом динининг маркази сифатида дунёда машҳур эди. Асримиз бошларида бухороликлар ўртасида исломнинг таъсири жуда кучли бўлган. Шунинг учун ҳам ҳаракатнинг раҳбарлари устида кўплаб мулла ва эшонлар бор эди. (Мулла Абдулқаҳҳор, Эшон Султон в.б.) Шунингдек, кўплаб **ислом уламолари** кўрбошилар қўшнида бўлиб, ҳаракатнинг мафкурасини ишлаб чиқишда, совет режими моҳиятини фош қилишда алоҳида жонбозлик кўрсатдилар (Ҳожи Латиф Девонбеги, Эшони Судур, Ўроқхон Қорахўжа, Эшон қози ва б.).

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, истиқлолчилик ҳаракатига ғоявий раҳнамолик қилиш борасида жадиждлар билан уламолар ўртасида ўзаро рақобат мавжуд эди. Зарафшон воҳасидаги истиқлолчиларнинг йўлбошчиларига дастлабки пайтларда жаид мунавварларининг («Туркистон Миллий бирлиги», «Иттиҳод ва тараққий», «Миллий иттиҳод», «Миллий истиқлол» аъзоларининг) таъсири кучли бўлса, кураш жараёнида устунлик уламолар қўлига ўтди. Натижада миллий озодлик ҳаракатининг хусусияти айрим мутаассиб диндорларнинг амаллари оқибатида кўпгина ҳолларда фақат ислом ғоялари билан чекланиб қолди. Шуниси таассуфланарлики, Бухородаги эшонлар ва қозиларнинг катта қисми кейинчалик советлар хизматига ўтишди. Кураш жараёнида бундай ҳолатларнинг намоён бўлиши ҳаракатнинг янада кенгайиши ва ривожланишига тўсқинлик қилди.

Демак, Зарафшон воҳасидаги истиқлолчилик ҳаракати совет тарихчилари даъво қилганидек, фақат амир Олимхон ва унинг амалдорлари, бир ҳовуч «эксплуататор синфларнинг аксилинқилобий ҳаракати» бўлмасдан, балки жаидлар ва уламолардан иборат ғоявий мафкурачилари бўлган, кўрбошилардан иборат ҳарбий қўмондонлар раҳбарлигида иш кўрган муаззам бир умумхалқ ҳаракати ҳисобланади.

Бухоро Республикасидаги мустақиллик учун курашаётган кучлар 1920 йилнинг кузида ташкил топган ва **икки гуруҳдан** иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос кураш усули ва йўлидан борди. **Биринчи гуруҳ** амирлик тарафдорлари бўлиб, улар асосан ёш бухороликлардан ташкил қилинган Бухоро Халқ Республикаси ҳукуматига ва шунингдек, қизил армия қўшинларига қарши кураш олиб бордилар. Уларнинг мақсади Бухорода амир Саййид Олимхон ҳокимиятини қайта тиклаш, қизил аскарлар ва коммунистлар билан биргаликда, уларнинг таърифича, «кофирларга сотилган жаидлар»⁵⁰ ҳукуматини ҳам йўқотиш эди. Бу гуруҳ курашчиларига Иброҳимбек, Мулла Абдулқаҳҳор ва бошқа кўрбошилар раҳбарлик қилдилар.

⁵⁰ Қаранг: Амир Саййид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. Т.: «Фан», 1991 йил.

Иккинчи гуруҳ курашчилари миллий истиқлол ғояларига содиқ бўлган бухоролик ватанпарварлардан иборат бўлиб, улар Бухоронинг муқаддас тупроғидан қизил аскарларнинг олиб кетилиши, Бухоро Республикасининг ҳақиқий мустақиллигини амалда қарор топиши учун курашдилар. Бу гуруҳ тарафдорлари Давлатмандбек, Жабборбек, Дониёлбек, Анвар Пошо ва бошқалар бўлиб, улар сафига кейинчалик Бухоро Республикасининг жуда кўпчилиқ раҳбарлари: Бухоро Республикаси МИҚнинг биринчи раиси Усмонхўжа Пўлат Хўжаев, ЧК раиси Муҳиддин Махсум Хўжаев, республика милициясининг бошлиғи Али Ризо Афанди, Шеробод вилояти нозири Хасан Афанди, Термиз милициясининг бошлиғи Усмон Афанди, ҳарбий ишлар нозири Абдулҳамид Орипов, шунингдек, Сурайё Афанди, М.Қулмуҳамедов ва бошқалар қўшилдилар. Буларнинг аксарияти жадидлар ва ёш бухороликлар эди. Улар очиқ қуролли кураш олиб бормаган бўлсаларда, қуролли муҳолифат кучлари билан яширин алоқада бўлишиб, уларга имкон даражасида ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилдилар. Шунингдек, Ф.Хўжаев бошчилигида 1920 йилдаёқ «Миллий иттиҳод» ташкилоти тузилиб, улар Бухоронинг мустақиллиги учун яширин кураш олиб борганликлари ҳақида хорижий тарихчилар ўз асарларида айрим маълумотлар келтирадилар.

Бироқ шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, Зарафшон воҳасидаги ватанпарварлар қандай ҳолатда кураш олиб боришмасин, доимо ҳам ягона бир қўмондон қўли остида бирлашиб, яхлит бир дастур асосида фаолият юрита олмадилар.

Қуйи Зарафшон воҳаси ватанпарварлари сафида ҳам Фарғона водийси истиқлолчилари сингари халқнинг барча табақаларига мансуб кишилар бор эди. Зарафшон воҳасида ҳам Туркистондаги каби болшевикча андоза асосида совет тузумининг ташкил қилинишидан, янги ҳукуматнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатидан норози бўлган, мол-мулкidan ажраган бойлар, деҳқонлар ва ҳунармандлар кўрбоши йигитларининг асосини ташкил қиларди. Ҳаракатнинг етакчилари бўлган кўрбошилар ҳам фақат катта бой ва йирик дин арбоблари бўлмасдан, улар орасида зиёлилар, жадид ватанпарварлари, турли касб эгалари ҳам мавжуд эди.

Зарафшон воҳасидаги мустақиллик учун курашнинг ўзига хос хусусияти бир гуруҳ кўрбошиларнинг Бухоро Халқ Республикаси ҳукумати раҳбарларига йўллаган мактубида аниқ ифодасини топган эди. Бу мактубга Бухоро озодлик курашчиларининг бош қўмондони ғози, Бухоро инқилобчиси қори Абдулла, Норкул Ботир, Дониёлбек элликбошилар имзо чекишган эди. Мактубда ватанпарварлар Бухоронинг мустақиллиги, эркин ва ҳур Ватан кириш учун курашаётганликлари, бундай Ватанда коммунистлар бўлмаслиги лозимлиги, «Фавқулодда комиссия орқали камбағал аҳолининг мол-мулки ва ҳаёти тортиб» олинганлиги, «болшевиклар жабр ва зулми авж олдириб» юборганликлари

ва «Бухоронинг мустақиллиги куруқ сўз бўлиб» қолганлиги, «ҳақиқатда ундан дарак йўқлиги таъкидланган эди.

Шунинг учун ҳам Зарафшон воҳасидаги бу ҳаракат қисқа муддат ичида оммавий тус олиб ҳатто Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракатига нисбатан ҳам кучайиб борди. Ф.Хўжаевнинг таъкидлашича, «Шарқий Бухородаги босмачилик ўзининг стратегик мавқеи жиҳатдан қараганда, Фарғона босмачиларига нисбатан кучлироқ» эди.

Зарафшон воҳасидаги муҳолифат ҳаракатининг йўлбошчилари турли сиёсий қарашлардаги кишилар бўлиб, улар орасида амир ҳузурида йирик амалдор ва лашкарбоши бўлиб ишлаганлардан тортиб, янги Бухоро ҳукуматининг юқори лавозимларида ўтирган таниқли давлат арбоблари, машҳур зиёлилар ва жаҳидларгача бор эди. Шунингдек, сиёсий курашда ҳеч қандай тажрибаси йўқ ҳамда хат-саводи билмаган, фақат туғилган қишлоғи ва туманидагина «ўзига бек» бўлган айрим кўрбоши ва сардорлар ҳам йиқ эмас эди.⁵¹

1.3. Зарафшон воҳаси миллий истиқлолчилик ҳаракатининг ўрганилиш тарихи ва манбашунослиги муаммолари

Туркистондаги 1917 – 1935 йиллар сиёсий жараёнларини ва миллий истиқлолчилик тарихи тарихшунослиги ва манбашунослиги нафақат Зарафшон воҳасида балки, бутун Туркистон халқлари тарихида мустақиллик йилларидан сўнг махсус тадқиқотлар мисолида концептуал ва методологик, назарий жиҳатдан яхши ўрганилмоқда. Лекин бу масаланинг алоҳида масалалари таҳлили XX асрнинг ўрталаридаёқ бошланган ва ҳозиргача эътиборда бўлиб келмоқда. Мазкур масалага доир тадқиқотларни даврий ва концептуал асосда қуйидаги уч қисмга бўлиш мумкин:

1. Совет тарихшунослиги.

2. Хорижий тарихшунослик.

3. Мустақиллик даври тарихшунослиги.⁵²

Совет даврида Туркистоннинг 1917 – 1935 йиллар тарихига бағишланган хорижий адабиётлар XX асрнинг 20 – йиллари охири 30 йиллари бошиданок ўрганила бошлаган, 60

⁵¹ Қаранг: Зиёева Д. Туркистон миллий озодлик ҳаракати. Тошкент. 2000; Ражабов К. Мустақил Туркистон учун мужоҳадалар 1917-1935йиллар. Тошкент. 2000; Ражабов К.,Хайдаров М. Туркистон тарихи (1917-1924й.).Укув қулланмаси.-Т.: Университет,2000; Ражабов К. Бухоро мужоҳидлари ва Мулла Абдулқаҳҳор кўрбоши. // Ўзбекистоннинг янги тарихи. Концептуал-методологик муаммолар мавзуидаги республика илмий-назарий анжумани материаллари. Тошкент. 1998. С.205- 210; Он же. Бухорога кизил армия босқини ва унга қарши кураш. Тошкент. 2002. Рашидов У. "Қаршилиқ ҳаракати "- ҳаммасини камрайди // Фан ва турмуш. 1996; Он же. Ғарбий Бухорода қаршилиқ ҳаракати ва маҳаллий кўрбошилар // Ўзбекистоннинг янги тарихи. Концептуал-методологик муаммолар мавзуидаги республика илмий-назарий анжумани материаллари. Тошкент,1998.

⁵² Қаранг: Шодмонова С. Немис ва турк тарихшунослигида совет мустамлакачилигига қарши кураш масалалари. Т.: “Абу матбуот – концальт”, 2008 йил, 6 – бет.

– йилларидан бошлаб эса, алоҳида диққат эътибордаги мавзу сифатида ўзига яраша ғоявий кураш майдонига айланган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, совет тарихшунослигида мазкур масалага ёндашув дастлабки пайтларданок ўта мурасасиз ғоявий кураш асосига қурилган бўлиб, ўзгача фикрлашга кескин қаршилик, ҳақиқатни инкор этиш, илмий мунозара ва баҳс шартларини қўпол бузиш ва пуч даволарга зўр бериш билан характерланган. Чунончи, XX асрнинг 20-йиллардаёқ ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси партия тарихи нашр бўлган “Революция в Средней Азии” тўпламида Парижда 1925 йилда чоп этилган Жозеф Кастаньенинг “Босмачилар”⁵³ асари кескин танқид остига олинади. 20 – йиллар бошида яшаб, юз берган сиёсий жараёнларнинг гувоҳи бўлган Ж.Кастаненинг Туркистонда “босмачилик” ҳаракатига берган ҳолисона баҳоси, яъни **“босмачилик – миллий ҳаракатдир”** деган фикри кескин қораланди.

Хорижий тарихшуносликка бундай кескин ва мурасасиз муносабат йил сайин кучайиб боради. Айниқса, П.Алексенконинг “Босмачилик нима?” асарида хорижий муаллифлар ва уларнинг қарашлари кескин танқид остига олинди. П.Алексенко хорижда чоп этилган Мустафо Чўқай, П.Т.Эссертон, Ж.Кастанье каби муаллифлар қаламига мансуб асарларда “босмачилик ҳаракати”га берилган баҳога тўхталиб, уларни “ҳақиқатдан йироқ” деб уқтиради, бундай фикрлар ўзбек миллий зиёлилари доирасида кенг тарқалиб, талабалар, кенг китобхонлар муҳитига ҳам кириб келаётганини эътироф этиб, ниҳоятда ташвишга тушади ва бу “сиёсий жиҳатдан жуда зарарли қарашлар эканлигини алоҳида таъкидлайди”⁵⁴

Бу танқидлардан мақсад илмий, тарихий ҳақиқатни аниқлаш эмас, балки, ҳукмрон большевиклар мафқураси томонидан сунъий равишда ишлаб чиқилиб, зўрлик билан фанга, жамоатчиликка тиқиштирилаётган расмий андозаларни зўрлаб қарор топтириш, улардан бир қадам ҳам оғишмасликка даъват этиш эди. Бу шунчаки оддий даъват эмас, қатъий огоҳлантириш, сиёсий ва мафқуравий тазйиқ, ғоявий ҳужум бўлиб, тоталитар тузумнинг қатағон қилиш сиёсати авжига чиққан 30-йилларда уларга амал қилмаслик қандай фожеали оқибатларга олиб келгани тарихдан маълум. Тарихий фактлар ва илмий, ҳаққоний, ҳолисона мушоҳадага эмас, балки синфий кураш таълимоти ва ҳукмрон мафкура ақидаларига мослаштирилган расмий андозаларни зўрлик билан, мажбуран тан олдиришда айнан шу тадқиқотларнинг хизмати катта бўлди.⁵⁵

XX асрнинг 60-йиллардан бошлаб совет тарихшунослигида мазкур масалага эътибор янада кучайди. Синфий қарашлар чуқур илдиз отиб, расмий андозалар мустаҳкам қарор

⁵³ Castagne J. Les “Basmatschi”: Le mouvement national des indigenes d... Asie Centrale depuis la revolution d ... October 1917 jusugen October 1924. Paris 1925.

⁵⁴ Алексенко П. “Босмачилик нима?” Т.: “Ўзнашр”, 1931., 46-47 – бетлар.

⁵⁵ Қаранг: Шодмонова С. Немис ва турк тарихшунослигида совет мустамлакачилигига қарши кураш масалалари. Т.: “Абу матбуот консалът”, 2008 йил, 8 – бет.

топган бу даврга келиб совет тарихшунослигининг тадқиқот объекти анча кенгайди. Эндиликда асосий эътибор хорижий тарихшунослик намуналари ҳамда уларга қисман асос бўлган 20-йиллар нашрларига қаратилди. Бундай эътибор бежиз эмас эди, чунки 40-60 йиларга келиб инглиз, немис ва турк тарихшунослигида ушбу кураш воқеалари ҳақида ҳаққоний қарашлар илгари сурилган алоҳида асарлар пайдо бўлди. Улар ўз қарашларини асослаш учун бошқа манбалар билан бирга XX асрнинг 20-йиллари айрим илк совет нашрларидаги ҳаққоний эътирофларни далил сифатида кўрсатдилар. Бунга жавобан эса коммунистик мафкура маддоҳлари ғоявий ҳужум ҳамда сиёсий мафкуравий тазйикни, мурасасиз танқидларни авж олдириб, пуч даъволар, сиёсий айбловлар, мурасасиз танқидларни давом эттирдилар, улар хорижий адабиётлар муаллифларни “комунизм ва социализм душманлари” сифатида айблаб, мурасасиз ғоявий курашни авж олдиришга зўр бердилар.

Мустақиллик даврига келибгина хорижий тарихшунослик илк бор илмий мақсадларда мафкуравий чеклашлардан холи тарзда ўрганила бошлади. Мустақилликнинг дастлабки йиларидаёқ Мустафо Чўқай ва Аҳмад Закий Валидийнинг хотираларидан парчалар, Боймирза Ҳаййитнинг асарларидан парчалар ва алоҳида мақолалар⁵⁶ шулар жумласидандир.

Туркий тилдаги Туркистонда миллий истиқлол учун курашга бағишланган тарихшунослик намуналари Тоҳир Қаҳҳорнинг “Хур Туркистон учун”⁵⁷ асарида таҳлил этилди.

Ўтган XX асрнинг 80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошларида муаммоларни ҳолисона ёритишга ҳаракат қилган илк мақолалар чоп этила бошлаган бўлса, 90 – йилларнинг ўрталаридан бошлаб фанда бу масалалар аниқ хулосалар қарор топиши кузатилади.⁵⁸ Бу хулосалар дарсликлар, тегишли адабиётлардан ўрин олди.⁵⁹ Ўтган асримизнинг охирига келиб эса биз ўрганаётган муаммоларни илмий асосда ёритувчи дастлабки йирик асарлар вужудга келди.⁶⁰ Бу тадқиқотлар билан бирга сўнг диссертацион

⁵⁶ Қаранг: Мустафо Чўқай. Истиқлол жаллодлари. (1917 йил хотиралари) Т.: 1992 йил; Боймирза Ҳаййит. Басмаческое движение.// Звезда Востока. 1992 йил, Туркистон миллий истиқлол масалалари.// 1992 йил, Мулоқот; Ёруғ курлар орзуси.//Жаҳон адабиёти. 1998 йил ноябрь; Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлингани бўри ер. (Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан хотиралар) Т.: “Адолат”, 1997 йил,

⁵⁷ Қаранг: Тоҳир Қаҳҳор. Хур Туркистон учун. Т.: “Чўлпон”, 1994 йил.

⁵⁸ Истиқлолимизнинг тарихий илдизлари. Давра суҳбати//Шарқ юлдузи. 1995 йил. №11-12 сонлар.

⁵⁹ Ражабова Р ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. (1917 1993 йиллар) 9-синф учун дарслик. Т.: 1994 йил; Алимова Д ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. 10 – синф учун дарслик. Т.: 2000 йил.

⁶⁰ Туркестан в начале XX века: историко-источники национальной независимости. Научный редактор Р.Я.Раджабова. Т.: «Шарқ», 2000. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2 – китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Т.: “Шарқ”, 2000 йил.

ишлар амалга оширилди.⁶¹ Уларда хорижий ва маҳаллий тарихшунослик намуналарига кенга мурожаат қилина бошланди.

Ўтган XX асрнинг 90 – йилларда Ватан тарихшунослигида хорижий тарихшуносликка ҳам катта эътибор қаратилди. Чунончи, 90 – йилларнинг 1-ярмида “босмачилик” ҳаракати тарихшунослигига доир учта тадқиқот эълон қилинди. Жумладан, Р.Ҳакимов ва Н.Ҳидоятваларнинг диссертацияларида хорижий тарихшунослик, Норжигитованинг диссертациясида эса совет тарихшунослиги таҳлил қилинади. Р.Ҳакимовнинг тадқиқоти эскича қолипда совет тарихшунослигида қарор топган қарашлар асосида ёзилган.⁶² Н. Ҳидоятова эса хорижий тарихшунослик, хусусан, инглиз – америка тарихшунослигини совет мафкурасидан воз кечган ҳолда ҳаққоний тақдир этди. Шунингдек, Қ.Ражабовнинг номзодлик диссертациясида Ўзбекистон тарихи фанида ушбу муаммо илк марта таҳлил қилинди. Немис ва турк тадқиқотчиларининг ишлари тарихшунослик нуқтаи назаридан биринчи марта Д.Ҳ.Зияева томонидан ўрганилди.

Д.Ҳ.Зияева ўз докторлик диссертациясида⁶³ ва қатор мақолаларида, асарларида⁶⁴ 1918 – 1924 йиллардаги кураш воқеаларининг нафақат Ватан тарихшунослиги, балки хорижий тарихшуносликда ҳам қандай ўрганилганлигини, хорижий тарихшуносликнинг шаклланиши ва ривожланиш жараёнини, асосий илмий хулосаларини мафкуравий қолиплардан холи ҳолда таҳлил қилишга уринади. Муаллиф илк бор совет ва хориж тарихшунослигини қиёсий таҳлил этиб, уларнинг илмий хулосаларидаги фарқни, уларнинг манбавий, услубий асосларини таҳлил этади, хато ва камчиликлар, ютуқ ва муаммоларини аниқлашга уринади. Лекин у немис ва турк тарихшунослиги намуналари, илмий хулосаларига тўхталиб ўтса-да, иш кўлами кенглиги учун, табиийки, ҳамма масаларга ва тадқиқотларга батафсил тўختала олмайди.

Қ. Ражабов ўзининг докторлик диссертацияси ва қатор мақолаларида Туркистон минтақасида совет режимига қарши қуролли ҳаракат тарихини ёритиш билан бир қаторда

⁶¹ Ражабов Қ. Фарғона водийсида истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари. (1918 – 1924 йиллар) тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.: 1994 йил; Вооруженное движение в Туркестанском крае против советского режима (1918-1924гг). Автореферат диссертации док.ист.наук. Тошкент, 2005. 64 стр.

⁶² Қаранг: Шодмонова С. Немис ва турк тарихшунослигида совет мустамлакачилигига қарши кураш масалалари. Т.: 2008 йил, 12-бет.

⁶³ Зияева Д. Туркистонда миллий озодлик ҳаракати масалалари XX аср тарихшунослигида. (1916 йил кўзғолони ва 1918 – 1924 йиллардаги истиқлолчилик ҳаракати мисолида). Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.: 1999 йил.

⁶⁴ Зияева Д. Сохта ва чин ҳақиқатлар ёхуд тарихимизнинг ўқилмаган саҳифалари хусусида//Тафаккур. 1998 йил, №3 сон, 64-69-сонлар; Туркистон мустақиллиги учун кураш.//Жаҳон адабиёти.1998 йил, июль, 193-198 – бетлар; Туркистонда 1918 – 1924 йиллардаги мустақиллик учун кураш масалалари//Ўзбекистоннинг янги тарихи: Концептуал – методологик муаммолар. Т.: “Академия”, 1998 йил, 75 – 79 – бетлар; Ўзбекистон тарихи: янги нигоҳ. Давра суҳбати материаллари. Т.: 1998 йил, 25- 33 – бетлар; Туркистонда миллий озодлик учун кураш тарихшунослиги масалалари. //Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар. Т.: “Шарқ”, 1999 йил, 123-136 – бетлар; Туркистон миллий озодлик ҳаракати. Т.: 2000 йил, 174 – бет; Босмачилик: ҳақиқат ва уйдирма. Т.: “Ўзбекистон”, 2000 йил, 31 – бет.

хорижий тарихшунослик масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратади. У инглиз, француз, турк, немис ва бошқа хорижий тилларда эълон қилинган катта ҳажмдаги тарихий адабиётларни таҳлил қилиб, уларни ўзаро қиёслаб, 1918 – 1935 йилларда Туркистон минтақасидаги қизил армияга қарши ҳуққ қураши миллий озодлик ҳаракати – истиқлолчилик ҳаракати эканлигини исботлади.

Кейинги йилларда бу масала янада кенг кўламда олиб борилмоқда. Жумладан, С.Шодмонова Туркистондаги миллий истиқлолчилик ҳаракати тарихи тўғрисида ёзилган немис ва турк тарихшунослигини батафсил таҳлил этди.⁶⁵ Шу билан бирга бу масала миллий истиқлол ҳаракати бостирилган 1935 йилдан кейинги ватанпарвар кучларнинг тақдири, яъни уларга нисбатан совет давлатининг қатағонлик сиёсати, миллий истиқлолчи кучларнинг “собиқ босмачи”, “унсур”, “бандит” деган сохта айлбари остида сургун ва қатағон қилиниши тарих фанлари доктори, профессор Р.Шамсутдиновнинг асар ва мақолларида ёритилмоқда.⁶⁶

Хулоса сифатида таъкидлаш керакки, нафақат Зарафшон воҳаси балки, бутун Туркистон воҳасидаги миллий истиқлол ҳаракати тарихшунослиги ва ўраганилиш тарихи, манбашунослиги мустақиллик йилларида ўзнинг ҳаққоний илмий ечимини топмоқда. Шу билан бирга ҳали бу мавзу бўйича ўз тадқиқотчисини кутаётган долзарб масалалар бисёрдир.

⁶⁵ Қаранг: Шодмонова С. Немис ва турк тарихшунослигида совет мустамлакачилигига қарши кураш масалалари. Т.: “Абу матбуот консальт”, 2008 йил.

⁶⁶ Қаранг: Шамсутдинов Р. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. Т.: “Шарк”, 2001 йил; Қатағон қурбонлари. Т.: “Шарк”, 2007 йил; Қишлоқ фожеаси. (жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун). Т.: “Шарк”, 2003 йил; Ресрессия. Жертвы Большого террора из Узбекистана. (документы и материалы). Выпуск 1, 2, 3, 4. Т.: «Шарк», 2007 – 2008.; Тарихнинг ҳасратли саҳифалари. “Шарк”, 2006. в.б.

ИИ. БОБ. ҚУЙИ ЗАРАФШОН ВОҲАСИ МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ РАҲНАМОЛАРИ ВА ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧЛАРИ

2.1. Самарқанд воҳасида миллий истиқлолчилик ҳаракати

Миллий истиқлолчилик ҳаракати 1918 - 1935 йилларда Бухоро воҳаси миллий истиқлолчилик ҳаракатининг таркибий қисми сифатида Самарқанд вилоятида ҳам авж олди. Бу ердаги миллий истиқлолчилик кучлари асосан ерли халқ вакиллариининг деҳқонлар, ҳунармандлар, уламолар ва қисман зиёлилардан ташкил топган эди. Турк тарихчиси Али Бодомчи ўзининг “1917 - 1934 йиллар Туркистон миллий истиқлол ҳаракати ва Анвар Пошо” номли 1975 йил Истанбулда нашр этилган асарининг биринчи жилдида “Самарқанд бугун 225.000 кишиси билан буюк сеҳрли бўлган Тошкентдан сўнг Туркистоннинг энг буюк шахридир. 1920 - 1922 йиллар миллий мужодала ҳаркатида Ўратепа, Ургут, Каттакўрғон, Хатирчи, Кармана, Иштихон, Нурота, Боботоғ кўрбошилари шуҳрат қозондилар”,⁶⁷ деб маълумот беради. Бундан ташқари Али Бодомчи ўз асарида кўплаб Зарафшон ва Самарқанд кўрбошилари ҳақида маълумот бериб ўтади. Уларнинг туғилган жойи, насл - насаби, касби ва ҳаракат қилган ҳудудларини батафсил ёритиб ўтган. Масалан, **Ҳайитбек додхоҳ** Боботоғ минтақасининг ҳаким кўрбошисидир. Анвар Пошонинг хизматига илк кирганлардандир. 400 га яқин йигитлари бор.⁶⁸

Очилбек Хиванинг туркман бошлиғи Жўнайдахон каби Самарқанд - Зарафшонда ҳокимият сақлаган кучли кўрбошидир. Самарқанд - Зарафшон ҳудудудидан Матчо тоғлари этакларига қадар ягона ҳоким бўлди. Асли найман уруғининг ўзбекларидан. Миллий истиқлол ҳаракати бошланишидан аввал узоқ вақт Тошкентда бўлган. Русчани ўрганган, жаҳид мактабларида таҳсил олган... Хуш ахлоқ соҳиби, салоҳиятли инсондир. Кўрбошилиқни бошладан аввал бир муддат Бухоро амирининг тоғаси Саййид Акрам Тўра хизматида бўлган ва аскарликни ўрганган. 1921 йил бошида ёнида Усмонли зобитларидан Собир Афанди ва бошқалар билан биргаликда миллий истиқлол ҳаракатини бошлади. Минтақа қўмондони сифатида (Самарқанд минтақаси назарда тутилган-О.А) Фарғона ҳудудига қадар ёйишди. Хизматида 2000 дан ортиқ таълим кўрган йигити бор эди.

Баҳромбек: Баҳромбек ва Ҳамрокул кўрбошилар Туркистон миллий истиқлол ҳаракатининг Очилбек каби довурак мумтоз ва мунаввар шахсиятларидандир. Ҳар иккиси ҳам жаҳид мактабларида таҳсил кўрган ва бу тушунчанинг (миллий истиқлол

⁶⁷ Али Бодомчи. 1917 - 1934 йиллар Туркистон миллий истиқлол ҳаракати ва Анвар Пошо. Истанбул 1975 йил, 1 - жилд, 442 - бет.

⁶⁸ Али Бодомчи. 1917 - 1934 йиллар Туркистон миллий истиқлол ҳаракати ва Анвар Пошо. Истанбул 1975 йил, 1 - жилд, 500 - бет.

ҳаракатининг-О.А.) мазмунини яхши тушунар эдилар. Асли тожикланмиш турклардандир. Баҳромбек Денов вилоятининг ҳокими эди ва 1000 га яқин таълимли аскарлари бор эди. Ҳамроқул Баҳромбекнинг ёрдамчиси эди ва Паст қишлоқ минтақасида фаолият кўрсатди. Самарқанд мунаварларидан Қори Маҳмуд, Абдуҳақимбек, озарбайжонлик Асадбей, Баҳромбек ва Ҳамроқулбекларнинг мушаввирлари (ғоявий раҳнаомлари - О.А) эдилар.⁶⁹

Маъмур Ниёз ва Туроббек: 1922 йилдан эътиборан таълим кўрган 500 чоғли аскарлари Туркистон тоғларидан бутун Зарафшон дарёсига қадар фаолият юритди. Ҳар иккиси ҳам ўқимишли кишилар эдилар. Кўп вақт рус маъмуриятида ишлаган. 1916 йилги кўзғолонларидан сўнг қувғинда юрди. Маъмур Ниёз Жизахнинг Сом қасабасидан эди. Қўрбошилиқдан олдин Жизах полиция маъмурлигида ишларди. Туроббек эса Оққишлоқ қишлоғидан бўлиб, аввал Рус қизил ташкилоти маъмури эди. Кейинчалик қўрбошилиқни ихтиёр этди. Мулла Содиқ, Мулла Тўхташ, Мулла Ҳайдар, Мулла Нихон, Элмуҳаммад, Очилбек (бошқаси), Ҳазратқул, Абдукарим мингбоши, Абдурахим мингбоши, Маъмур Ниёз ва Туроббекнинг Ўратепага қадар бўлган жойларидаги қўрбошилари эдилар.⁷⁰

Мулла Ҳамроқулбек Самарқанднинг Жизах ва Нурота қасабалари ва тоғлари орасида, Қўйтош маркази узра большевик босқинидан сўнг қўрбошилиқни бошладилар. 1000га яқин йигити бор эди. Фақат бошланишидан олдин 100 киши эдилар. Мулла Тоғай, Мулла Мустафо, Ҳазирбек, Маллабой Худоёр, Мулла Дехқон, Муҳаммад Пошо отли йигитлар Ҳамроқулнинг минтақа қўрбошилари эдилар. Булар Ингичка (ҳозирги Каттақўрғон туманида-О.А.) қасабасининг ҳокими эдилар. Янгикўрғонда Ҳамроҳ мингбоши, Мўйтенлида Жўрабек, Оқтепада Мулла Қорақулбек, Шўрчада Муҳаммадқул Эшон минтақалар қўрбошилари эдилар.⁷¹

Холбўтабек қўрбоши Самарқанд - Фарғона - Бухоро ҳудудида Ўратепа қасабаси ва тоғларидан 500 га яқин аскарлари бирла қўмондон эди. Жуда жасур қўрбоши Саййид Мурод ва Мулла Мустафо унинг раҳнаомлари эдилар.⁷²

Нусратшоҳ қўрбоши Ҳамидбек, Абдумажидбек, Саййид Адҳамхон, асрорхон каби йигитлари билан Матчо томонда ҳоким эди. Ўқимишли эди ва жуда кўп йигитлари бор эди. Тахминан 2000га яқин аскарлари бор эди.⁷³

⁶⁹ Али Бодомчи. 1917 - 1934 йиллар Туркистон миллий истиқлол ҳаракати ва Анвар Пошо. Истанбул 1975 йил, 1 - жилд, 503 - бет.

⁷⁰ Али Бодомчи. 1917 - 1934 йиллар Туркистон миллий истиқлол ҳаракати ва Анвар Пошо. Истанбул 1975 йил, 1 - жилд, 503 - бет.

⁷¹ Али Бодомчи. 1917 - 1934 йиллар Туркистон миллий истиқлол ҳаракати ва Анвар Пошо. Истанбул 1975 йил, 1 - жилд, 504 - бет.

⁷² Али Бодомчи. 1917 - 1934 йиллар Туркистон миллий истиқлол ҳаракати ва Анвар Пошо. Истанбул 1975 йил, 1 - жилд, 504 - бет.

⁷³ Али Бодомчи. 1917 - 1934 йиллар Туркистон миллий истиқлол ҳаракати ва Анвар Пошо. Истанбул 1975 йил, 1 - жилд, 504 - бет.

Самарқанд миллий истиқлол ҳаракати ва кўрбошилари ҳақида бошқа бир хориж тарихчиси бошқирд миллатига мансуб, бевосита ана шу воқеаларнинг гувоҳи ва иштирокчиси бўлган профессор Аҳмад Закий Валидий Тўғон ҳам қимматли маълумотларни таъкидлайди. Унинг фикрича, “Самарқанд вилоятида “босмачилар”нинг уч гуруҳи бор эди. Баҳромбек, Очилбек ва Каттакўрғонда Қорақулбек гуруҳлари”.⁷⁴ Аҳмад Закий Валидий Тўғон Самарқанд вилояти миллий истиқлол номоёндаларининг ҳар бирига алоҳида - алоҳида тавсиф беради, уларнинг жасоратларини ёзиб қолдиради ва айнан унинг ўзи ҳам уларга қўшилиб ҳаракат қилган. Шу боис, унинг маълумотлари ҳақиқатга яқин ва ишончли манба ҳисобланади. У “Баҳромбекнинг келиб чиқиши тожик. Тожиклардан бек бўлмаса ҳам ўзбеклар одатича бу номни у ўзига олган... Очилбек Самарқанднинг кунчиқар томонидаги бир қишлоқдан. Найман уруғидан. Йирик гавдали, жуда меҳр - муҳаббатли киши”⁷⁵, деб таъкидлайди. Аҳмад Закий Валидий Ургут кўрбошилари ҳақида тўхталиб, “Ургут тожикларидан Ҳожи Абдулқодир исмли киши ҳам бор эди. У рус тилини билар эди, советларга ҳам хизмат қилган, ўктам фикрли бир инсон. Ўртоғи муаллим Шакурий билан бирга Ургутда яширин тарзда ҳарбий гуруҳ тузди, у ердаги рус горнизонини босиб, қуроолларини тортиб олишгач, тоққа чиқиб кетдилар. Қадимги форсий ҳамда туркий адабиётни жуда яхши кўрарди”,⁷⁶ деб маълумот беради. Бухоро амирлигининг XIX-XX аср бошларидаги сиёсий тарихини ёритиб берувчи манбаларнинг⁷⁷ кўпчилигида ҳозирги Бухоро, Самарқанд, Навоий ва Қашқарадە

⁷⁴ Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлингани бўри ер. Т.: “Адолат”, 1997 йил, 138 - бет.

⁷⁵ Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлингани бўри ер. Т.: “Адолат”, 1997 йил, 138 - бет.

⁷⁶ Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлингани бўри ер. Т.: “Адолат”, 1997 йил, 151 - бет.

⁷⁷ Космов Ф. Бухоро жумҳурияти тарихининг илмий адабиётларда ёритилиши. Бухоро: тарих саҳифалари, Бухоро, 199, -С 92-106; Бухорода миллий демократик ҳаракатнинг ўзига хос хусусиятлари // Марказий Осиё XX аср бошида: ислохотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш (жадидчилик, мухториятчилик, истиқлолчилик) халқаро конференция материаллари. Тошкент, 2001, С.115-117; Истиқлол ва тарихий хотира. Бухоро, 2006; Алимова Д.А. Файзулла Хўжаев ва жадидчилик. (Ф.Хўжаев асарлари асосида) // В сборнике «Ф.Хўжаев ҳаёти ва фаолияти ҳақида янги мулоҳазалар «Ташкент, 1997, С.43; Рашидов У. Бухоро босмачилари аслида ким эди? // Мулоқот, 1994, №4,С. 34;. Каршилик ҳаракати - ҳаммасини камрайди // Фан ва турмуш. 1996; Анвар пошшо // Фан ва турмуш. 1994, № 2; Ражабов К. Истиқлолчи деган маъкул. //Фан ва турмуш. 1995. № 3, С.28-29; Абдулло Бадрий. Ёш бухороликлар бечора халқ ва дехконлар учун яхшими ёки ёмонми? – М.,1919; Касимов Ф. Советская историография Бухарской Народной Советской Республики: Автореф.дисс. ...канд. ист.наук. – Ташкент, 1968; Ходжаев Ф.Очерки революционного движения в Средней Азии. –М., 1926; Айний С. Материалы по истории Бухарской революции.-М., 1926 (на узб.яз.); Соловейчик Л. Революционная Бухара // Новый Восток. 1922. №2.-С.272-278; Басмачество в Бухаре.-М.,1923; Какурин Н. Страница из жизни Красной Армии в Бухаре //Красная Армия.1922. №18-19. – С.119-125; Боевые операции в Бухаре. Гражданская война. Том 3; Материалы по истории Ферганского басмачества и боевые операции в Бухаре.-М., 1924. – С.91-159; Қосимов Ф.Ҳ. Истиқлол ва тарихий хотира. Мақолалар туплами. Бухоро, 2006.-С.155; Ҳайитов Ш., Раҳмонов К. Бухоро Халқ Республикаси ва Германия: ҳамкорликнинг тарихий лавҳалари (1920 -1924 йй), Тошкент, 2004., Ҳайитов Ш, Бадриддинов С, Раҳмонов К. Бухоро Халқ Совет Республикаси: иқтисодиёт, ижтимоий – сиёсат, маданий ҳаёт. (1920 -1924 йй) Бухоро, 2005; Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. //Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари: давлатчиликнинг демократик шакли. Ташкент, 2001. С. 198; Ўзбекистоннинг Янги тариҳи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Тошкент, «Шарк», 2000, С 688; Тарих шохидлиги ва сабоқлари. Чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ушлаштирилиши.. //Лойиха раҳбари ва масъул муҳаррир:Д.А.Алимова/.-Т.: «Шарк»,2000.-С.464; Зиёева Д.

вилоятиларида ҳаркат қилган кўрбошилар тўғрисида муҳим маълумотлар берилади. Ана шундай маълумотлардан бир Муҳаммад Али Балжувоний қаламига мансуб **“Тарихи нофеий”** (Фойдали тарих) асари ҳисобланади. Мазкур асарда Самарқанд вилоятида фаолият юритган миллий истиқлолчилик ҳаракати номоёндаларидан айримлари тўғрисида қиматли маълумотлар мавжуд. Унинг ёзишича, “Ургут атрофида Мирзо полвон босмачи жуда жасур эди. У Челақ атрофи, Қаробек қасабасидан Абдулҳамид махдумлар чиқишди. Бу махдумлар жуда шердил ва диловар эдилар. Охири улар шўролар ҳукумати билан ярашдилар, лекин уларни яширинча Челақда қатл этишди.

Каттакўрғоннинг Панжшанба қасабасидан Бобоқул, Мирбобо, Аҳмад ва Мавлавий босмачиларга сардор эдилар. Бобоқулни босмачиларнинг ўзлари Кўҳистоннинг Кўшработида ўлдирдилар. Аҳмад ва Мавлавийни ҳукумат қатл этди... Мирзо полвон Ургутий Жума қасабасидаги Қозонарис қишлоғидан эди. У 7 апрель 1925 йил милодий 1343 ҳижрий йили зулқаъда ойининг бошида қатл этилди”⁷⁸. Шу билан бирга, юқорида келтирилиб ўтилган кўрбошилардан ташқари Самарқанд вилоятида Очилбек тўқсоба кўрбоши, Ғулом афғон, Аъзамхон эшон кўрбоши, Сайфулла мирохур кўрбоши, Шербек кўрбоши, Бобоёр кўрбоши, Тўхтамурод кўрбоши, Рўзи мерган кўрбоши, Қорача мерган кўрбоши каби миллий ватанпарвар кучлар фаолият юритишган.⁷⁹

Самарқанд вилояти бутун Туркистон миллий истиқлол ҳаракатининг асосий бир марказларидан бири эди. Шу боис, бу ерда ҳаркат вакиллариининг нуфузли курултойлари⁸⁰ ташкил этилган ва ўтказилган. Масалан, 1922 йил 15-20 апрелда Самарқанд шаҳрида ярим очиқ ҳолатда Туркистон мусулмонларининг ИИ курултойи бўлиб ўтади. Унда Фарғона ва Самарқанд вилоятларининг барча ҳудудларидан барча нуфузли кўрбошилар ўнтадан йигитлари билан, шу жамладан Хоразм, Бухоро жумҳуриятлари ва Закаспий, Окмўла вилоятларидан кўплаб вакиллар иштирок этадилар.

Туркистон миллий озодлик ҳаракати .(Мустабид тузумга қарши 1916 йил ва 1918-1924 йиллардаги халқ курашлари тарихшунослиги). Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.Б.175; Алимова Д.А., Голованов А.А. // Ўзбекистон мустабид совет тузumi даврида: сиёсий ва мафкуравий тазйик оқибатлари. Тошкент, 2000;Ўзбекистан в 1917-1990 годы: противоборство идей и идеологией.- Тошкент,2002; Ражабов К. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш: Тарих ҳақиқати. Тошкент: Маънавият. 2002, С.13; Зиёева Д. Туркистон миллий озодлик ҳаракати. Тошкент. 2000; Ражабов К. Мустақил Туркистон учун мужоҳадалар 1917-1935йиллар. Тошкент. 2000; Ражабов К.,Хайдаров М. Туркистон тарихи (1917-1924й.).Укув қулланмаси.-Т.: Университет,2000; Ражабов К. Бухоро мужоҳидлари ва Мулла Абдулқаҳҳор кўрбоши. // Ўзбекистоннинг янги тарихи. Концептуал-методологик муаммолар мавзuidaги республика илмий-назарий анжумани материаллари. Тошкент. 1998. С.205- 210; Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. Тошкент. 2002. Рашидов У. "Қаршилиқ ҳаракати "- ҳаммасини камрайди // Фан ва турмуш. 1996; Ғарбий Бухорода қаршилиқ ҳаракати ва маҳаллий кўрбошилар // Ўзбекистоннинг янги тарихи. Концептуал-методологик муаммолар мавзuidaги республика илмий-назарий анжумани материаллари. Тошкент,1998; Истиқлолимизнинг тарихий илдизлари. Давра суҳбати // Шарқ юлдузи, 1995. № 11, С- 3-29.

⁷⁸ Муҳаммад али Балжувоний. Тарихи нофеий. Т.: “Академия”, 2001 йил, 81 - 83 -бетлар.

⁷⁹ Қаранг: Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекситон тарихидан материаллар. Андижон, 2004 йил, 286 - бет.

⁸⁰ Ражабов Қ. Кўрбошилар курултойлари ва уларнинг аҳамияти.//Турон тарихи. Тўплам. 2004, 5-қисм, 22-26 – бетлар.

Қ. Ражабовнинг таъкидлашича,⁸⁰ курултойда Фарғона водийсининг йирик қўрбошиси Шермуҳаммадбек истиклол кураши ҳақида катта маъруза қилади. Шермуҳаммадбек бошчилигида 1920 йилнинг май ойида тузилган Туркистон муваққат ҳукумати-“Туркистон-турк мустақил ислом жумҳурияти” Самарқанддаги курултойда тасдиқланади. Самарқанд курултойти охирида 7 та бўлим ва 36 та банддан иборат махсус резолюция қабул қилинади. Ушбу резолюция мамлакатнинг Асосий қонуни (Конституция) бўлиши лозим эди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, Самарқанд вилоятида миллий истиклол ҳаракати ўзининг характер хусусиятига кўра ҳақиқий маънодаги халқ кураши эди, дейишимиз мумкин. Бунинг учун куйидаги асосларга эгамиз:

Биринчидан, Самарқанд вилоятида миллий истиклол ҳаракати бу кураш бошланган дастлабки кунларданок бўй кўрсатди. Миллий ватанпарвар кучлар ўз ташкилий тузилмаларини (қўшин, бошқарув аппарати, молиявий ишлар в.х.) дарҳол, жуда қисқа муддатда ҳаракатга келтириб, миллий кураш йўлига сафарбар этдилар. Истиклолчиларнинг кўпчилик қисми маҳаллий аҳоли вакилларининг турли табақаларидан эдилар.

Иккинчидан, миллий истиклол ҳаракатининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи деҳқонлар, хунарамандлар в.х. бўлсаларда уларнинг орасида миллий зиёлилар, дунёвий ва диний билимлардан хабардор кишилар, жаидлар, ислом уламолари ҳам кўпчиликни ташкил этар эдилар. Улар бу ҳаракатга сиёсий ва маъфкуравий тус бериб, истиклолчи кучларни ғоявий қуроллантириб турар эдилар. Масалан, юқорида келтирилган 1920 йил 15 - 20 апрелдаги Самарқанд курултоида кўпгина қўрбоши дасталарига мафкуравий ёрадамчи сифатида ғоявий раҳнамолар жўнатилган. Жумладан, Абдулла Ражаб Бойсуннинг таъкидлашича, бу курултойда Фарғонадаги ҳаракат сардори, бош қўмондон Шермуҳаммадбекнинг ёнига Исмоил Ҳаққибей, Шаҳрисабз қўрбошилари Дониёлбек ва Жабборбеклар ёнига Халилбек, Самарқанд қўрбошиси Очилбекнинг ёнига Усмон Афанди жўнатилади.⁸¹

Аҳмад Закий Валидий Тўғоннинг таъкидлашича эса, Очилбекнинг ёнида самарқандлик зиёли Қори Комил, Баҳромбекнинг ёнида ва Ургутдаги Ҳожи Абдулқаҳҳор гуруҳида Самарқанддаги дастлабки жаид мактабини очган муаллим Шакурӣ ғоявий раҳнамо ва сиёсий йўлбошчи бўлган.⁸²

Учинчидан, Самарқанд миллий истиклолчилик ҳаракатида турли миллат вакиллари: ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, қозоқлар, қирғизлар в.х. бир ғоя ва бир

⁸⁰ Қаранг: Ражабов Қ. Истиклолимиз сарчашмалари.// “Тулистон” журнали, 1997 йил, №1, 12 -бет.

⁸¹ Abdullah Reçeb Baysun Turkistanli. Turkistan milliy haraketleri. Istanbul. 1943. 81 - sahipe.

⁸² Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлинганни бўри ер. Т.: “Адолат”, 1997 йил, 150- 152 - бетлар.

мақсад йўлида “туркийлар” сифатида “мудофаи Ватан, мудофаи дин, мудофаи миллат”, “Туркистон-туркистонликларнинг ватанидир”, “Туркистонни фақат туркистонликларнинг ўзлари босқинчилардан озод қилади”, “Туркистон она юртимиздир”, “Туркистон турк қаҳрамонлари бешигидир”⁸³ каби шиорлар остида якдил ва яктил бўлиб ҳаракат қилганлар.

Тўртинчидан, Самарқанд миллий истиқлол ҳаракати жуда катта ҳудудни қамраб олган эди. Бу ерда ҳаракат ҳозирги Навоий вилоятининг Кармана тумани ҳудудидан Самарқанд, Жиззах, Тошкентдан Фарғонагача бўлган улкан ҳудудда олиб борилган. Яъни бу ҳудуд 1968 йил ташкил этилган Зарафшон округи ва кейинчалик Самарқанд вилоятига айлантирилган ҳудудда ташкил этилди.⁸⁴

Бешинчидан, бу заминда олиб борилган миллий истиқлол ҳаракати ўзининг Очилбек, Баҳромбек, Маъмур Ниёз, Туроббек, Холбўтабек, Нусратшоҳ в.х. каби Ватан учун жон фидо этган миллий қаҳрамонларини ва миллат фарзандларини кашф этди.

Демокчимизки, Самарқанд миллий истиқлол ҳаракати ватанимиз тарихининг муҳим ва ажралмас бир сарварағидир. Уни ҳар томонлама ўрганиш ва бугунги кунимизга, ёш авлод таълим - тарбиясига тадбиқ этиш эса устивор масала. Чунки бу масала ёш авлод қалби ва онгида тарихий онг ва тарихий хотира, Она ватанга садоқат, меҳр - муҳаббат ва ватанпарварлик,⁸⁵ буюк аجدодларимизга муносиблик туйғуларини тарбиялашда катта аҳамият касб этади.

⁸³ Қаранг: Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар. Андижон, 2004 йил, 148 - бет.

⁸⁴ Қаранг: ЎзРесп МДА. 45 фонддан то 71 фондгача.

⁸⁵ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий - маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги қарори. “Халқ сўзи” 2006 йил 25 август.

2.2. Бухоро воҳасида миллий истиқлолчилик ва унинг ҳаракатлантирувчи кучлари

1920 йил август охири ва сентябр бошларида Қизил армия қўшинлари томонидан Амир Саййид Олимхон ҳокимияти ағдариб ташланди. Ўлкада сиёсат олиб бораётган Турккомиссия Бухоро амирлигига “империализм ва оқ гвардиячиларининг карвонсаройи ҳамда Фарғона босмачилигининг таянчи”⁸⁶ сифатида қарай бошлади. Шунинг учун Бухорога ҳужум қилиш учун турли важлар топа бошлади. Мана шундай оғир бир шароитда Туркистон ўлкасида бўлгани каби сиёсий ғафлат уйқусида қолган ва шўролар ташвиқотиغا алданган Бухоро халқининг тез орада кўзлари очилди ва миллий истиқлол курашига отланди. Аммо шўроларга қарши истиқлол учун курашга отланган кучларда миллий аҳиллик ва бирлик йўқ эди.⁸⁷ Улар катта куч бўлсалар-да, уюшмаган, тарқоқ ва ҳеч қандай дастурий йўриққа эга эмас эдилар, уларнинг ғоятда айёр, тажрибали ҳамда пихини ёрган шўролардек рақибга қарши кураш тажрибаси йўқ эди. Бундан мустамлакачи шўролар усталик билан фойдаландилар.

Бухородаги миллий истиқлол ва озодлик учун курашган кучларни икки йирик гуруҳга ажратиш мумкин. Улар қуйидагилар:

Биринчи гуруҳ: Бухоро шўро ҳукумати ва комфиркаси сафида туриб, Бухоронинг давлат мустақиллигига эришиш мумкин деб ҳисоблаган кучлар. Аммо Бухорога нисбатан Россиянинг ҳарбий ва фирқавий мустамлакачилик тазйиқи ва босими орта борган сари бу кучларнинг орзу – умидлари саробга айлана борди. Улар ўз умидини ва тақдирини Россия ва қизил аскарлар билан боғлаган Бухоро шўро ҳукумати эди.

Иккинчи гуруҳ: Шўролар ва комфирқага қарши озодлик ва миллий мустақилликни ёқлаган эди. Бу гуруҳ аъзолари ўз умидлари ва диққат эътиборларини миллий истиқлолчилик ҳаракатига қаратдилар. Бу йўналишдаги “Миллий иттиҳод”нинг режали ва уюшган фаолияти шунга олиб келдики, 1920 – 1924 йиллар даврида Мулла Абдулқаҳҳор, Жўра Амин, Мурод Мешкоп, Митан Полвон, Ҳамро Полвон ва бошқа ўнлаб йирик кўрбошилар раҳбарлигида миллий истиқлолчилик ҳаракати бутун Зарафшон воҳасини қоплаган эди.

Бухоро республикасидаги истиқлолчилик ҳаракатининг йўлбошчилари турли сиёсий карашлардаги, ўзгача феъл-атворли, жасур ва қайсар кишилар эди. Ҳарбий қўмондонлар орасида амир ҳузурида йирик амалдор бўлиб турган сарой аъёнлари ва лашкарбошилардан тортиб, Бухоро республикаси ҳукуматининг юқори лавозимларида

⁸⁶ Қаранг: Қосимов Ф., Рашидов У. Бухорода қаршилик /босмачилик/ ҳаракати тарихидан лавҳалар. (1920 – 1924 йиллар) Т.: 1994 йил, 7 – бет.

⁸⁷ Шамсутдинов Р. Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар. Андижон, 2004 йил, 268 – бет.

ишлаган кўплаб таниқли давлат арбоблари, машҳур зиёлилар ва жадидлар, ҳатто Туркиядан келган ҳарбий зобитларгача бор эди.

Даставвал Бухородаги манғитлар сулоласининг сўнгги вакили, шунингдек, Афғонистондаги туркистонлик муҳожирларнинг раҳбари Амир Саййид Олимхон ҳақида тўхталиш жоиздир.⁸⁸ Чунки Бухородаги истиқтлолчилик ҳаракатининг ташкилий жиҳатдан расмийлаштиришда, кўрбошилар фаолиятини ягона мақсад томон йўналтиришда унинг ҳам маълум даражада хизмати борлигини қайд қилиб ўтишга бурчлимиз.

Амир Саййид Олимхон (1881 – 1944) Кармана шаҳрида туғилди. У 1893-1896 йилларда Петербургдаги Николаев номли суворийлик мактабида таълим олган. 1898 йилда у Қарши, сўнгра валиаҳд сифатида Кармана вилоятига ҳоким бўлди. Отаси амир Абдулахадхон вафотидан сўнг, 1910 йил декабрда Бухоро тахтига ўтирди. Саййид Олимхон дастлаб амирликда маъмурий, иқтисодий ва ҳарбий соҳада ислохотлар ўтказишга уринди. Саййид Олимхон даврида амирликнинг Россияга қарамлиги янада кучайди. Унинг фармони билан тараққийпарвар кучлар, шунингдек, ёш бухоролик жадидлар қаттиқ таъқиб қилинди. Саййид Олимхон мамлакат аҳволини яхшилаш билан шуғулланиш ўрнига асосий вақтини дабдабали турмуш кечириш ва айш – ишратга сарфлади. Натижада амир ва унинг сарой аъёнлари тобора кўпроқ жаҳолат ва қабоҳат ботқоғига ботаверди, Саййид Олимхоннинг калтабинлиги натижасида улуғвор бир туркий давлат таназзулга учраб, парчаланиб кетди.

Саййид Олимхон Бухоро мамлакати ва халқи учун жуда масъулиятли бўлган бир давр (1917 – 1920 йиллар)да адолатли сиёсат юритиш ўрнига жабр – зулми кучайтирди. У мамлакатда конституцион монархия ва демократик тартиботлар ўрнатмоқчи бўлган жадидлар – Ёш бухороликларни аямасдан қириб ташлади, салтанат ҳудудида янгилик ва тараққиётга томон бўлганларнинг ҳар қандай интилишни мурғаклигидаёқ бўғиб ташлашга уринди. Маҳмудхўжа Беҳбудийни махфий тарзда ўлдиртирган, Садриддин Айнийни қалтаклатган, Файзулла Хўжаевни бир неча марта ўлимга ҳукм қилган, истибодни кучайтирган ҳукмдор ҳам шу Саййид Олимхон эди. «Бухоро амири ўзининг сиёсий чекланганлигини ўзи кўрсатди»⁸⁹, - деб ёзганида Аҳмад Закий Валидий мутлақо ҳақ бўлган.

Ёш бухороликлар партиясининг асосчиларидан бири Абдурауф Фитрат ўзининг 1930 йилда ёзилган «Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври» рисоласида амирнинг «давлат ва ҳокимият ишларида ўта билимдон эмаслигини»,

⁸⁸ Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. Т.: «Маънавият», 2002 йил, 27 – бет.

⁸⁹ Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. Т.: «Маънавият», 2002 йил, 28 – бет.

унинг «гўл, ишёқмаслигини» аччиқ бир киноя билан тасвирлайди. Фитратнинг ёзишича, «амирнинг мулкни бошқаришга ақл ва иродаси етмас эди». Бунинг устига, Саййид Олимхон бошқа манғит амирлари каби айш-ишратга ўч, маишатга муккасидан кетган ҳукмдор бўлган. Унинг ҳарамида бутун мамлакат ва ҳатто Россиядан келтирилган қиз-жувонлар тўлиб кетган эди. «Айтиш мумкинки, салтанатдагиларнинг Олимхонга сўлим қиз ёки аёл топиб беришдан бошқа ҳеч масъулияти вазифаси йўқ эди»⁹⁰, - деб ёзганида Фитрат заррача муболаға қилмаган.

Саййид Олимхоннинг сиёсий қиёфасини кўрсатишда унинг энг асосий ғаними бўлган М.В.Фрунзенинг сўзлари ҳам бир қадар аҳмиятлидир Туркистон фронтининг қўмондони М.В. Фрунзе 1920 йил 14 апрелда совет режимининг асосчиси В.И.Ленинга ёзган мактубида Амир Саййид Олимхонни қуйидагича тавсифлайди: «Бу киши европача маълумотли (бизнинг собиқ пажлар корппусимизни тугатган), сиёсий жиҳатдан Россия монархиясининг содиқ дўсти, характери заиф ва иродасиз киши бўлиб, Бухорода энг қудратли бўлган уламоларнинг тамомила таъсири остида эди».

Маълумки, М.В.Фрунзе бошчилигидаги Туркфронт қўшинларининг Бухорога босқинидан сўнг, 1920 йил 2 сентябрда Саййид Олимхон тож-тахтдан маҳрум бўлиб, Шарқий Бухорога жўнади. Бухоро фожиалари Саййид Олимхоннинг шахсиятида кескин ўзгаришлар ясади, унинг кўзи ярқ этиб очилди. Бироқ асосий фурсат бой берилган эди. Шундай бўлишига қарамасдан, эндиликда собиқ ҳукмдор Бухоро халқининг босқинчи қизил армияга қарши олиб борган мустақиллик курашига раҳбарлик қилишга уринди.

Саййид Олимхон 1927 йилда ёзилган «Бухоро халқининг ҳасрати тарихи» деб номланган эсдаликларида ёзишича, у Шарқий Бухорода бўлган чоғида мунтазам равишда уруш ҳаракатлари билан банд бўлганлигини, «Ҳисор вилоятида, большевикларга қарши олти ой давомида кураш ва жанг олиб борган»лигини таъкидлайди. Саййид Олимхон Ҳисорда ўзининг сарой аъёнлари ва маҳаллий амалдорлардан иборат янги. ҳукумат ташкил қилади ҳамда босқинчи қизил аскарларга қарши бўлаётган жанг ҳаракатларини мувофиқлаштиришга интилади. Саййид Олимхон Шаҳрисабз, Бойсун, Ҳисор ва Кўлоб вилоятларида халқнинг қизил армияга қарши кўтарган оммавий қўзғолонларида раҳнамолик қилишга уринди. Янги ҳукумат фаолиятида Ҳисор беги Авлиёкулбек муҳим роль ўйнайди.

Шарқий Бухородаги истиқлолчилар бу пайтда қизил армия қисмларига қарши ҳаёт-мамот жангларини авж олдириб юборган эдилар. Афсуски, Саййид Олимхон киндик қони тўкилган тупроқ – Бухорода қолиб, ўз халқининг миллий истиқлол курашига бевосита раҳбарлик қилиш ўрнига, 1921 йил 4 март куни «Кўлоб вилоятининг усти билан

⁹⁰ Қаранг: Фитрат. Амр Олимхоннинг ҳукмронлик даври. Т.: “Минҳож”, 1992 йил, 40 – бет.

Амударёдан ўтадиган жойдан» Афғонистон давлатига ўтиб, пойтахт Кобулга афғон амири Омонуллахон ҳузурига келди. Саййид Олимхон кейинчалик Кобулда яшаб, Бухородаги истиқлолчилик ҳаракатига йўл-йўриқ кўрсатиб турди, ҳаракатнинг машҳур йўлбошчилари ва саркардаларига турли мактублар ва қимматбаҳо совғалар жўнатиб, уларни курашга илҳомлантирди. Саййид Олимхон, хусусан, Бухородаги машҳур кўрбошилар Иброҳимбек ва Мулла Абдулқаҳҳор, кейинчалик Анвар Пошо ва Салим Пошо каби ҳарбий лашкарбошиларга доимий равишда ўз эҳтиромини изҳор қилиб турган. Саййид Олимхон бухоролик муҳожирларнинг Афғонистондаги раҳбари ҳам эди. У қолган бутун умрини ўша ерда ўтказди.

Саййид Олимхон муҳожирликда ўзининг машҳур эсдаликларини ёзди. «Бухоро халқининг ҳасрати тарихи» деб номланган ушбу мемуар ва унинг Миллатлар Лигасига ёзган баёноти 1927 йил сентябрда расмий вакили генерал Ҳожи Юсуфбек Муқимбой ўғли орқали Женева шаҳрида фаолият курсатаётган Миллатлар Иттифоқига топширилди. Саййид Олимхон ўз баёнотида Бухоро совет режими остида зулм чекаётганлигини баён қилган эди. У хотираларида Бухорода босқинчи қизил аскарлар ва большевикларга қарши олиб борилган муҳорабаларни, мужоҳидлар курашини тасвирлайди.

Саййид Олимхон Бухорони тарк этар экан, ўша тўс-тўполонда нафақат давлат хазинасини, балки ҳарамини ҳам шаҳарда қолдириб кетишга мажбур бўлган эди. Унинг бутун оила аъзолари ва қариндош-уруғларидан иборат ҳарами (уларнинг умумий миқдори архив ҳужжатларида 118 киши деб номма-ном кўрсатилган) қўлга олиниб, уй қамоғида сақланди. Бироқ янги ҳукумат томонидан уларга ҳеч қандай, зиён-заҳмат етказилмайди.

Саййид Олимхон Бухоронинг янги ҳукумати раҳбарларига мурожаат қилиб, оила аъзолари ва яқинларини Афғонистонга жўнатишни илтимос қилганда, айнан Файзулла Хўжаев ва Фитрат бу ўтинч қондирилишини қатъий суръатда ваъда қилишди. 1923 йил 4 июлда бўлган Бухоро Коммунистик партияси Марказий Қўмитаси Ижроия бюросининг йиғилишида ушбу масала кўриб чиқилиб, у ижобий ҳал қалинди. Аммо Саййид Олимхоннинг Султонхон, Шохмуродхон, Абдурахимхон номли учала ўғли Марказнинг талаби билан Москвадаги Бухоро Маориф уйига «советча усулда тарбиялаш» учун жўнатилди.

Саййид Олимхоннинг оналари Тўра ойим, Шамсия ойим; қизлари Хосиятой, Саодатой; завжалари Муҳаррам ойим, Мушарраф ойим, Хурсанд ойим; амакилари Мир Муҳаммад Сиддиқ Музаффархон ўғли, Мир Носир Музаффархон ўғли, Мир Содик Музаффархон ўғли, Мир Абдул Азимхон Музаффархон ўғли; синглиси Шохой; туққан онаси Давлат Бахт ойим ва бошқа яқин қариндошлари (жами 51 киши) ўз ихтиёрига кўра Афғонистонга юборилди.

Саййид Олимхон оиласи ва қариндош-уруғларидан Бухорода қолган 64 киши эса зудлик билан тутқунликдан озод қилиниб, бу ерда яшашлари учун уларга тегишли шароит яратиб берилди. Лекин 30-йиллар охиридаги оммавий қатли омда уларнинг ҳаммаси катағон қилинди.

1932 йилда Саййид Олимхон Афғонистон ташқи ишлар вазирлиги орқали Афғонистоннинг СССРдаги элчиси Муҳаммад Азизхонга шахсий мактуб йўллаб, Москвага жўнатилган уч ўғлини топиб, уларни қутқаришда ёрдам беришни илтимос қилади.⁹¹ Саййид Олимхон халқаро Қизил хоч ва Қизил ярим ой жамиятига ҳам мурожаат қилади. Афсуски, унинг бу соҳадаги бутун интилишлари зое кетди.

Саййид Олимхон муҳожирликда юрт дийдорига талпиниб яшади. Унинг Бухорога қайтиб келиш ҳақидаги илтимосларига СССРнинг раҳбари И.В. Сталин қатъий рад жавобини берган. Умрининг охирида унинг кўзлари ожизлашиб қолади. 1944 йил 28 апрелда Саййид Олимхон узоқ давом этган хасталикдан сўнг Кобулдаги қароргоҳи – Қалъаи Фотуда вафот этди.

Саййид Олимхон ўғилларининг тақдири эса фожиали тугади. Ўзининг совет режимига нисбатан нафратини яққол намоён этган кичик ўғли Абдурахимхон 1937 йил жосусликда айбланиб, олий жазога ҳукм қилинди. Катта ўғли Султонхоннинг бир оёғи ногирон бўлиб, у 40-йилларнинг охирида қамокқа ташланди ва кўп ўтмай ўша ерда ҳалок бўлди. Ўртанча ўғил Шохмуродхоннинг қисмати сал бошқачароқ кечди. У «Известия» (16.06.1929 й.) газетасида ўзининг отасидан «воз кечганлиги» ҳақида очиқ хат билан чиқишга мажбур бўлгандан сўнг, Москвадаги ҳарбий инженерлик академиясида ўқийди.⁹² Шохмурод Олимов кейинчалик отаси сингари генерал унвонига сазовор бўлди, иккинчи жаҳон урушида қатнашди. У 1985 йил 75 ёшида Москвада вафот этди.

Саййид Олимхон Афғонистонда ҳам бир неча марта уйланган эди. Унинг бошқа фарзандлари Кобул атрофидаги Қалъаи Фотуда таваллуд топишган. 90-йилларнинг бошида Саййид Олимхоннинг икки завжаси, ўн икки нафар ўғли ва ўн нафар қизи тирик эди. Улар Туркиянинг Ғозиантиб шаҳрида, шунингдек, АҚШ, Германия, Афғонистон, Покистон, Саудия Арабистони ва Эронда истиқомат қиладилар. Саййид Олимхоннинг ўғиллари 1993 йил сентябрда ота юртлари Бухорога келиб, уни зиёрат қилишди.

Бухородаги кўрбошилар ўртасида сўзсиз Иброҳимбек алоҳида ажралиб туради.

Иброҳимбек 1889 йилда ҳозирги Душанбе шаҳридан 12 чакирим жанубда жойлашган Кўктош қишлоғида Кофирниҳон дарёси соҳилида ўзбек лақайлари уруғининг эсонхўжа шохобчасига мансуб бўлган хонадонда туғилди. Архив ҳужжатларида

⁹¹ Наимов Н. Амирнинг зурриёти. Бухоро. 1995 йил, 23 – бет.

⁹² Ҳасанов М., Германов В., Шодиев Қ. Амир Олимхон фожеаси. “Фан ва турмуш”, 1991 йил, №4, 27 – бет.

келтирилишича, Иброҳимбекнинг отаси Чақабой Тўксабо амир амалдори бўлиб, у 1912 йилда вафот этади. Кўктошда унинг ер-мулки бор эди. Асосан ўзбекларнинг лақай уруғи яшаган бу ҳудуд тарихий манбаларда Лоқай деб келтирилади. Шунинг учун Иброҳимбек Чақабой ўғли кейинчалик Иброҳимбек лақай сифатида машҳур бўлди.

Иброҳимбек ўз қишлоғидаги масжидга қарашли мактабда сабоқ олгач, маҳаллий мадрасада ҳам таҳсил олди. Лекин мадрасани тугатганлиги ҳақида маълумотлар учрамайди. «Иброҳимбекнинг уруғ оқсоқолларидан бири Абдуқаюм парвоначининг кизига уйланганлиги кейинчалик унинг ҳаётига катта таъсир кўрсатди».

Иброҳимбек Ҳисор беги ҳузурида қилган хизматлари эвазига 1919 йили «қоровулбеги» даражасига, кейинчалик Бухоро амири Саййид Олимхон томонидан «девонбеги», «тўпчибоши» ва «лашкарбоши» лавозимларига кўтарилди. Иброҳимбек амирлик тузуми ағдариб ташлангач, Шарқий Бухородаги кўрбошилар гуруҳларига умумий раҳбарлик қилиб (Анвар Пошо ва Салим Пошо Шарқий Бухорога келган давр бундан мустасно), босқинчи қизил армия ва коммунистик режимга қарши озодлик байроғини кўтарди. Иброҳимбек кўрбошининг номи ҳам машҳурликда Анвар Пошоникидан сира қолишмас эди. Лекин уларнинг фикрлаш тарзи, жанг қилиш усуллари ва ҳаракатларида катта фарқлар бўлган.

Иброҳимбек 31 ёшида кураш майдонига кирар экан, ўз олдига асосий мақсад қилиб, Бухоро тупроғини қизил аскарлардан тозалаш билан бир қаторда ағдариб ташланган амирлик тузумини қайта тиклаш ва салтанатни собиқ ҳукмдор Саййид Олимхон қўлига олиб бериш вазифасини қўяди. Шунинг учун ҳам у курашга кирган дастлабки кунларданоқ Бухоро амири Саййид Олимхон томонидан моддий ва маънавий жиҳатдан ҳар тарафлама қўллаб-қувватланди ва рағбатлантирилди. Иброҳимбек кўрбоши 1920 – 1921 йилларда қисқа муддат ичида ўн минг нафардан ортиқ аскар тўплаб, Кўлоб ва Балжувон вилоятларини қизил аскарлардан тозалагач, Саййид Олимхон ҳузурига Кўлобга ўз вакилларини жўнатди. «Бу аснода Иброҳимбек Девонбегининг ўзи Қоратегин ва Дарвоз вилоятлари устига ҳужум қилиб босиб борди ва бу икки вилоятни ҳам эгаллади...». Бу зафарлардан сўнг Иброҳимбек юборган бошқа вакилларни ҳам Саййид Олимхон хурсандчилик билан кутиб олади, ўз лашкарбошисининг «ғайрати ва мардлигидан анча мамнун» бўлиб, уни юқори мансабга кўтаради. 1921 йил бошларида Саййид Олимхон Иброҳимбек Девонбегини Бухородаги бутун қўшинларига Олий бош қўмондон қилиб тайинлайди,

Бу воқеалардан сўнг Иброҳимбек Ҳисор вилоятига юриш қилди. «Ҳисор вилоятининг устки қисмига отланиб бориб, душман билан анчагина юзма-юз бўлди, у

билан жанг қилди, ҳарбий қурол-яроғларни қўлга киритди. Бу вилоятни ўзига марказ қилиб олади. Дехнав вилоятининг юқори қисми бўлган Бойсун, Ғузур, Шеробод, Қаршида ҳаракат қилди...»⁹³

Саййид Олимхон Иброҳимбекка ёзган мактубларидан бирида уни «садоқатли ва жасур доҳий, мулла, бек, бий, девонбеги, лашкарбоши, тўпчибоши, ғозий», деб улуғлайди. Саййид Олимхоннинг ёзишича, у Иброҳимбекка қўшимча кучлар юбориш учун Афғонистон ҳукумати билан музокаралар ўтказди. Афсуски, афғон ҳукумати бу пайтга келиб, Бухоро амири Саййид Олимхон ихтиёрига ҳеч қандай ҳарбий бўлинмаларни ажратмайди. Чунки Афғонистон билан совет Россияси ўртасида ўзаро дўстлик тўғрисидаги шартнома аллақачон имзоланган эди.

Саййид Олимхоннинг Иброҳимбекка нисбатан кўрсатган марҳаматлари бошқа манбаларда ҳам келтирилади. Масалан, туркиялик тадқиқотчи Али Бодомчи «1917 – 1934 йиллар. Туркистон миллий истиқлол ҳаракати ва Анвар Пошо. Қўрбошилар» номли китобида Иброҳимбек Саййид Олимхоннинг кўп мартабаларига эришганлиги, амир Шарқий Бухорода яшаган даврда Иброҳимбекка ўхшаш ёвқур, кўрқмас кишиларга таяниб, советларга қарши савашганлиги айтилади. Китобда ёзилишича, «Иброҳимбек Лақай сўнгги Туркистон миллий истиқлол курашининг ёрқин сиймоларидандир. Амир замонидаёқ ўрис ҳарбийларига киргиз солишдан иш бошлаган ва қисқа фурсатда катта шуҳрат қозонган ... Умумий аскарларининг сони саккиз мингдан зиёдроқ бўлган».

Иброҳимбек қўл остидаги Шарқий Бухоро ҳудудида ўз бошқарув усулини амалга оширди. Совет ҳокимияти жойларда бутунлай тугатилди, унинг ўрнига шариатга асосланган ва амирлик давридаги бошқарув усули қайта жорий қилинди. Иброҳимбекни бу ердаги маҳаллий аҳоли, хусусан, лақай ўзбеклари қизғин қўллаб-қувватлашди. Бу ҳолдан Туркистондаги совет ҳокимияти вакиллари қаттиқ ташвишга тушдилар. Шунинг учун ҳам Туркистон fronti сиёсий бошқармаси томонидан тузилган жосуслик ахборотида Иброҳимбек фаолияти ҳар жиҳатдан таҳлил қилинади, аҳоли ўртасида унинг нуфузи ошиб бораётганлигидан чўчиш ҳолати кўзга ташланади ва Иброҳимбек билан бошқа кўрбошилар гуруҳлари ўртасида турли низолар чиқариш учун тавсиялар берилади.⁹⁴

Афсуски, Иброҳимбек кўрбоши жаҳидларни ёмон кўрар эди. Бу жиҳатдан унинг фикрини Анвар Пошо ҳам ўзгартира олмайди. Дарвоқе, Анвар Пошо Бухорога келиб, истиқлолчиларни курашга даъват қилган дастлабки кунларидаёқ уни Иброҳимбек

⁹³ Амир Саййид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. Т.: “Фан”, 1991 йил, 19-20 – бетлар.

⁹⁴ Али Бодомчи. 1917-1934 йиллар. Туркистон миллий истиқлол ҳаракати ва Анвар Пошо. Қўрбошилар. 1 – жилд, Анқара. 1975 йил, 20 – бет. (Изоҳ – мазкур китоб турк тилида босилган ва юқоридаги иқтибос ўзбек тилига таржима асосида берилмоқда)

ёқтирмай қолган эди. Иброҳимбек билан Анвар Пошо ўртасидаги муносабатлар жуда мураккаб бўлган. Ҳатто Анвар Пошо Иброҳимбек кўлида тугқунликда бир ойча вақтни ўтказди. Кейинчалик Анвар Пошо томонидан Иброҳимбек ҳам ўз навбатида беш кун қамаб қўйилди.

Бироқ Анвар Пошонинг ҳалокати ва Салим Пошонинг Афғонистонга чиқиб кетиши оқибатида бутун Бухородаги қизил армияга қарши ҳаракат Иброҳимбек тимсолида яна аввалгидек ўзининг ягона қўмондонига эга бўлди. Иброҳимбек Ғарбий Бухоро (Бухоро, Кармана ва Нурота вилоятлари)даги кўрбошилар гуруҳларига умумий раҳбарликни ҳам ўз кўлига олди. Шунинг учун ҳам Иброҳимбек бошчилигида кўрбошиларнинг кўплаб қурултойлари чақирилди. Масалан, Ҳисорда 1924 йил 31 декабрда бўлган Бухоро кўрбошиларининг навбатдаги қурултойида Иброҳимбек Бухорода ҳаракат қилаётган бутун дасталарни ягона қўмондонлик остига бирлаштириш ва уларнинг фаолиятини ошириш тўғрисида, кўрбоши дасталари тузиш ва уларнинг жанг қилиш усуллари, аҳоли билан муносабатлари хусусида махсус кўрсатмалар берди. Қурултойда Ғарбий Бухородаги йирик бойлар томонидан ёрдам сўраб юборилган мактубни Иброҳимбек ўқиб эшиттирди. Мурожаатдан сўнг, Иброҳимбек Шеробод – Бойсун атрофларида қизил армия қисмларига қарши ўзининг зафарли юришларини ўтказган эди. Қурултой тугагач, унинг иштирокчиларидан бири Асадуллабек томонидан кўргазмали машқлар ўтказилди. Иброҳимбек кўрбоши бўлса ўзининг мингга яқин йигити билан Вахш дарёсининг ўнг соҳилидан ғарбга – Сурхон воҳаси, Шеробод ва Бойсун томонга қараб, 1925 йил январ ойининг бошларида намоёнишкорона назорат кўриги ўтказди.

Бироқ, Шаҳобиддин Яссавий Иброҳимбекнинг жасур киши бўлиши билан бир қаторда айрим масалаларни ҳал қилишда шовма-шоварликка йўл қўйиб, хатолар қилганлигини гапиради. Шуниси характерлики, Иброҳимбек «Амир Олимхон фармонида бўлиб, Ғозий Анвар Пошо ва Фузайл Махдумларга ҳурматсизлик қилди». У «ниҳоят диловар қаҳрамон» бўлса-да калта фикрли эди... Иброҳимбек муборизлар, кўрбошилар заиф бўлгон, фойдасиз замонда иш бирлиги учун келди...»

Бу низолардан хабар топган Бухоро амири Саййид Олимхон Иброҳимбек ҳузурига Бекбой Қоровулбеги деган вакилини жўнатди. Бекбой ёрдамида Саййид Олимхон кўрбошилар ўртасидаги ихтилофларни бартараф қилишга ва энг аввало Иброҳимбек билан Хуррамбек орасидаги келишмовчиликни йўқотишга муваффақ бўлди.

Бу мулоҳазалардан Иброҳимбек фақат ўз манфаати учун кураш олиб борган, шуҳратпараст бир киши эди, деган хулоса чиқармаслик керак. У Бухородаги истиқлолчилик ҳаракатига етти йил раҳбарлик қилар экан, ўз она тупроғини босқинчи қизил аскарлардан тозалаш учун, эрк ва истиқлол учун кураш олиб борган эди. Фақат,

Иброҳимбекнинг сиёсий қарашлари чекланган бўлиб, унинг «Бухоро амирига содик фуқаро» эканлигини ҳам назардан қочирмаслик лозим,

Иброҳимбек кўрбоши ўз қўшини сафида қаттиқ тартиб-интизом ўрната олди. Тинч аҳолини талашда қатнашган ёки бегуноҳ мусулмонларни ўлдирган аскарлар мабодо учраб қолса, улар шафқатсиз жазоланган. Иброҳимбек томонидан қўл остидаги кўрбошилари Абдулазиз ва Абдурахмонбойга ёзган мактублари кўп жиҳатдан аҳамиятлидир. Иброҳимбек ўз мактубида Абдурахмонбойга қуйидаги сўзларни ёзган эди: «...сиз аскарларни махсус рухсатномасиз милтиқлари билан жўнатяпсиз бу жуда ёмон». Демак, кўрбошилар ўз йигитларини қишлоқларга милтиқлари билан юборишса, уларга махсус рухсатнома беришган. Бу ҳолдан эрк ва истиқлол курашчиларининг кимлиги яққол намоён бўлади.

Туркистонда миллий-худудий чегараланиш ўтказилиб, совет Ўрта Осиё республикалари тузилгач, Бухоронинг деярли барча қисми Ўзбекистон ССР таркибидаги Тожикистон АССР ихтиёрига ўтди (фақат ҳозирги Сурхондарё вилояти таркибига кирган айрим туманлар бундан мустасно). 1925 – 1926 йилларда Иброҳимбек кўрбоши Тожикистон ва Ўзбекистоннинг асосан тоғлик вилоятларида ўз курашини давом эттирди. Йигирманчи йилларнинг ўртасига келиб, Бухорода вазият тубдан ўзгарган эди. Туркистон фронтининг, 1926 йилдан бошлаб Ўрта Осиё ҳарбий округининг катта микдордаги кучлари Иброҳимбекка қарши ташлангач, у 1926 йил 21 июнда, кескин жанглардан сўнг, Афғонистон давлатига ўтиб кетди.

ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси биринчи котиби И.А.Зеленский томонидан 1926 йил 6 сентябрда ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси «босмачилик»га қарши кураш Марказий комиссиясининг фаолияти ҳақида бюро пленумида қилинган ҳисобот маърузада айтилишича, Иброҳимбек хорижга ўтиб кетгач, унинг оиласи: онаси ва икки хотини асирга олинган. Бу аёлларнинг қисмати нима бўлганлиги номаълум. Бу пайтда Сурхондарё истиқлолчиларининг энг йирик йўлбошчиси Хуррамбек ҳам Афғонистонга жўнаб кетган эди.

Иброҳимбек 1926 – 1927 йилларда Кобул яқинидаги Қалъаи Фотуда Бухоро амири Саййид Олимхоннинг қароргоҳида яшайди. Саййид Олимхоннинг ёзишича, «унинг кунлик харажати учун Афғонистон давлати тарафидан ҳар ойига беш юз эллик кобулий рупияси тайин этилди».

Афғонистонда юз берган мураккаб сиёсий жараёнлар, афғон амирларининг биринкетин алмашилиши, ҳокимият учун курашлар бу ердаги туркистонлик мухожирлар турмушига ҳам таъсир қилмасдан қолмайди. Иброҳимбек бошчилигидаги бухоролик мухожирлар Афғонистондаги сиёсий курашга мажбуран тортилишади, натижада, бу

курашнинг марказига Иброҳимбек чиқиб қолади. Иброҳимбек ва унинг лақай уруғдошлари билан афғон аскарлари ўртасида ҳатто қуролли тўқнашувлар бўлди. Айрим манбаларда ёзилишича, Афғонистон ҳукумати билан туркистонлик муҳожирлар ўртасидаги бу уруш бир йилча давом этди.

1930 йил апрел ойида Иброҳимбек қўрбошилар дасталари тузишни тугатиб, совет-афғон чегараси бўйлаб намоёнишкорона юришини бошлади. Иброҳимбек орадан кўп ўтмай 24-25 майда қўрбошилар қурултойини чақирди. Қурултойда лоқайлик қўрбошилар билан биргаликда 100 дан ортиқ вакил қатнашди. Унда бекнинг энг яқин сафдошлари Ўтанбек, Мулла Тўракул қатнашиб, улар Тожикистон ССР ҳудудига ўтиш масалаларини ҳал қилишди. Чегарадан ўтишни турли нуқталарда амалга ошириш келишиб олинди. Иброҳимбек СССРга қарши ялпи ҳужумни 1930 йил 3 июл кунига белгилади.

Бироқ кўп сонли жосуслар орқали уларнинг бу режасидан хабар топган мустабид совет режими раҳбарлари зудлик билан қарши зарба уюштирдилар. 1930 йил 20 июнда Ўрта Осиё ҳарбий округининг терма отличлар бригадаси Амударёни Айваж қасабаси ёнидан кечиб ўтиб, Афғонистон ҳудудига бостириб киришди. Совет аскарларига курашда катта тажриба тўплаган Яков Мелькумов қўмондонлик, қилаётган эди. Уларнинг бош мақсади Иброҳимбекнинг Алирабоддаги асосий қароргоҳини эгаллаш эди.

Ўрта Осиё ҳарбий округи қўмондони П.Е.Дибенко номига 1930 йил 26 июнда йўлланган ҳисоботда айтилишича, «ҳаммаси бўлиб 839 босмачи ва уларнинг фаол таъминотчилари ўлдирилган». Ҳалок бўлганлар орасида машҳур қўрбошилар бўлган. Бундан ташқари қизил аскарлар томонидан уй-жойлар ҳам бузиб ташланди, қишлоқлардаги экинзорлар пайҳон қилинди, йиғиштирилган ҳосил куйдириб ташланди, улар «200 туя, 80 от, 400 қўйни тортиб олишди». Иброҳимбек ва унинг яқин сафдоши Ўтанбек қўрбоши кичик даста билан Қора Ботир тоғларига чекинишди. 26 июнга ўтар кечаси босқинчилик тугатган Мелькумов отряди Афғонистондан Тожикистон ССР ҳудудига қайтди. Шундай қилиб, Афғонистондаги туркистонлик муҳожирларга қарши қаратилган бу зарба Иброҳимбекни ўз ватанига қайтиш муддатини яна орқага суриб ташлади.

1931 йил бошларида Иброҳимбек ўз ҳаракатини фаоллаштириб, муҳожирларнинг тарқоқ кучларини яна бирлаштирди. У ўтган йилнинг авжи саратон чилласида, атиги 7 кун ичида чеккан мағлубият алами учун босқинчи совет қўшинларидан интиқом олиш истагида бутун вужуди ёнар эди. Бунинг устига Нодирхон режими билан туркистонлик муҳожирларнинг ўртасидаги зиддиятлар анча кучайди. Архив ҳужжатларидан бирида келтирилишича, «1930 йил ёзида афғон ҳукумати қуролли куч билан муҳожирларни тугатишга киришди ва Иброҳимбекка қарши кураш бошлади. Ярим йиллик тўқнашувлар

натажасида, афғон қўшинларининг зарбалари остида Иброҳимбек ўз отряди билан чегара атрофига келиб ўрнашди...»

Иброҳимбек 1931 йил март ойининг охирида Панж дарёси атрофида кичик кўрбошилар дасталарини СССР чегарасидан ўтишини уюштиради. Иброҳимбекнинг ўзи 1500 кишилик сараланган қўшин ва 8 нафар кўрбошиси билан 1931 йил 30 мартда (айрим манбаларда апрелда) чегарадан ўтиб, Ватан тупроғига қадам қўйди. Ўша даврга оид Ўрта Осиё чегара қўшинлари ОГПУ бошқармаси маълумотларида айтилишича, «Иброҳимбек СССР ҳудудига кирар экан, унинг аниқ сиёсий режаси бор эди...». Дарҳақиқат, Иброҳимбек ўз олдига асосий мақсад қилиб мустабид совет режими ва қизил армияга қарши қурашни қўйган эди.

Иброҳимбек тарафдорлари юртда ҳам қўплаб топилди. Унинг қўшини сафига юзлаб ватанпарварлар келиб қўшилди. Ўрта Осиё ҳарбий округи (САВО) штаби ҳисоб-китобларига қараганда, Тожикистоннинг Кофирниҳон ва Вахш дарёлари оралиғида 1965 киши ва 16 даста ҳаракат қилган. САВО кўмондони ўринбосари И.К.Грязнов бошчилигидаги 1618 пиёда аскар, 1823 отлик жангчи, 164 та қўл ва 78 та станокли пулемётлар, 12 тадан артиллерия, тўплар ҳамда самолётлар ёрдамида. Иброҳимбек йигитларига қарши 10 апрелда ҳужумга ўтшади. Совет жангчиларига ОГПУ қўшинлари ёрдамга келишди.

Иброҳимбек қўшини билан совет қисмлари ўртасида 3 апрелдан то 18 апрелгача каттиқ жанглар бўлди. У омонсиз олишувлар билан Вахш дарёсининг ўнг қирғоғига чекинди, 10 майгача 974 йигитидан ажралди. Иброҳимбекка қарши 4000 аскар жўнатилди. 1931 йил 12 июнда Оқбош тоғда сўнгги ва шиддатли муҳораба бўлди. Бу ҳаёт-мамот қурашида Иброҳимбек яраланди ва жангни бой берди. У Кофирниҳон дарёси бўйлаб, яна Боботокқа чекинди.

Жанг ҳаракатлари тасвирланган архив ҳужжатларида келтирилишича, 1931 йил 20 март - 29 июнда 77 кўрбоши қўлга олинди ва таслим бўлди. Бу найтда 1550 истиқлолчи ўлдирилди, 1750 киши таслим бўлди. 1931 йил 23 июнда ОГПУ қўшинлари 10-отлиқлар полки 2-дивизиони жангчилари ва совет чекисхлари томонидан Иброҳимбек ярадор ҳолатда қўлга олинди.

Иброҳимбек зудлик билан аввал Сталинобод (ҳозирги Душанбе), сўнгра эса Тошкентга олиб келинди. Чекистлар томонидан ўтказилган тергов ва даҳшатли қийноқлар ҳам Иброҳимбекнинг маънавий иродасини бука олмади. 1932 йил март ойида бўлган суд жараёнида у манфур совет режимида қарши узоқ давр мобайнида мардонавор қураш олиб борганлигини мағрурлик билан таъкидлайди, Истиқлолчиларнинг сўнгги йирик

йўлбошчиси Иброҳимбек Чақабой ўғли ҳарбий трибунал ҳукми билан 1932 йил 31 августда қатл қилинди.

«Иброҳимбек билан бирга «Бутун ислом қўшинларининг Олий бош қўмондони» деган унвон ҳам дафн этилди, шунингдек, мужоҳидларнинг қаҳрамонона даври ҳам тугади», - деб ёзган эди англиялик тадқиқотчи Гленда Фрээр.

Шундай қилиб, Шарқий Бухорода айрим танаффуслар билан 11 йил давомида мустабид совет режими ва босқинчи қизил армияга қарши фидокорона курашган истиқлолчиларнинг бош етакчиси Иброҳимбек кўрбошининг қисмати фожеали тугади.

Бухородаги истиқлолчиларнинг энг машҳур йўлбошчиси бу шубҳасиз туркиялик ҳарбий саркарда, сиёсий арбоб **Анвар Пошо** ҳисобланади.

Анвар Пошо нафақат Туркия ёхуд Туркистонда, балки бутун мусулмонлар оламида кўзга кўринган фидойи инсонлардан бири эди. XX аср бошларида мусулмон дунёсида ҳеч кимнинг шуҳрати унингдек кўп тарқалмаган бўлса керак. Анвар Пошо Туркия, Македония, Кавказ, Германия, Россия, Туркистон ва Бухородаги сиёсий жараёнларда фаол қатнашди.

Анвар Пошо 1881 йилда Истанбулда кичик хизматчи Аҳмадбей оиласида тўнғич фарзанд сифатида туғилди. Анвар Пошо 1903 йилда Истанбулдаги ҳарбий академияни тугатди. Академия уни Усмонлилар салтанатига қарашли Македонияда турган 3-армияга хизматга юборди. Анвар Пошонинг келиб чиқиши аслида македониялик бўлиб, унинг болалиги бу ерда ўтган эди.

Анвар Пошо Туркиядаги Усмонлилар султони Абдулҳамид II (1842—1918 султон ва халифалик даври: 1876—1909)нинг мустабид зулмига чек қўйган ёш турклар ҳаракатининг раҳбарларидан бири эди. «Иттиҳод ва тараққий» партияси султонликка қарашли Македонияда 1908 йил 23 июлда ҳокимиятни қўлга олгач, бу воқеалар марказида турган Анвар Пошо халқ қаҳрамонига айланиб қолди. Ўша йили ҳали 27 ёшга ҳам тўлмаган Анварга генерал ҳарбий унвони – Пошо берилди. Анвар Пошонинг обрў ва нуфузи, унинг таъсири тез орада ниҳоятда кучайиб кетди. Анвар Пошони Берлиндаги Туркия ҳарбий атташеси қилиб тайинлашди. У немис тили ва ҳарбий санъатини кунт билан ўрганди. Иккинчи Болқон уруши (1913 йил июн – август) даврида Анвар Пошо қўшинлари болгарларга кучли зарбалар беради. Биринчи урушда Туркиядан тортиб олинган Эдирна шаҳри болгарлар босқинидан озод қилинди. 1914 йил июнда Эдирнага борган Маҳмудхўжа Бехбудий (1875—1919) Анвар Пошонинг ҳарбий жасоратларини. «Ойна»журналида ўша пайтда чоп қилдирган «Саёҳат хотиралари»да самимият билан қуйидагича тасвирлайди: «...Анварбек тўрт кунлик йўлни бир кунда юриб келиб, Адрнани (Эдирнани) босиб, булғорлардан қайтиб олди. Булғорлар мунини билиб, Адрнанинг обод еру

хонау аскархонау анборлариға ўт кўюб эканларким, бу ўтларни ҳам вақтида турк аскарлари етиб, сўндуруб, булғорлардан бениҳоят озуқа, асбоб, милтиқ ва кўп адад тўпларни ўлжа олибдурлар... Хулоса Адирнанинг қайтиб олинганлигининг шарафи Ёш туркларга ва Анвар Пошо насиб бўлди.⁹⁵

Ўз навбатида Анвар Пошо Туркистондан таҳсил олиш учун Туркияга борган талабаларга хайрихоҳлик билан қаради. Баъзи манбаларда келтирилишича, у Бухородан бу диёрга борган Усмон Хўжани олий даражада қабул қилган эди. Анвар Пошо 1913 йида Туркиянинг ҳарбий вазири, Биринчи жаҳон уруши бошлангач эса бутун Усмонли турк армиясининг Олий бош қумондони қилиб тайинланди.

Мавжуд бўлган архив ҳужжатлари ва замондошларининг хотиралари асосида Анвар Пошонинг совет Россияси ва Бухородаги фаолияти ҳақида бир қатор маълумотлар келтирилади.

«Анвар Москвада хотиржам яшар ва ҳурмат-эътиборга сазовор эди», деб таъкидланади ўша давр ҳужжатларининг бирида. Советлар билан ҳамкорликнинг дастлабки даврида Анвар Пошо большевиклар йўлбошчиси Лениннинг фикрларини тўғри деб ўйлади, у ҳатто Шарқ халқларининг коммунизм байроғи остида Туркиянинг азалий душмани Англия империализмига қарши курашга чақирди. Албатга, бу курашга даъват Ленин ва унинг сафдошлари томонидан Анвар Пошонинг онгига сингдирилган эди. Бирок жангу жадаллар ва турли саргузаштларга ўч, маълум маънода таваккалчи бўлган Анвар Пошо Москвада хотиржам яшашни истамади, у 1921 йил июлда Москвадан Ботумига келди. Шу кунларда Мустафо Камол инглизлар билан ҳаёт-мамот жангига киришган эди

1921 йил 16 мартда Москвада совет Россияси билан Туркия ўртасида дўстлик ва биродарлик ҳақида, 13 октябрда Туркия билан бошқа совет республикалари ўртасида шартномалар тузилган эди. Бу шартномалар натижасида икки янги давлат - Россия билан Туркия ўзаро муносабатлар-ни яхшилаб олишди. Мустафо Камол ҳукумати Россиядан Анвар Пошони Туркияга қайтаришни ёки уни чегарадош Кавказ худудидан чиқариб юборишни қатъий талаб қилди. Шунинг учун ҳам РСФСР ҳукумати Анатолиядаги миллий турк ҳарбий кучларига қарши ҳеч қандай ҳаракат қилмасликни Кавказда турган Анвар Пошого тайинлади ва «унга Анатолия Ботуми ерларидан зудлик билан чиқиб кетишни буторди. Анвар Пошо ушбу буйруқни олгач, Туркистонга жўнади ва Бухорога етиб келди «Улар Анвар Пошони ўртадан четлаштириш учун Ўрта Осиёга юборган бўлишлари ҳам мумкин»,⁹⁶ деб ёзганида турк тарихчиси Нермин Менеменси ўғли эҳтимол ҳақдир.

⁹⁵ Маҳмудхўжа Бехбудий Танланган асарлар. Т.: «Маънавият», 1999 йил, 77-бет.

⁹⁶ Нермин Менеменси ўғли. Анвар Пошо Туркистонда. «Саодат», 1992 йил, №9, 6 – бет.

Анвар Пошо 1921 йил октябрда Бухоро шахрига келганда унинг олдида икки йўлдан бири турар эди: Бухородаги истиқлолчилар қаторига ўтиб, бу ҳаракатни бошқариш, яъни совет режимига ошкора қарши чиқиш ёки Афғонистонга яширин равишда ўтиб кетиш. Тўғри, учинчи йўл – Москвага қайтиб кетиш имконияти ҳам йўқ эмас эди. Анвар Пошо бу муқаддас шаҳарда Бухоро ҳукуматининг бошлиғи Файзулла Хўжаев ва бошқа давлат арбоблари билан бир неча марта учрашди.

Туркистондаги сиёсий жараённинг фаол қатнашчиларидан бири, асли бошқирдистонлик Аҳмад Закий Валидий Тўғон ўзининг «Хотиралар» китобида Анвар Пошо билан Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган учрашувларни батафсил тасвирлайди.⁹⁷

Анвар Пошо бўлиб ўтган ана шундай учрашувлардан кейин қатъий бир қарорга келди. У Бухорога бориб, истиқлолчилар сафига қўшилмоқчи эканини ўзининг дўстлари ва сафдошларига маълум қилди.

Анвар Пошо Бухоро шаҳри билан мануга хайрлашган кун – 1921 йил 8 ноябр бўлди. «Шу куни аввало, амирнинг шаҳар ташқарисидаги саройи яқинидаги милиция биносига бордик, - дейди Пошо. Бир рус милтиғи ва юзта ўқ олдим. Йўлга тушдик. Ниҳоят, чўлга чиқиб, асл йўлга етишдик». Анвар Пошо учун бу йўл роҳатсизлик, азоб ва руҳий қийноқлар йўли эди. Унинг учун бу кунлар бағоят зиддиятли, ўйловли, кўнгилни гоҳо тушқунлик куюни қуршаб олган армонли кунлар эди. Бухорога у жуда улуғ ният, юксак орзу-умидлар билан кириб келганди. Қондош ва диндош қардошларини бир байроқ остида бирлаштириш, уларга бош бўлиб, шон ва зафарлар қучиш, бу табаррук заминни келгинди босқинчилар қўлидан халос этиб, асрий эркинлигини қайта тиклаш истаги уни Бухорои шарифга чорлаганди. Бухорони Пошо кўрди: бузилган, қарийб бир вайронага айлантарилган шаҳар жуда маҳзун ва чалажон бир аҳволда эди...⁹⁸

Анвар Пошо Бухородан жўнаб кетар экан, Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатига қўшилишини Аҳмад Закий Валидийга очик тарзда айтди ва унинг айрим маслаҳатларини қабул қилди, Валидийнинг эътирофича, «унинг бу мамлакатнинг Россия қулигидан қутқаришга жонини фидо қилишга қарори қатъийлиги кўриниб турарди»

«Анвар Пошо Бухорода қолиб ишларимиз билан шуғулланганда эди,- дейди ўша даврда Бухоро Марказий Ижроия Қўмитаси раиси Усмон Хўжа, бутун Туркистон миллий қувватларини ислоҳ қилиб ва янгидан оёқлантириб, ҳақиқий бир армияни яратган бўлурди. Чунки ўша кунларда у ердаги турклар орасида Анвар Пошо даражасида лаёқатли, тажрибали ва шуҳратли бир кўмондон, ҳатто Афғонистон, Ироқ, хуллас, бутун ислом оламида ҳам йўқ эди. Масалан, 1921 йил декабр ойида руслар билан орамиз

⁹⁷ Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлинганди бўри ер. Т.: “Адолат”, 1997 йил, 91 – бет.

⁹⁸ Иброҳим Ҳаққул. “Қутилиш юлдузи” йўқликка кирмас. “Бухоро ҳақиқати”, 1995 йил, 27 – декабр.

бузилганда «Ох, ҳозир Анвар Пошо бўлсайди...», дейроқ, уни ҳасратла эслагандик. У замон Анвар ёнимизда бўлсайди, бизга улугъ маънавий бир қувват бўлиб қолмасдан, биз уни дарҳол бош кўмондон этиб сайлардик».

Ҳақиқатан ҳам Анвар Пошо ўша даврдаги мураккаб бир тарихий шароитда Туркистон аскарӣ ишлари учун бағоят зарур шахс эди. Аммо унинг Бухорога келиши юқорида таъкидланганидек фақат совет маъмурлари ва муаррихлари томонидан эмас, балки бошқа ғанимлари томонидан ҳам нотўғри талқин этилиб, бу борада жуда кўп тухмат ва ёлғонлар тўқилгандир. У Балжувондан туриб, рафиқаси Нажиба бегимга ёзган сўнгги мактубида шу тўғрида ҳам тўхталган: «Сен билурсанки, маним ҳақимда тухмат-ташвиқотлар тарқатиб юрган бадбахт кимсаларнинг иддао этганларидек, мен бу олис диёрларда (яъни, Бухорода) мол-дунё ахтариб, бой бўлмоқ ёки ўз ҳокимиятимни қурмоқ учун келганим йўқ. Мени сендан узоқлаштириб бу жойларга келтирган Жаноби ҳақнинг зиммамга юклагани муқаддас бир вазифасидир».⁹⁹

Унинг рафиқасига йўллаган мазкур охириги хати Анвар Пошо маънавий дунёси қанчалик бутун буюк шахс эканлигидан, унинг иймони бақувватлигидан далолат берувчи бир ҳужжат ҳамдир.

Хорижлик тадқиқотчи Гленда Фрэзернинг ёзишича, Бухорода большевикларга қарши курашнинг ҳаракатлантирувчи кучи «либерал жади́длар, консерватив мусулмон етакчилари ва тоғлик қабилалар мустақил доҳийларининг машаққатли иттифоқи бўлиб, уларни Анвар Пошонинг фусункор исми бирлаштирган эди».

Ғарблик бошқа бир тадқиқотчи Марта Олкоттнинг таъкидлашича, «Анвар Пошонинг оҳанрабони эслатувчи шахси ва унинг даъвати Туркистон халқи ўртасида катта акс-садо уйғотди ва улар томонидан қўллаб-қувватланди».

Анвар Пошо истиқлолчиларнинг жанговар кучини оширди. У Шарқий Бухорода бирлашган лашкар бунёд этди ва уни турк зобитлари билан мустаҳкамлади, ғарбча кўмондонлик услубини жорий қилди. Бутун Туркистон худудида совет режими ва қизил армияга қарши курашаётган ватанпарвар кучларнинг ҳаракатлари ягона марказга мувофиқлаштирилди. Анвар Пошо кўрсатмаси билан Бухоро, Фарғона, Хоразм кўрбошиларининг учрашувлари мунтазам равишда ўтказиб турилди ва уларга керакли йўл-йўриқлар берилди. Шунинг учун ҳам туркиялик тадқиқотчи Али Бодомчининг қуйидаги сўзлари ўша даврнинг яхлит манзарасини тўғри намоён қилади: «Анвар Пошонинг Бухорода Туркистон тупроғига қадам қўйиши, Туркистоннинг ҳар, томонида бўлганидек, Фарғонада ҳам кўрбошилар ва халқ орасида қизгин меҳр билан қаршиланди, истиқлол умидини буюк мақсад ҳаракатига айлантирди».

⁹⁹ Қаранг: Анвар Пошонинг сўнгги мактуби. “Ўзбегим”, Т.: 1992 йил, 71 – бет.

Анвар Пошо Шарқий Бухорога келгач, Фарғонада бўлган турк зобитларидан Исмоил Ҳаққибейни ёнига чакиради. Унгача Пошонинг Бухорога келганлигини Афғонистон почта ходимлари орқали эшитган Фарғона кўрбошиларининг бош қўмондони Шермуҳаммадбек Исмоил Ҳаққибей билан биргаликда Анвар Пошого ўз эҳтироми ва боғлиқлигини билдирмоқ учун Музаффархон мингбоши раҳбарлигида бир хайъатни Бухорога юборади. Анвар Пошо ундан Фарғона миллий мужодаласи ҳақида барча маълумотларни олгач, уни Кўлоб кўрбошиси Давлатмандбек ҳузурига жўнатди.

Анвар Пошонинг 1922 йил февралда Шермуҳадммадбекка юборган махсус мактубида шундай сўзлар битилган эди:

«Мухтарам фидокор мужоҳид орқадошлар! Жаноби Оллоҳнинг ёрдами билан дину имон душмани бўлмиш большевикларни Душанбе, Шўрчи, Сариосиё, Денов ва Қабодиёндан қувиб чиқардик... Большевик қўшинларининг катта қисми Бойсун гарнизонида ўрнашиб олган, Бунга қарши Дарвоз, Боботоғ, Денов, Қоратоғ аскарларидан таркиб топган қўшинларимиз Бойсунни муҳофаза этишга тайёрланмоқдалар. Бойсунда муҳораба давом этаётир. Иншоллох, яқин орада бу туманни ҳам озод этажамиз...»

Хоразм кўрбошиларининг етакчиси Жўнаидхон билан Анвар Пошо ўртасида ҳам ўзаро алоқалар мавжуд бўлган.

Шуни таъкидлаш лозимки, Анвар Пошо давридагина Афғонистондан бухоролик истиклолчилар учун курол-яроғ, ҳатто афғон сарбозларидан иборат гуруҳлар жўнатилди. Бухоро амири Саййид Олимхон ва афғон амири Омонуллахон Анвар Пошо орқали Туркистондаги истиклолчи дасталар билан доимий алоқани йўлга қўйиб турдилар.

Туркистонлик ватандошимиз Шаҳобиддин Яссавийнинг ёзишича, Анвар Пошо муқаддас курашга кирар экан, қуйидаги шиорларни майдонга ташлайди: «Туркистон–турк миллатининг юртидир! Ёвларимиз Туркистондан даф бўлсун! Туркистон халқининг ғайрати ва бирлиги эгилмасун!...»¹⁰⁰

Бухоро телеграф агентлиги томонидан 1922 йил 16 августда чиқарилган шошилинич хабарномада қуйидагиларни ўқиймиз: «Балжувон ва Ховалинг атрофларида Анварнинг... ўлими... Босмачиларнинг йўлбошчиси Анвар Пошо қўл жангида бешта ҳалокатли жароҳат олиб, ўлдирилди».¹⁰¹

Шундай қилиб, Анвар Пошо 1922 йил 4 август жума куни, Қурбон Хайити байрамининг иккинчи кунида Балжувон яқинида қизил аскарлар билан бўлган жангда ўлдирилади. Анвар Пошонинг ўлими ҳақидаги хабар бугун Туркистон ўлкасига яшин

¹⁰⁰ Шаҳобиддин Яссавий Исмоилшайх ўғли. Туркистоннинг ачиқ ҳақиқатлари. (эски ўзбек тилида, араб имлосида), Истанбул, 1984 йил, 110 – 111 бетлар.

¹⁰¹ Қаранг: Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. Т.: “Маънавият”, 2002 йил, 50 – бет.

тезлигида тарқалди ва уни дафн этиш маросимида, айтишларича, қачонлардир Анвар Пошо билан бирга туриб курашган 25 минг кишидан ҳам кўп халқ тўпланди. Бухоро амирининг ёзишича, «унинг жасади Чакан мавзеида Ҳазрати Султон деган ном билан машҳур бўлган зиёратгоҳ жойга дафн этилди». Аҳмад Закий Валидий Тўғоннинг сўзига қараганда, «ҳамма жойга тарқалган мотам қўшиқлари» ёзилди.

Худди ана шундай мотам марсияларининг энг машҳури Туркистоннинг буюк эркесвар шоири Чўлпон қаламига мансуб «Балжувон» марсиясидир. Бу марсия 1922 йил август ойида битилган. Ўзбек шеърят тарихида мазмун моҳияти, маслак муросасизлиги жиҳатидан «Балжувон»га ўхшаш ёки яқин келадиган иккинчи бир шеър ёзилмагандир. Бор-йўғи йигирма олти мисрали шеър бағрига яширинган қайғули тарихий маъно, очик фарёд ва тольесизлик аламини ўнлаб дostonлар таркибига ҳам сингдириб бўлмайди. Бу шеър «Анвар Пошонинг жасур сиймосини гавдалантирувчи сўздан яралган шеърый бир ҳайкал» (Иброҳим Ҳаққул) десак асло муболаға бўлмайди.

Чўлпон Анвар Пошонинг шаҳид бўлганлигини назарда тутиб, «қонлар йиғлатди-ку бизни бу хабар», дейди ва Балжувонда тўкилган қонларни «тарихнинг рангини» ўзгартирган қон дея ҳукм чиқаради.

Анвар Пошонинг ўлими ҳақида бугун янги мулоҳазалар ва илмий фактлар ҳам пайдо бўлмоқда. Қуйида уларнинг баъзиларини таҳлил этамиз

Франциянинг пойтахти Парижда 1929-1939 йилларда Туркистон озодлиги учун курашган қозоқ миллати вакили Мустафо Чўқай (1890-1941 йиллар) муҳаррирлигида «Ёш Туркистон» мажмуаси чоп этилиб, мазкур журналнинг 1930 йил декабридаги 13-сониди «Сотувчи сифатида босмачилар ичинда» номли салмоқли мақола босилган. Аслида бу мақола совет чекисти Ғ.Оғабеков (Артюнов) хотиралари асосида «Туркистонда» рубрикаси остида эълон қилинганди. Мақола матни билан танишар эканмиз, Самарқанд ва Бухоро мужоҳидларини ягона туғ остида бирлаштирган, Фарғона қўрбошилари ҳамда Жўнаидхон билан алоқа ўрнатган, 1922 йилнинг бошларида Шарқий Бухорони бутунлай қизил армия қисмларидан тозалаган, Ғарбий Бухорога ҳам кириб келган Анвар пошони шахсан йўқотиш режаси ишлаб чиқилганлигига гувоҳ бўламиз. Анвар пошо 1922 йилнинг баҳорида қизил армия қисмларидан мағлубиятга учраганидан сўнг ҳозирги жанубий Ўзбекистон ҳудудидан паноҳ топган ва янгида қўшин тўплаш ҳаракатида бўлган. Унинг ушбу хатти-ҳаракатидан хабардор бўлган большевиклар Анвар пошони қўлга тушириш чораларини кўришган. Шу мақсадда совет чекисти, ОГПУ ходими Оғабеков савдогар сифатида Расулов фамилияси билан уни қидириб йўлга чиқади. «Анварни қўлга тушириш керак эди... Маним майда-чуйда сотувчи аттор сифатида босмачиларни ичига кетишимга тўғри келди. Таъминот ва пулни олғондан сўнг ҳарбий идора ишчиларидан

Осипов ила йўлга чикдик... Маним савдогар Расулов исмига берилгон паспортим бор эди. Осипов эса ўз исмила юрди. Бухорода баъзи майда-чуйда молларни сотиб олгондан сўнг Қарши шаҳрига томон жўнадик. У ердан бошлаб темир йўллар бузиб бошлангонидан биз икки эшак олиб Ғузорға ҳаракат этдик. 5 кун йўл юрдик. Бўш ётган саҳрода унда-бунда қаққайиб турган чойхоналарни ва ора-сира жабҳадан қайтиб келмакда бўлгон аскарларни учратдик. Бир замон гуллаган Бухоро мамлакати бир харобазорға айлангон эди. Аҳолининг бир қисми босмачиларға қўшилиб кетгон. Бир қисмида Афғонистонға қочиб кетгон эди»-деб ёзади Оғабеков.⁵ Юқоридаги парчадан кўриниб турибдики, совет айғокчилари Анвар пошо жойлашган қароргоҳни излаб топиш учун савдогар қиёфасига киришган ва айна пайтда атрофдаги воқеаларни сергаклик билан кузатган ҳолда ҳаракат қилишган. Улар Ғузордаги чойхоналарнинг бирида тўхтаб, бу ердаги ҳукумат раҳбарларидан Деновда савдо-сотик қилишга ваколат берувчи тавсиянома хатини олишади. Ғузордан Деновга йўлга чиққан айғокчилар маҳаллий кишилардан бири Абдулрахмон исмли кимсани ўзларига ёрдам бериш учун ёллашади. Абдулрахмонга йўлдаёқ сафарларидан мақсад савдо-сотик қилиш эмас, балки Анвар пошони қўлга олиш эканлигини тушунтириб уни ўз томонларига оғдириб олишган. Оғабековнинг хотираларидан шу аён бўладики, маҳаллий аҳоли Анвар пошо сингари истиқлол курашчилари томонида бўлиб, кўпчилик «босмачилар»ни ҳимоя қилган, улар ҳақида қизилларга маълумот бермаган.

Деновга етиб келган Оғабеков ва Осиповлар 2 кун ичида Абдулрахмон ёрдамида Анвар пошо яшаётган қишлоқ ва унинг қароргоҳини аниқлайдилар. Савдогар қиёфасида Анвар пошо жойлашган қишлоққа борган айғокчилар чойхоналарда тунаб, бу ердаги аҳвол ва «босмачилар» ҳақида маълумот тўплашади. Ҳатто улар «босмачилар»нинг «ўз одами»га айланишган.

«Анвар пошо ўз яқини бўлган турк зобитила айрим алоҳида уйда ўтирар ва ора-сира қишлоқ атрофиға кезишға чиқар экан. У ҳар доим турк қалпоғи (кубанкаси) ўрниға салла кияр экан. Анвар бу ерда ўзини жуда тинч ва роҳатда ҳис этар экан... Тез бир иш қилиш керак эди. Осипов билан Абдулрахмонни мол келтириш баҳонасила, Анвар ҳақида тўпланган маълумотларни тегишли ўринға етказмак учун Деновға юбордим»-дейилади мақолада.

Деновга Абдулрахмон ва Осипов Анвар пошонинг ҳарбий аҳволи, жойлашган қароргоҳи, мазкур қишлоққа борадиган йўллар, йигитларининг сони тўғрисида тўла маълумотлар билан келишган. Большевиклар Анвар пошони қопқонга тушириш учун Деновда қизил аскарларнинг битта отлиқ дивизиясини тўплайди. Оғабеков 5 кун давомида

⁵ «Ёш Туркистон», 13-сон, 1930 йил, декабрь, 31-32 бетлар.

«босмачилар» қароргоҳида бўлиб, Анвар пошонинг ҳар бир ҳатти-ҳаракатидан огоҳ бўлиб турган. Бу орада Абдулрахмон ва Осиповлар Деновдан савдо-сотик қилиш учун номигагина моллар олиб келишади. Қизил армиячилар дивизияси тўсатдан улар изидан пайдо бўлиб, Анвар пошо яшайдиган қишлоқни ўраб олишади. Битта отлиқ полк эса айғокчилар маълумотида кўрсатилган ва Анвар пошо чиқиб кетадиган йўлда пистирмада турган.

Истиклолчилар устига қизил армиячилар тўсатдан ҳужум қиладилар. Анвар пошо 30 тача сафдошлари билан қуршовни ёриб қишлоқдан чиқиб кетишга ҳаракат қилган. Лекин пистирмага қўйилган полк билан юзма-юз келиб қолган Анвар пошо жон-жаҳди билан жангга киришган. У душман кўлига тирик асир тушишни истамаган. Қизиллар томонидан ўраб олинган озодлик курашчиларининг барчалари шаҳид бўлганлар. Оғабеконинг ёзишича, қизил армиячиларнинг кўпчилиги Анвар пошо билан тўқнаш келганларини тасаввур ҳам қилишмаган. Ҳатто бу ҳарбий режа аскарлардан ҳам сир сақланганди. Анвар пошонинг ўлими билан боғлиқ ҳолат ҳақида хотирлар экан Оғабекон: «Қилич зарбаси билан Анвар пошонинг боши ва елкасининг бир қисми кесилиб туширилган экан. Бу боши кесилган қўмондон жасади ёнида бир «Қуръон» турган эҳтимол. Анвар пошо ҳужум этаркан «Қуръон» ушлар эди. «Қуръон» Тошкент ГПУсига юборилиб, «Анвар пошо иши»га қўйилди»-деб қайд қилади.

Ушбу машъум воқеа 1922 йилнинг 4 августида Шарқий Бухоронинг Балжувон атрофидаги Обидара қишлоғида бўлган жангда рўй берганди. Совет махфий айғокчилик идорасининг қора хизмати туфайли Анвар пошо айна йигитлик куч-қуввати қайнаб турган 41 ёшида юракдаги орзулари ушалмай ҳаёт билан видолашди. Унинг ўлиmidан сўнг саркардасиз қолган мужоҳидлар Туркистон ўлкаси бўйлаб тарқалиб кетдилар ёки юзлаб кишилар Афғонистонга муҳожирликка кетишга мажбур бўлдилар.⁶

Шундай қилиб, Анвар Пошо туркий халқлар озодлиги учун ўз жонини фидо қилди ва номи Туркистон тарихида абадий қолди.

Ғарбий Бухоро (Бухоро, Кармана ва Нурота вилоятлари)даги истиклолчиларнинг сардори бўлган **МУЛЛА АБДУЛҚАҲҲОР** (1884-1924) ҳам кўзга кўринган йирик кўрбоши бўлган. Бухоронинг сўнгги амири Саййид Олимхон ўз хотираларида Мулла Абдулқаҳҳор фаолиятига махсус тўхталиб, унинг қилган ишларини алоҳида бобда ёритган.

Мулла Абдулқаҳҳор (1884-1924) Бухоро амирлиги Ғиждувон туманидаги Саидкент қишлоғида(ҳозирги Соктаре қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида) ўрта мулкдор Халил

⁶ Маълумот учун қаранг: Ҳайитов Ш., Раҳмонов К. Анвар пошо: унинг қотили ким бўлган?// Интернет маълумоти. Ziyonet.uz

бойвачча оиласида туғилган. Маълумки, Саидкентдан атиги 2-3 чақирим узоқликдаги Соктаре қишлоғида 1878 йили машҳур ёзувчи Садриддин Айний(1878-1954) ҳам таваллуд топган эди. Мулла Абдулқаҳҳор Бухородаги машҳур Мир Араб мадрасасида таҳсил олган. Бу мадрасада ўз даврида маълум муддат (1890-1891 йилларда) Садриддин Айний ҳам ўқиган эди.Хуллас, Мулла Абдулқаҳҳор билан Садриддин Айний ҳам юртдош,ҳам тенгдош сифатида (Айний бобо Мулла Абдулқаҳҳордан 6 ёш катта бўлган) ёшлик пайтидан бир-бирларини яхши билишган.Бироқ тақдирнинг аччиқ ўйинини қарангки,бир қишлоқнинг фарзанди бўлган бу икки зот XX аср бошларидан бошлаб Бухородаги сиёсий жараёнларнинг икки қутбида туриб, бир-бирларига қарши муросасиз курашганлар.

Мулла Абдулқаҳҳор ёшлигиданок ўқимишли ва билимдон бўлганлиги учун чор атрофга уни ”мулла” деб номи кетган. Хуллас, мулла Абдулқаҳҳор бухороликлар ўртасида йирик уламо сифатида ном қозонган бўлиб, у ўзининг одиллиги ва мардлиги, жасурлиги билан машҳур эди. Бухоро амири Саид Олимхон (1881-1944) шунинг учун ҳам “Бухоро халқининг ҳасрати тарихи” (1927) деб номланган ўз хотираларида Мулла Абдулқаҳҳор фаолиятига махсус тўхталиб,унинг қилган ишларини алоҳида бобда ёритган. Мулла Абдулқаҳҳор тасаввуф ғоялари билан ҳам яхши таниш бўлган.

Тарихдан маълумки, 1920 йил 2 сентябрда қизил аскарлар Бухоро шаҳрини босиб олиб амирлик тузумини ағдариб ташлашган. Тарихий тадқиқотларда совет Россиясидан юборилган қизил армиянинг Бухоро босқини батафсил ёритилган. Шунинг учун масаланинг бу жиҳатига биз тўхталиб ўтирмасдан, Мулла Абдулқаҳҳорнинг Бухоро ва Кармана вилоятларида қизил армияга қарши курашни уюштириш ва ташкил қилишдаги хизматини кўрсатиб ўтмоқчимиз.

Хуллас, Бухоро босқинидан сўнг 1920 йил кузида Мулла Абдулқаҳҳор Ғарбий Бухородаги 15000 аскарга Саим Олимхоннинг фармони билан Олий бош қўмондон қилиб тайинланган. Унинг раҳбарлигида Бухоро, Кармана, Нуротодаги 20 дан ортиқ кўрбошилар гуруҳлари ўзаро бирлаштирилган.

1921 йилда Мулла Абдулқаҳҳор Ғиждувон, Шофиркон, Вобкент, Ромитонда ўз ҳокимиятини ўрнатгач, Нурота ва Кармана вилоятлари устига юриш қилган. У ўз қароргоҳини Нуротада жойлаштиргач, бу ердан атроф туманларга вакилларини жўнатиб, аҳолини қизил аскарларга қарши курашга кўтарди. Мулла Абдулқаҳҳор ўз йигитлари билан 1922 йил март ойида БХСРнинг пойтахти Бухорога юриш қилиб, унинг бир қисмини эгаллади, Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳини қизил аскарлардан озод қилди. Бироқ Туркистон fronti жангчилари, Закаспийдан етиб келган С.М. Будённийнинг отлик армияси ва қизил аскарларнинг бошқа кучлари Мулла Абдулқаҳҳор қўшининг Бухородан сиқиб чиқарди. Бу мағлубиятдан сўнг у 1923-1924 йилларда ўз ҳаракатларини

Кармана ва Нурота вилоятларида яна фаоллаштирди. 1924 йил март ойида Мулла Абдулқаҳҳор ва Саид Аъзам Хўжа имзолари билан “Бухоро, Туркистон ва Кавказнинг барча мусулмонларига” мурожаотнома чиқарилган ҳамда улар совет режими ва қизил армияга қарши миллий озодлик курашига даъват этилган. Мулла Абдулқаҳҳор 1924 йил 21 июнда қизил аскарлар билан бўлган тўқнашувлардан бирида оғир ярадор бўлган ва мағлубиятга учраган. 1924 йил охирида Қизилқум саҳросида бўлган жангларнинг бирида у мардларча ҳалок бўлган.

Хуллас, Мулла Абдулқаҳҳор худди кубравия тариқатининг асосчиси Нажмиддин Кубро сингари ўз юртини душмандан ҳимоя қилишда жонбозлик кўрсатиб, ҳалок бўлди. Унинг дафн маросимида Ғарбий Бухоронинг турли жойларидан келган минглаб кишилар катнашдилар.

Бухоро чўпонларининг айтишларича, Мулла Абдулқаҳҳор валийуллоҳ зот бўлганлар.⁷ Мулла Абдулқаҳҳор жангда душман устига тиккасига бостириб борса ҳам ғаним ўқи ва қиличи унга таъсир этмаган. XX аср 70- йилларида ул зотнинг қабрлари очилганда, жасадлари чиримасдан сақланган экан. Ҳазрати Али (пайғамбаримизнинг жияни ва куёви) ва шоир Фурқатнинг қабрлари XV аср ва XX аср ўрталарида очилганда ҳам худди шундай ҳолат кузатилганлиги муаррихлар томонида қайд қилинади.

ҲАМРО ПОЛВОН (1892-1941) Ҳамро Шодиев 1892 йида Бухоро амирлиги Ромитан туманидаги Работалак қишлоғида ҳунарманд оиласида туғилган. Болалигида отасидан ажрагач, унинг тарбияси билан амакиси шуғулланди. У ёшлигидан бошлаб полвон сифатида ном чиқарган. Бугунги кунда ўзбекча кураш тарзида дунёга танилаётган бухороча курашнинг моҳир устаси ҳисобланган Ҳамро Полвон кураш тушганда қўллаган усуллар ҳозиргача Бухоро полвонлари ўртасида нақл қилинади, давраларда унинг маҳорати ёдга олинади. Ҳамро Полвон 1911 йили Бухорода ўтказилган Гулисурх сайли Наврўз байрамида барча рақиблари кўрагини ерга текказиб, Бухоро амирлигининг бош полвони деб топилади. У кейинчалик юз боши унвонига сазовор бўлиб, амир Саййид Олимхон саройида хизмат қилади.

Ҳамро Полвон Бухорога қизил армия бостириб кирган илк кунлардан бошлаб босқинчиларга қарши истиқлол курашига қўшилади. Ўз атрофига Ромитан туманидан чиққан жўмард йигитларни тўплаб, босқинчиларга қарши ҳаёт-мамот жангларини олиб боради. 1920-1922 йилларда Ҳамро Полвон дастаси Ромитан ва Жондор туманларида ҳамда Бухоро шаҳри атрофларида ҳаракат қилган. Ҳамро Полвоннинг кейинги фаолияти Шофиркон тумани ва Жилвон билан чамбарчас боғлиқдир. 1922-1923 йилларда у Ҳайит

⁷ Қаранг: Ражабов Қ. Ориф Деггаронийнинг XX асрдаги издошлари //Ориф Деггароний Марказий Осиё тасаввуф таълимотининг буюк намояндаси. Навоий - 2007, 47-бет.

Амин кўрбошининг гуруҳида йигит сифатида жанг қилган, Ҳайит Аминнинг ўлимидан сўнг ўзи кичик бир даста тузиб, Шифиркон ва Вобкент туманларида босқинчи қизил аскарларга қарши курашган. Бу ҳолатни Ҳамро Полвоннинг ўзи 1932 йил февралда терговга берган кўрсатмасида қуйидагича изоҳлайди: «Мен Бухородан келиб, Хўжа Ориф қишлоғида уч кун яшаганимдан сўнг Ҳайит Амин ва Ўрмон Полвон мени ўз сафларига даъват этишди. Мен икки ой давомида Ҳайит Амин гуруҳида йигит сифатида жанг қилдим... 1924 йилда Хўжа Ориф ревкомига таслим бўлдим ва Хўжа Ориф қишлоқ кенгашидаги Тезгузар қишлоғида яшай бошладим. Мен «босмачилар» сафидан Ҳайит Амин жангда ўлдирилиб, унинг йигитлари Ўрмон Полвон гуруҳига бориб қўшилгач, чиқиб кетганман (У 1924 йилда 5 йигити билан совет ҳокимиятига таслим бўлган эди). 1927 йилда мен колхозга кирганман».

Ҳамро Полвон ўтган асрнинг 20-йиллари ўрталаридан бошлаб, асосий қуроли - милтиқни кетмонга алмаштириб, Жилвон массивини ўзлаштиришга киришади. Бироқ унинг бу яратувчилик фаолияти узоққа чўзилмайди. 1941 кили у учинчи марта қамоққа олиниб, мустабид совет режими томонидан қатағон қилинди.¹⁰³

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро воҳаси миллий истиқлолчи кучлари ўзларининг жонларини фидо қилиб, Ватан олдидаги бурчларини адо этдилар.

2.3. Навоий вилояти ҳудудида ҳаракат қилган кўрбошилар ва миллий истиқлол намоёндалари

1918 - 1935 йилар тарихи яъни миллий истиқлолчилик ҳаракати даври Туркистон халқлари ҳаётида ўчмас из қолдирган, ёрқин сиймоларни яратган давр ҳисобланади. Гарчи бу даврда миллий истиқлол ҳаракати ўлкамизда уч йирик минтақаси: Фарғона водийси, Хоразм ва Бухоро воҳаларида рўй берган бўлса-да, бутун Туркистон минтақасини қамраб олган эди. Лекин ҳали ҳанузгача бу ҳудудларнинг таркибий қисми сифатида айрим ҳудудлар алоҳида ажратиб олиниб чуқур таҳлил этилмаган. Жумладан, ўша даврда яъни 1918-1925 йилларда Бухоро совет Республикаси таркибида бўлган ҳозирги Навоий вилояти ҳудудида ҳаракатда бўлган йирик ва майда миллий

¹⁰³ Қаранг: Дилшод Ражаб. Жилвон ўғлони. Т.: 2001 йил, 55 – бет.

истиклолчи кўрбоши дасталари ҳаракати ҳам илмий жиҳатдан қамровга олинмаган, тугалланган диссертацион иш даражасида таҳлил этилмаган. Шу боисдан ҳам бу ҳудудни мазкур магистрлик диссертациясининг бир режаси сифатида илмий қамровга олиб, мушоҳада қилишга ҳаракат қилинди.

Дарҳақиқат, ҳозирги Навоий вилоятининг қадимий гўшаларидан ҳисобланган Кармана, Нурота, Хатирчи туманларидан миллий истиклолчилик ҳаракати номоёндаларининг йирик вакиллари етишиб чиққан. Улар нафақат бу заминда балки, Фарғона водийси, Шарқий Бухоро қисман Хоразм воҳаси миллий иситиклолчилик ҳаракати сафларида туриб, Ватани, дини ва миллатини мудофа этганлар, бемисл қаҳрамонликлар кўрсатганлар. Бу заминдан Фузайл Махдум, Нодира қиз, Саййид Мансур кўрбоши, Қоракулбек кўрбоши, Ҳамроқулбек кўрбоши, Мулла Абдулқаҳҳор, Ҳожи Латиф Девонбеги, Мустафо Ҳаййитбек в.б. кўплаб миллий ватанпарвар кучлар етишиб чиққан.

Таниқли олим, бошқирид фарзанди миллий истиклолчилик ҳаракатининг иштирокчиси Аҳмад Закий Валидий Тўғоннинг фикрича, Карманада бутун Бухоро истиклолчиларининг аскарий мактаби Иброҳим Исоқов бошчилигида ташкил этилган.¹⁰⁴ Бу ҳақида унинг ўзи “Карманадаги аскарий мактабдан ёрдамчим Иброҳим Исоқ ҳам бор эди. У аскарий мактабнинг ўқувчилари билан бирга Нуротага келмоқчи, ҳаммамиз ҳам Нурота билан Жиззах орасидаги Ўксум, Фориш деган кишлоқларда ташкилий ишлар билан шуғулланмоқчимиз”,¹⁰⁵ деб таъкидлайди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Нурота, Кармана, Хатирчи туманларидан миллий истиклолчилик ҳаракатининг йирик ва майда кўрбоши дасталари кўплаб етишиб чиққан. Куйида уларнинг энг йириклари тўғрисида алоҳида - алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Фузайл Махдум: Унинг асли исми Фузайл махдум Абдуғафурбек ўғли бўлиб, XIX асрнинг сўнгги чорагида Карманада туғилиб, XX асрнинг 30 - йиларида Қошғарда советлар томонидан ўлдирилган. Фузайл махдум Туркистонда совет режимига қарши қуролли курашнинг йирик вакиллари ва раҳбарларидан биридир. Йирик уламо сифатида Бухоро амирлигида шуҳрат қозонган. У Шарқий Бухоро билан Фарғона водийси ўртасидаги Қоратегин вилоятининг кўрбошиси бўлган. У Қоратегинда XX аср бошларида беклик қилган. Фузайл махдум Қоратегин ва Шеробод минтакаларида ўз қўл остида кўрбоши дасталарини бирлаштириб, шўро зулмига қарши миллий истиклол курашини олиб борган ёрқин сиймоли қўмондон бўлган.

¹⁰⁴ Қаранг: Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлинганни бўри ер. Т.: “Адолат”, 1997 йил, 125-бет.

¹⁰⁵ Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлинганни бўри ер. Т.: “Адолат”, 1997 йил, 145-бет.

Бухорога қизил армия босқинидан сўнг Шарқий Бухорога келиб, Қоратегин кўрббошиси сифатида Иброҳимбекнинг асосий ўринбосари ҳисобланган. Унинг қўл остида 3 минг йигитдан иборат 26 та кўрбоши дастлари ҳаракат қилган.

Тарихчи олим Қ. Ражабовнинг таъкидлашича,¹⁰⁶ Фузайл махдумнинг энг машҳур жангларида бири қизил аскарлар қўлидан 1921 йил март ойида Дарвоз қалъасини озод этиб, бу ердаги совет режимига барҳам берганидир. У Ғарм ва Қалъаи Хумбни узоқ вақтгача босқинчи қизил аскарлар тажовузидан ҳимоя қилиб турди.

Фузайл махдум маърифатли, диний билимлардан хабардор инсон бўлган. Турк тарихчиси Али Бодомчи ўзининг “1917 - 1934 йиллар Туркистон миллий истиқлол ҳаракати ва Анвар Пошшо” асарида Фузайл махдум тўғрисида қуйидагича маълумот беради: “Фузайл махдум Шарқий Бухоро ва Фарғона орасидаги Қоратегин вилоятининг кўрббошисидир. Амирликнинг қоракул рутбаси соҳибидир. Билимли, маърифатли бир дин одами. Узоқ замон амирликка хизмат қилган, сўнгга 3 минг йигит билан миллий истиқлол ҳаракатига қўшилган”.¹⁰⁷

Ҳожи Латиф Девонбеги (1874-1923) нуроталик бўлиб, у Манғитлар сулоласининг сўнгги вакили Амир Саййид Олимхон саройида нуфузли мавқега эга бўлган. Ҳожи Латиф амирликда девонбеги (вазир) мақомида бўлган. Қизил армия Бухорога бостириб киргач, Ҳожи Латиф Девонбеги тахтдан айрилган ҳукмдор Саййид Олимхон билан биргаликда 1921 йил март ойида Афғонистонга жўнайди. Бироқ орадан кўп ўтмай Ҳожи Латиф Девонбеги Афғонистондан Саййид Олимхоннинг махсус вакили сифатида Шарқий Бухоро ҳудудига қайтади ва қизил аскарларга қарши курашаётган истиқлолчиларнинг ғоявий раҳнамосига айланади.

1922 йил 10-15 апрелда Бойсун вилоятининг Кофирун қишлоғида Туркистон кўрббошилариининг катта қурултойи бўлган. Қурултойда Саййид Олимхоннинг нуфузли аъёни ва махсус вакили сифатида Ҳожи Латиф Девонбеги ҳам иштирок этди. У Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатининг Олий бош қўмондони Анвар Пошого собиқ амирнинг шахсий мактуби ва қимматбаҳо совғаларини топширгач, Ғарбий Бухорога – Мулла Абдулқаҳҳор ҳузурига йўл олади. Уни доимий равишда 10 йигитдан иборат шахсий соқчилар муҳофаза қилиб турган. Ҳожи Латиф Девонбеги Ғарбий Бухоро кўзғолончиларининг ғоявий раҳнамоси сифатида Мулла Абдулқаҳҳор қўшинида бўлиб, уларни қизил армияга қарши жангларга руҳлантирди, озодлик ғоялари учун курашнинг олдинги сафларида турди.

¹⁰⁶ Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. Т.: “Маънавият”, 2002 йил, 53 - 54 бетлар.

¹⁰⁷ Али Бодомчи. 1917 - 1934 йиллар Туркистон миллий истиқлол ҳаракати ва Анвар Пошо. Истанбул 1975 йил, 1 - жилд, 499 - бет.

1923 йил март ойининг ўрталарида Ҳожи Латиф Девонбеги Мавлоно Ориф Деггароний туғилган ва мангу маскан топган Кармана атрофидаги Ҳазора мавзесига оз миқдордаги йигитлар билан келиб, маҳаллий аҳоли билан биргаликда бу ерда Наврўз сайилларини ўтказишган. 1923 йил 31 мартда Ҳожи Латиф Девонбеги ва 5 та кичик кўрбошилар (Мулла Абдулқаҳҳор кўшини) билан қизил аскарлар ўртасида Ҳазора қишлоғида бўлган қакшатғич олишувда улар ўлдирилган. Хуллас, Ҳожи Латиф Девонбеги ҳам Ҳазорада шаҳидлик мартабасига эришган ва ушбу маскандан мангу ором топган. Қизил аскарлар эса ушбу ғалабадан кейин Ҳазора қишлоғини талашган ва Мавлоно Ориф Деггароний зиёратгоҳини вайрон қилишган. Шундай қилиб, тасаввуф ғоялари ўрта асрларда бўлгани сингари XX аср биринчи чорагида ҳам бухороликларни ташқи душманга қарши курашга оёқлантирган ва руҳлантирган. Мулла Абдулқаҳҳор ва Ҳожи Латиф Девонбеги машҳур боболари Мавлоно Ориф Деггаронийнинг муносиб издошлари сифатида ўз ширин жонларини она-Ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлидаги ҳаёт-мамот курашига нисор этганлар.¹⁰⁸

Нодира қиз 1904 йилда Кармананинг Қўзибоқар қишлоғида Мулла Раҳматиллабой хонадонидан дунёга келади. Тарихчи олим Қ.Ражабовнинг таъкидлашича, Нодира ёшлигидан савод чиқариш билан бир қаторда чавандозлик ва тирандозлик каби ҳарбий жанг санъати турларини пухта эгаллайди. Нодира ҳуснда тенгсиз қиз бўлса ҳам, тақдир тақазоси билан турмушга чиқмаган.¹⁰⁹ 1923 йили қизил аскарлар Нодиранинг қишлоғига бостириб кириб, унинг икки акасини ўлдиришади. Мулла Раҳматиллабой 1925 йилда ўз оиласи билан Афғонистонга йўл олади. Саййид Мансур Олимий “Бухоро – Туркистоннинг бешиги” асарида гувоҳлик беришича, Нодира қиз Иброҳимбек кўшинидаги махсус аёллар дастасига раҳбарлик қилган. Нодира қиз дастаси қизил аскарлар юрагига ғулғула солган. 1931 йилда Иброҳимбек СССР ҳудудига кирганида унинг кўшини сафида Нодира қиз ҳам бўлган. Афсуски, унинг кейинги тақдири ҳозирча номаълум яъни тўлиқ ўрганилмаган. Ўз тадқиқотчисини кутаётган мавзулардан биридир.

Қорақулбек кўрбоши Хатирчи туманидан бўлган йирик истиқлолчи. Қорақулбек қарийиб олти ой Хатирчи вилояти ва Миёнқолда ҳукмронлик қилади. Шу ердан туриб ўз йигитлари билан шўроларга қарши курашади. Кейинчалик совет ҳукумати билан сулҳ тузади ва икки – уч нафар саркардаси билан яширинча Каттакўрғоннинг Пайшанба қасабасида қатл этилади.¹¹⁰

¹⁰⁸ Қаранг: Ориф Деггароний Марказий Осиё тасаввуф таълимотининг буюк валийси. Навоий. 53-54 – бетлар.

¹⁰⁹ Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. Т.: “Маънавият”, 2002 йил, 56-бет.

¹¹⁰ Қаранг: Мухаммад Али Балжувоний. Тарихи нофейи. Т.: “Академия”, 2001 йил, 81 – бет.

Бундан ташқари Хатирчида кўплаб кўрбоши ва мужоҳидлар истиклол жанглари олиб борганлар. Масалан, Кармана вилояти ижроия қўмитаси раисининг 1922 йил 9 – сентябрда ёзган маърузасида таъкидланишича, Хатирчидаги истиклолчиларга Бобо Муҳаммад Алим, Ҳасан Амин Тўқсоба, Жўракул мирохур, Шамсиддин хожи мирохур, Жумакул, Шомурод каби кўрбошилар бошчилик қилишган. Бу дасталарнинг 400 кишидан иборат қўшини Чангир бозорда (Хатирчида – О.А) ўрнашган бўлиб, уларга Самарқанддан Ҳамдамча кўрбоши бошчилигидаги 90 кишилик даста келиб қўшилган. Бу маҳаллий кўрбоши дасталари йирик қўмондонларга итоат этиб, уларнинг бевосита кўрсатмалари билан иш тутганлар. Уларнинг ҳаракат доираси Хатирчидан ташқари Нурота, Каттакўрғон, Кармана, Зиёвуддин беклиги ҳудудларида бўлган.

Архив ҳужжатларида таъкидланишича, Кармана, Нурота ва Хатирчидаги истиклолчилик кучлари етакчиси сифатида Мулла Абдулқаҳҳор, Ҳожи Латиф девонбеги, Ўрмон Полвон, Метан Полвон туришар эди.¹¹¹

Шу билан бирга Кармана, Нурота, Хатирчи бекликлари ҳудудида бошқа майда кўрбоши дасталари ҳам фаол ҳаракат қилишган. Масалан, Мустафо Ҳайитбек (Нуротадаги Чуя қишлоғидан), Саййид Мансур кўрбоши (Хатирчидаги Пармидон атрофидан), Метан Полвон (Нуротада), Ўрмон Полвон (Нуротада), Хушвақт кўрбоши (Нуротадан бўлиб, эл орасида Хушбоқ пучук лақаби билан аталган), Абдурасул Афанди (Нуротада), Оға Гулбек (Нуротада), Ёдгор хўжа (Нуротада), Сирожхўжа (Нуротда), Мусабой (Нуротада), Азим юзбоши (Нуротада), Исфархожи (Карманада), Абдулла Бобоёр (Карманада), Рўзи мерган (Карманада), Қурбон назар (Карманада), Эшмат мерган (Карманада), Тоға (Карманада),¹¹² Тўхтамурод кўрбоши (Хатирчидан), Қорача мерган (Хатирчидан), кабилар ўз дасталаридаги маҳаллий ватанпарвар ва жасур йигитлари билан шўролар тузумига қарши шиддатли жанглар олиб борганлар.

Марказий ва маҳаллий архив ҳужжатлари шу ҳақида маълумот берадики, Хатирчи, Кармана ва Нурота ҳудудларида истиклолчилик ҳаракатини нафақат йирик кўрбоши дасталари, балки, майда дасталари ҳам жуда фаол ҳаракат қилганлар. Ҳатто совет маддоҳларида катта хавотирлар уйғотганлар. Масалан, Кармана туман давлат архивида сақланаётган 1928 – 1930 йилларга оид маълумотларда кўрсатилишича, Кармана, Нурота ва Хатирчида майда – майда кўрбоши дасталари Кармана атрофидаги қишлоқларда гоҳ яширин, гоҳ ошкор совет ҳукуматига қарши фаолият юритишган. Ана шундай ҳужжатларнинг бири 1928 йил 28 июнда №722 рақам билан мутлақо махфий кўрсатмаси остида Ўзбекистон ССР халқ комиссарлари совети қошидаги Марказий ишлар Бош

¹¹¹ Ўзбекистон Марказий давлат архиви. 59 – фонд, 1 – рўйхат, 31 – иш, 312 – бет.

¹¹² Кармана истиклолчилари ҳақида тўлиқроқ маълумо учун қаранг: Кармана туман давлат архиви. 26 – фонд, 1 – рўйхат, 7 – иш.

бошқармаси бошлиғига, нусхаси эса Зарафшон округи ижроия қўмитаси, Зарафшон округи жиноят қидирув бўлими ва Зарафшон округи прокурорига Зарафшон округи жиноят қидирув бўлими бошлиғи Хисанов томонидан юборилган ҳисоботда Карманадаги майда қўрбоши дасталари ҳақида қўйидаги маълумотлар келтирилади.

“1 – Нарпай район Қўрғонча қишлоқ совет Хошасиёр қишлоғидаги қўрбошилар Қурбон Назар Ражабов, Рўзи Мерган вафотидан кейин ўзининг уч йигити билан Тортувли тоғида яширин ҳаракатларини олиб бормоқда”

2 – Нарпай район Тим қишлоқ совети Тарикпоя қишлоғидан Эшмат Мерган номли босмачи Рўзи Мерган ўлимидан сўнг ўзининг тўрт нафар йигити билан Узумли томонларда яширин иш олиб бормоқда.

3 – Тоға қўрбоши ўзининг етти нафар йигити билан Нарпай районидаги Агорон тарафларда яширин ҳолатда ҳаракат олиб бормоқда.

Ана шу уч нафар босмачи тўдасини қўлга олиш учун тезлик билан чоралар ишлаб чиқилсин”, деб Зарафшон округи жиноят қидирув бўлими бошлиғи Хисанов томонидан имзо чекилган.¹¹³

Яна шуниси аҳамиятлики, ҳатто ўша давр ҳужжатларида ҳам миллий истиқлолчи кучлар “босмачи” атамаси билан бирга “қўрбоши”, “мужоҳид” номлари билан тилга олинган.

Хулоса сифатида таъкидлаш керакки, Кармана, Нурота ва Хатирчи ҳудудлари қадим – қадимдан ўз қаҳрамон фарзандлари билан фахрланиб келган. Улар 1918 – 1935 йиллардаги миллий истиқлолчилик ҳаракатида ҳам бўй кўрсатдилар.

¹¹³ Қаранг: Кармана истиқлолчилари ҳақида тўлиқроқ маълумо учун қаранг: Кармана туман давлат архиви. 26 – фонд, 1 – рўйхат, 7 – иш.

ИИИ. БОБ. ЗАРАФШОН ВОҲАСИДА МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛЧИЛИК ҲАРАКТИНИНГ ЕНГИЛИШИ, УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ.

3.1. Зарфшон воҳасида миллий истиқлолчиликнинг енгилиши ва унинг сабаблари.

Туркистон ўлкаси халқларининг миллий истиқлол, эрк ва озодлик учун кураши 16 йил давом этди. Шўролар беҳисоб, даҳшатли қирғинлар эвазига фақат 1935 йилга келиб мамлакатимиз жасур ватанпарварларининг қаршилигини синидира олди. Улар Туркистонда ўз мустамлакачилик тартиб – қоидаларини ўрнатдилар. Туркистон шўро республикаси халқ комиссарлари шўроси раиси Абдулла Раҳимбоевнинг куйидаги сўзлари бу фикрга ойдинлик киритади. “Россия босмачилик ҳаракатини 1935 йилда ўртадан йўқ қилди”.¹¹⁴ Аммо бундан Туркистон ўлкаси халқларининг шўролар истибдодига қарши миллий истиқлол, эрк ва озодлик учун курашлари 1935 йилдан кейин батамом тўхтаб қолди, деган хулоса келиб чиқмайди. Миллий мустақилликка, эрк ва озодликка ташна бўлган мамлакатимиз халқлари кейинчалик ҳам босқинчи шўролар салтанатига қарши курашни тўхтадмадилар. Бу кураш 1991 йил августига қадар гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона давом этди.

1917-1934 йиллар мобайнида олиб борилган истиқлолчилик, эрк ва озодлик курашининг енгилиши ва мағлубиятига учрашининг куйидаги сабаблари мавжуд эди.

Биринчидан, Туркистон ўлкаси халқлари истиқлол учун, миллий мустақиллик учун дунёдаги энг катта мустамлакачи давлат бўлган шўролар Россиясига қарши жанг қилдилар. Бу давлат ўзининг шаклланган ва қулай давлат бошқарув механизмига, қудратли ва мунтазам қизил армиясига эга эди. Ватандошимиз тарихчи Боймирза Ҳайит сўзларига қараганда “қизил армия босмачиликка қарши танклар, самолётлар, тўплар ва газ ишлатди. Ҳатто чўллардаги баъзи жарликлар захарланди”.¹¹⁵ Қизил армия бу ердаги тартибларга, миллий истиқлолчилик кучларига батамом барҳам бериш учун биринчи жаҳон урушидан чиқиб, (1918 йил 3 – март, Брест – Литовск шартномасидан сўнг) барча замонавий қуроллари Туркистонга ташлади. Бу уларнинг замонавий қуролланишдаги тўлиқ устунликларини таъминлади.

Иккинчидан, Туркистон ўлкаси Россиянинг мустамлакаси эди. Туркистоннинг бир бўлаги ҳисобланган Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги расман мустақил давлатлар

¹¹⁴ Қаранг: Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар. Андижон. 2004 йил, 343 – бет.

¹¹⁵ Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар. Андижон. 2004 йил, 343 – бет.

бўлсалар-да амалда батамом Россияга қарам ва ярим мустамлака бўлган. Ўлка умуман олганда, ҳар жиҳатдан, хусусан иқтисодий томондан кам тараққий этган бўлиб, Россия измида эди. Шу босидан ҳам бутун Туркистон ўлкаси ягона жабҳа бўлиб, душманга қарши курашга отала олмади.

Учинчидан, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида халқ оммаси ғоятда оғир ва қийин социал – иқтисодий шароитларда яшар, зулм – зўравонлик кучли эди. Халқнинг аксарият кўпчилиги амир ва хон сиёсатидан норози эди. Шу боис шўроларнинг мустамлакачилик зулми ва истибдодига қарши Туркистон халқлари курашга отланган бир пайтда Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидаги фуқароларнинг бир қисми амир ва хонга қарши бўлдилар, аксинча, шўролар Россиясидан ёрдам ва мадад кутдилар, ўз келажак тақдирларини унга боғладилар. Натижада амир ва хон ҳокимияти кучсизланди, у ёлғизланиб қолди ва душманга қаршилиқ кўрсатишда ожизлик қилди. Кейинчалик бу хатони ангалаб етганларида эса кеч бўлган эди.

Тўртинчидан, миллий истиқлол жангчилари тарқоқ ҳаракат қилдилар ва улар ҳар хил кураш йўлини танладилар. Бухоро амири Саййид Олимхон ва Хива қуруллой кучлари қўмондони Жўнайдахон алоҳида – алоҳида фаолият кўрсатдилар. Истиқлолчилар ўз ҳолича, халқнинг кўпчилигини ўз орқасидан эргаштирган қўрбошилар ўз ҳолича алоҳида мустақиллик учун кураш олиб бордилар. Ўз ота юртини шўролар мустамлакачилигидан озод қилиш учун қардошларча ёрдам бериш ниятида бу ерга келган Анвар Пошога амир Олимхон билан Иброҳимбек лақай ҳокимият ва давлат таллашиб ёмон кўз билан қарардилар, ҳатто маълум сабабларга бир муддат уни қамоқда ҳам сақлади.¹¹⁶ Хуллас, миллий душманга қарши ягона миллий кураш жабҳасининг бўлмаганлиги шўроларга қўл келди. Яъни курашаётган миллий истиқлолчиларнинг мақсадлари ҳам муштарак эмас эди.

Бешинчидан, шўролар Россияси томонидан давлат йўли билан ҳар жиҳатдан яхши таъминланган, яхши қурулланган мунтазам қизил армияга қарши давлат томонидан қўллаб – қувватланмаган, ягона марказий қўмондонликка эга бўлмаган, оддий қуруллой билан ҳам ёмон таъминланган, ҳарбий – тарбиявий ўқув машқи кўрмаган ва тарқоқ истиқлолчи мужоҳидлар жанг қилдилар. Бу жангчиларнинг битта устунлик томонлари бор эди, бу маънавий устунлик – Ватан учун фидойилик эди. Улар мустақиллик, эрк ва озодлик учун, адолат ва ҳақиқат тантанаси учун муқаддас жанг қилаётганликларини жуда яхши англаб едилар. Шу боисдан ҳам ўз умрларни ушбу йўлга нисос этдилар.

¹¹⁶ Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар. Андижон. 2004 йил, 344 – бет.

Олтинчидан, Мустақиллик, эрк ва озодлик учун жанг қилган мужоҳидлар иқтисодий жиҳатдан ҳам ёмон таъминланган эдилар. Уларда оддий кундалик турмуш учун зарур бўлган озиқ – овқат, кийим – кечак ва дори – дармонлар ҳам етишмас эди.

Еттинчидан, шўроларнинг тарғибот ва ташвиқотларига алданиб, улар томонга ўтганлар, юртига ва миллатига хиёнат қилиб, большевикларга сотилганлар ҳам бўлди. Бундай фуқароларнинг тарих ва миллат олдида, ўз авлод – аجدодлари олдида абаду – абад “юзлари қора” бўлди.

Саккизинчидан, шўролар босқинига қарши курашда истиқлолчилар мағлубиятининг ташқи сабаблари ҳам бор. Авалло, Туркистон ўлкаси халқларининг Россиядек улкан мустамлакачи давлатга қарши курашда бевосита ёрдам кўрсатадиган ва бир оз бўлсада жони ачийдиган бирор мусулмон давлати бўлмади. Афғонистон бир оз мадад кўрсатган бўлсада, бу етарли эмас эди. Чунки унинг ўзи ночор аҳволда эди. Ўз ички ва ташқи муаммолари билан банд бўлган Туркия ҳам бу масалага эътиборсиз қаради.¹¹⁷

Биринчи жаҳон уруши муаммоларидан ўзини ҳали ўнгаб ололмаган Европанинг ривожланган мамлакатлари ҳам Туркистон масаласи билан унчалик қизиқмадилар фақат Буюк Британия 1918 йил 13 августида ўз армиясини Ҳазар вилоятига киритди. Аммо 1919 йил 5 апрел куни Ашхобод шаҳридаги идораси бу ерни тарк этди ва иш шу билан якун топди. Натижада оч бўрилар ҳимоясиз қолган Туркистон аҳолисини шафқатсиз қирғин қилдилар. Жами бўлиб Ватан миллий истиқлоли учун курашда 5 миллион 600 минг киши шаҳид бўлди, чет элларда муҳожирилик азобини тортдилар. Сибир сургуналида ҳалок бўлди майиб ва мажруҳ бўлиб қолдилар.¹¹⁸

1917 – 1934 йиллардаги миллий истиқлол ва озодлик учун мустамлакачи ва босқинчи шўролар салтанатига қарши олиб борилган қонли муҳорабада Ватан фиодийлари мағлубиятга учраган бўлсалар - да, у мамлакат фуқароларига, миллат фарзандларига катта тарихий сабоқ бўлди. Бу сабоқ куйидагилардан иборатдир:

Биринчидан, ҳар қандай миллат ва халқ тарихий тараққиётининг асоси, унинг жаҳон цивилизациясидан муносиб ўрин олишининг, жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлишининг шарти, мазкур халқнинг инсоният тарихи давомида яратилган барча моддий ва маънавий неъматларидан баҳраманд бўлиб, тўқ – фаровон ва бахтли яшашининг кафолати **бу - миллий мустақилликдир.** Аммо миллий мустақилликни юксак маънавият, маърифат, илм, билан керак бўлса, жондан кечиб қўлга киритмоқ лозим.

¹¹⁷ Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар. Андижон. 2004 йил, 345 – бет.

¹¹⁸ Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар. Андижон. 2004 йил, 345-346 – бетлар; Шамсутдинов Р. Тарихий меросимизга бир назар. Андижон, Мерос. 1994 йил, 143 – бет.

Иккинчидан, миллий мустақилликка миллий бирликсиз эришиб бўлмайди. Миллий чекланганлик ва маҳаллийчилик, шахсий манфаатни ёки гуруҳ манфаатини миллий манфаатдан устун қўйиш миллий мустақиллик йўлидаги энг асосий ғовлардандир. Айниқса, Ватан тақдири, миллий мустақиллик тақдири ҳал бўлаётган ҳаёт-мамонт кураши давларида миллат ҳамдари ва яқдил, яқтил, яқмушт бўлмоғи лозим. Бундай қалтис пайтда турли сиёсий партиялар, ташкилотлар, оқимлар ва шахслар ҳар хил муаммоларни, назарий ғояларни, шахсий гина адоватларни рўқач қилиб, миллий бирликка раҳна солсалар ёки унга путур етказсалар, бу миллат, Ватан келажак авлодалар олдида ҳеч унутилмас ва кечирилмас гуноҳдир. Чунки, ҳар бир авлод келажак авлодлар тақдири учун масъулдирлар. Бу миллий гумроҳлик. Буни 1917 – 1934 йиллардаги кураш тажрибаси очиқ кўрсатди.¹¹⁹

Учинчидан, энг катта ва мутлақо кечириб бўлмайдиган бўлмайдиган жиноят – миллатга, Ватанга сотқинлик ва хиёнатдир. Бундай шахслар доимо олий жазога лойиқдир. Ҳар бир инсон тарих олдида масъуллигини англамоғи лозим.

Тўртинчидан, Ватан озодлиги ва миллий мустақиллик йўлида жон бериб, жон олган ҳақиқий ватанпарварларнинг, миллий қаҳрамонларнинг, халқнинг мард ва жусур ўғлонларнинг номлари Ватан тарихининг зарварақларида олтин сатрлар билан ёзилади, улар миллатнинг ифтихори сифатида келажак авлодларимиз, ўғил – қизларимизни янгидан – янги зафарларга чорлайверадилар. Энг муҳими уларга муносиб Ватан фарзандлари бўлишга, халқ, миллат, Ватан дарди билан “элим деб, юртим деб ёниб яшаш”га ундайди. Уларнинг номлари абадий ва ўчмасдир. Зеро, бу аллақачон ўз исботини топган тарихий қонуниятдир.

3.2. “Катта террор” йилларида миллий истиқлолчиларнинг қатағон қилиниши

Туркистон миллий истиқлол ҳаракати ўзининг кўлами жиҳатидан тамоман янги кўринишдаги халқ ҳаракати эди. Унда юқорида таъкидлаганимиздек, халқнинг барча қатлами валикклари: деҳқонлар, хунармандлар, бойлар, камбағаллар, ҳарбийлар, зиёлилар, диний ва дунёвий илм соҳиблари иштирок этдилар. 1935 йилда бу ҳаракат батамом бостирилганидан сўнг мустабид совет ҳокимияти уларнинг собиқ иштирокчиларидан аёвсиз ўч олиб, ўзларнинг қатағонлик сиёсатини амалга ошира бошлади. Миллий истиқлол ҳаракатида оддий аскар сифатида иштирок этганлардан тортиб, ҳаракатнинг йирик вакиллари ҳам “босмачи”, “собиқ босмачи”, “унсур”, “халқ душмани”,

¹¹⁹ Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар. Андижон. 2004 йил, 346 – бет.

“троцкийчилик ташвиқоти олиб борганликда” ва бошқа турли айблар билан узок ўлкаларга катагон қилинди.

“Босмачи”ларга нисбатан катагонлик сиёсати 1930 йилдан авж олган. Масалан, 1930 йил 15 июнда Тошкентдан тўғридан – тўғри сим орқали ДТПУга, Е.Т.Евдокимовга узатилган хабарда 1930 йил 1 июнда Ўрта Осиё бўйича ОГПУ қамоқхоналарида 2192 киши тергов бераётганлиги, улар орасида “босмачи”лар ҳам борлиги таъкидланган. Хабарноманинг “босмачилик ва унга хайрихохлик” қисмида 201 бой, 209 ўрта ҳол, 58 камбағал, 30 савдогар, 59 рухоний, 3 кустар, 15 хизматчи, 113 собиқ босмачи, 67 аниқланмаган шахслар борлиги таъкидланган.¹²⁰ Бу масала бугун тарих фанлари доктори, профессор Р. Шамсутдинов раҳбарлигида бевосита чуқур ўрганилмоқда. Мазкур масала ўз илмий кўламига жуда кенг миқёсли мавзудир. Шу боисдан ҳам, биз ўз фикрларимизнинг исботи ва миллий истиқлолчи, ватанпарвар кучларнинг кейинги тақдири мисолида Р. Шамсутдиновнинг “Қатагон қурбонлари” китобида келтирилган ва совет ҳукумати томонидан “собиқ босмачи” сифатида катагонлик сиёсати қурбони бўлган юртдошларимизнинг айримларини қуйида мисол тариқасида келтириб ўтамыз.¹²¹

1. **Саййидов Азим** – 1907 йил туғилган. Кармана райони Мазар қишлоғидан, **собиқ босмачи**, 1930 йил ўғрилиқда гумога олинган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси бўлган. Қобилов таклифи билан фаол комсомол, мухбир Қамбархўжаевни Қобилов уйида ўлдиришда иштирок этганликда, шахсан қотилликда ва мурдани яширишда айбланган.
2. **Ширинов Ражаб** – (1905 йил туғилган Бухоро райони пушман қишлоғидан, собиқ кулоқ, **босмачилик ҳаракатининг фаол иштирокчиси**, 1930 йил кулоққа тортилган ва 3 йилга қамалган, жазони ўтаган). 10 йил МТЛ (меҳнат тузатиш лангери)га ҳукм этилган жазо муддати 1937 йил 1 августидан ҳисболанган. Колхозчилар орасида доимий равишда колхоз тарқалишига қаратилган тарғибот олиб борганликда, аксилинқилобий иғво, миш – мишлар тарқатиб, совет ҳокимияти вакиллари шаънига қаратилган аксил инқилобий ҳақоратли гаплар айтганликда айбланган.
3. **Ҳамзабеков Муқумбек** – 1984 йила туғилган. Кармана районидан, йирик амалдорнинг ўғли, 1904 йилдан 1921 йилгача Туркияда яшаган, аксил инқилобий “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси, **собиқ босмачи**. Атрофдагилар орасида доимий равишда аксилинқилобий миллатчилик троцкийчилик ташвиқоти олиб

¹²⁰ Қаранг: Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун. Т.: “Шарқ”, 2003 йил, 173-174 – бетлар.

¹²¹ Шамсутдинов Р. Қатагон қурбонлари. Т.: “Шарқ”, 2007 йил.

борганликда, совет ҳокимияти ва унинг шаънига аксилинқилобий бўҳтонлар билдириб, монархик тузумни мактаганликда айблаган.

4. **Хусайнов Идрис** – (1899 йилда туғилган, Қизилтепа райони очсоч қишлоғидан, собиқ кулоқ, руҳоний, 1930 йили кулоққа тортилган ва 3 йилга сургун қилинган, **собиқ босмачи**) отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасида аксилинқилобий троцкийчилик ташвиқотини олиб борганликда, совет ҳокимияти ва унинг тадбирларига аксил инқилобий бўҳтонлар билдирганликда айбланган.
5. 2357 – сонли иш бўйича **Бобоев Эшонкул** (1903 йилда туғилган Бауман райони Хўжаориф қишлоғидан, собиқ кулоқ, **фаол босмачи** – қўрбоши, 1930 йилли деҳқонларни талагани учун 10 йилга қамалган, қамокдан озод этилган, бандит унсурлар билан алоқа ўрнатган) отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасида партия ва ҳукумат тадбирларини барбод қилишга қаратилган аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда, колхозчиларни давлат мажбуриятларини бажармасликка чақирганликда, аксилинқилобий троцкийчиларни ҳимоя қилганликда айбланган.
6. **Тоғоев Ақром** – (40 ёшда, Қизилтепа райони Узилишкент қишлоғидан, **собиқ босмачи, қўрбоши**, 1932 йил судланган) отувга ҳукм этилган. Жиноятчи бандит унсурлар билан алоқада бўлганликда, уларни қурол билан таъминлаганликда, аҳоли орасида мағлубиятчилик характеридаги аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига аксилинқилобий ифвогарона бўҳтонлар билдирганликда, машҳур аксилинқилобий троцкийчи бандитларни мактаганликда айбланган.
7. **Ҳакимов Салим** – (56 ёшда, Қизилтепа райони Оқбургут қишлоғидан, собиқ кулоқ, **босмачилик ҳаракатининг фаол иштирокчиси**, чет эл билан нолегал алоқаси учун жавобгарликка тортилган) 10 йил МТЛга ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 20 августидан ҳисобланган.

14 – баённома. 1937 йил, 24- сентябрь

8. **Омонов Жамол** – 1908 йил туғилган, Кармана районида, ўтмишда **босмачи**, ҳибсга олинганга қадар колхоз аъзоси.
9. 5438 – сонли иш бўйича **Исомуродов**, унинг ўзи **Ҳикмат Исомуродов** (1907 йилда туғилган, кармана райони Шодибек қишлоғидан, кулоққа тортилган, ўтмишда **босмачи**. 1935 йили пахта экишдан бош тортганликда 1, 5 йилга озодликдан маҳрум этилган)
10. **Очилов Усмон** – (1902 йилада туғилган Ғиждувон райони Сактори қишлоғидан, ўтмишда **босмачилик ҳаракатининг фаол йигити**, 6 йилга қамалган)

11. 2422-сонли иш: Бухоро секторидан, **Воҳидов Фатто**-1877 йил Акмалобод район Қўмиқ қишлоғида туғилган собиқ қулоқ руҳоний **босмачиларга қўмаклашган**, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда ва очлик ҳақида Миш-миш тарқатганликда айбланиб **отувга** ҳукм этилган. **60 ёш.**
12. 2262-сонли иш: Бухоро сектори тақдим қилган **Тўхтамуродов Нурмурод**-1906 йил Конимех район, Ўсан қудуқ қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, **босмачи** судланган ва муддатни ўтаган, колхоз аъзоси, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда ва очлик ҳақида миш-миш тарқатганликда айбланиб **отувга** ҳукм этилган. **31 ёш.**
13. **Рўзиев Эргаш**-1902 йил Нарпай райони Алчин қишлоғида туғилган. собиқ қулоқ, **босмачи**, 10 йил МТЛга сургун қилинган. **35 ёш.**
14. **Мухаммадиев Ҳайдар**-1900 йил Нарпай райони Ўзбекистон қишлоғида туғилган. қулоқ, 1925-30 йил босмачи. **отувга** ҳукм қилинган. **37 ёш.**
15. **Сапаров Жаъбор** Хатирчи райони - Тошқулоқ қишлоғида туғилган. **Босмачи**, 1937 йил 10 йил МТЛга сургун қилинган. **29 ёш.**
16. 6677-сонли иш билан **Салимов Зокирбой**-1907 йил собиқ А. Икромов (ҳозирги Пастдарғом) райони Оқсой қишлоғида туғилган. машғулоти йўқ, **босмачилиги** учун отувга ҳукм этилган. **30 ёш.**
17. 6701-сонли иш билан **Қўшназаров Нишон**-1893 йил собиқ А.Икромов (ҳозирги Каттақўрғон) район, Ингичка қишлоғида туғилган, 1931 йил бандитлиги, 1932 йил **босмачилиги** учун отувга ҳукм этилган. **44 ёш.**
18. 6705-сонли иш билан **Юсупов Тожи**-1893 йил собиқ А.Икромов (ҳозирги Каттақўрғон) райони Бригани қишлоғида туғилган, қулоқнинг ўғли, 1934 йил **босмачилиги** учун 5 йилга қамалган, **отувга** ҳукм этилган. **44 ёш.**
19. 6693-сонли иш билан **Эрназаров Худойберди**-1901 йил Митан район Консарой қишлоғида туғилган, 1934 йил **босмачилиги** учун 8-йилга қамалган ва **отувга** ҳукм этилган. **36 ёш.**
20. 5404-сонли иш: **Бўронов Бозор**-1915 йил Кармана район Жалоир қишлоғида туғилган. 1935 йилда **босмачилик** билан 3 йилга қамалган. 1937 йил 19 август 10 йилга МТЛга сургун қилинган. **22 ёш.**
21. 5402-сонли иш: **Рахмонов Ғани**-1912 йил Кармана район Чунт қишлоғида туғилган. 1934 йил **босмачилик** билан 8 йилга қамалган. Отувга ҳукм қилинган. **25 ёш.**
22. 2363-сонли иш: **Турсунов Турди**-1882 йил туғилган. Бауман район. Маргуш қишлоғи. **Босмачи. 55 ёш.**

23. 2358-сонли иш: **Йўлдошев Тоғай**-1901 йил туғилган. Бауман район. Истамзи қишлоғи. **Босмачи-қўрбоши**. 1922 йил қулоқ қилинган. Отувга ҳукм қилинган. **36 ёш**.
24. 2357-сонли иш: **Бобоев Эшонқул**-1903 йил туғилган. Бауман район. Хўжаориф қишлоғи. 1937 йил 19 август 10 йил МТЛга сургун қилинган. Қочган. Отувга ҳукм қилинган. **Босмачи-қўрбоши**. **34 ёш**.
25. 2374-сонли иш: **Тоғаев Ақром**-1897 йил туғилган. Қизилтепа район, Узилишкент қ. Отувга ҳукм қилинган. **Босмачи-қўрбоши**, террорист, бандит. **40 ёш**.
26. 2380-сонли иш: **Ҳакимов Салим**-1881 йил туғилган. Қизилтепа район, Окбургут қ. 1937 йил 20 август 10 йил МТЛга сургун қилинган. **Босмачи**. **56 ёш**.
27. **Мўминов Шомил**-1907 йил туғилган. Кармана район, Явонмачит қ. 1930 йил судланган. Ов қуроли бўлган. **Босмачи**. Отувга ҳукм қилинган. **30 ёш**.
28. 5410-сонли иш: **Мухаммадов Нурбек** (унинг ўзи **Бекмухаммадов Нормухаммад**)-1880 йил. Бухоро район, Сариктанча қишлоғида туғилган. Савдогар. 1930 йил **босмачилик** учун 5 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 1937 йил 29 июлда 10 йилга МТЛга сургун қилинган. (Қашқадарё НКВД) **57 ёш**.
29. Сувонқулов Исмоил – 1898 йил туғилган, Ургут райони, Қўйқишлоқ қишлоғидан, ўзбек, собиқ қулоқ, 1932 йил қулоққа тортилган, **собиқ босмачи**. Ҳибсга олиган вақтда машғулоти аниқ бўлмаган.
30. Раҳмон Қурбонов – Бухоро районида **собиқ босмачи** ва Гиждувон районида Қўзи Рўзибов **собиқ босмачи** сифатида қатағон қилинган.¹²²

Шундай қилиб, тарихимизга “катта террор” йилларининг кулминацион нуқтаси сифатида кирган 1937-1938 йилларда минглаб юртдошларимиз каторида ўлкамизнинг, ватанимизнинг ҳурлиги, озодлиги, миллий дин мудофааси, миллат мустақиллиги учун 1917-1918 йилларда миллий истиқлол ҳаракатини олиб борган юртдошларимиз ҳам омон қолмадилар. Улар ҳам бу сиёсат домига тушиб, отувга ҳукм қилинди кўпчиликлари эса, Украина, Шимой Қозоғистон, Сибир ва бошқа бегона юрт тупроқларига сургун қилинди. Уларнинг тақдири ана шундай аянчли кечди. Демак, хулоса шундан иборатки, Ватан, миллат, халқ, миллий дин, миллий тил қисқа қилиб айтганда миллат ва миллият учун курашганлар, жонларини шу йўлга нисор этганлар ҳаёти ва фаолияти, қаҳрамонликлари, жасоратлари авлодлар қалбида мангу яшамоғи ва уларга ибрат бўлмоғи лозим.

¹²² Қаранг: Среднеазиатский кишлак в годы большого террора. Составители: Шамсутдинов Р., Юсупов Э., Хошимов., Дусматов Э. Андижан 2007 год. Стр. 179-188.

3.3. Умумий ўрта таълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртларида Ўзбекистон тарихи дарсларида «Совет мустабид тузумига қарши миллий истиқлолчилик ҳаракати» мавзусини ўқитишнинг илмий педагогик, методик жиҳатлари

«Совет мустабид тузумига қарши миллий истиқлолчилик ҳаракати» мавзусида ноанаънавий дарс.

XX аср Ўзбекистон тарихида, ўзбек халқи ҳаётида ҳам чуқур из қолдирди. Халқимиз бу асрда бир-биридан фарқли бўлган уч хил тузумни бошдан кечирди. Россия империяси ва мустабид совет тоталитар тартиботи асоратлари ортида қолди. 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг эълон қилиниши эса ўзбек халқи тарихидаги унутилмас воқеалардан бири бўлди.

Мавзунини ўрганиш жараёнида ўзбек халқининг доимо эркинлик, озодлик ва мустақиллик учун мустамлакачиларга қарши кураш олиб борганликлари ҳақидаги тарихий ҳақиқатни эътибор билан биргаликда, талаба ёшларини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш услубларини тадқиқ этишга асосий эътибор қаратилади.

Шу босидан ҳам умумий ўрта таълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртларида тарих ўқитишда «Совет мустабид тузумига қарши миллий истиқлолчилик ҳаракати» мавзусини ўқитишнинг илмий педагогик, методик жиҳатлари умумлаштирувчи – такрорлаш дарсини шундай усулда ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Дарснинг мақсади:

таълимий:

-ўқувчиларни мавзу бўйича билимларини системалаштириш, умумлаштириш ва мустаҳкамлаш;

ривожлантирувчи:

- тарихий ҳужжатларни таҳлил қилиш кўникмаларини такомиллаштириш;
- маълумотларни таҳлил этиш, умумлаштириш, фактларни таққослаш, манбалар асосида ҳикоя тузиш малакасини ривожлантириш;
- шахсий фикрни исботлаб, оппонентларнинг хато фикрларини рад этиш, муаммолар кўйиш ва ҳал этишга ўргатиш;

- ўқувчиларга ўз топқирлигини намоён қилиши учун имконият бериш;

тарбияловчи:

- ўқувчиларнинг тарихга бўлган қизиқишлари, иштиёқлари ва ҳурматларини оширишга кўмаклашиш;

- синф, гуруҳ жамоасининг умумий иш асосида жипслигини мустаҳкамлаш, ўз

командаси учун қайғуриш ҳиссини кучайтириш.

Дарс типи – ўқувчиларнинг билим ва кўникмасини мустаҳкамлаш.

Ўтказиш шакллари – маъруза, семинар, савол жавоб, ўйин-турнир. в.х

Жиҳози –тарихчи, ёзувчи ва бошқа арбобларнинг айтган фикрлари ёзилган плакатлар; командаларнинг номи; матнли топшириқлар; тарихий шахслар, арбобларнинг расмлари, тегишли адабиётлар кўргазмаси.

Командалар 5-6 нафардан иборат гуруҳларга бўлинади.

Дарсни бошловчи ўқитувчи олиб боради.

Режа

1. Бошловчининг кириш сўзи. Ўйин қондасини эълон қилиш.
2. Жамоаларни таништириш. Ўтказилаётган ўйиннинг ҳайъат аъзолари билан таништириш.
3. Жамоавий ва якка тартибдаги танловлар (жамоалар ва капитанлар мусобақаси).
И тур. Нима? Қаерда? Қачон?
ИИ тур. Бу сўзлар кимга тааллуқли?
ИИИ тур. Ким ҳақида сўз юритилаяпти? Унинг шахсини аниқланг.
ИВ тур. Тарихий терминларни аниқланг.
В тур. Капитанлар конкурси. “Харитани тикла”
ВИ тур. Ушбу матнда қандай сўз етишмаяпти. Уни тўлдир.
ВИИ тур. Хатосини топ!
ВИИИ тур. Капитанлар конкурси. Мантиқий сатрлар. Уларни тўғри жойла!
ИХ тур. Тарихий атамаларни биласизми?
Х тур. Хронологик топшириқни бажар!
4. Ўйин натижаларини эълон қилиш, ғолиб жамоа ва жамоа аъзолари ва капитанларни рағбатлантириш.

Ўйин қондаси.

1. Ўйинда 5-6 нафар ўқувчилардан иборат жамоалар иштирок этади (агарда ўйин синфдан ташқари умуммактаб тадбири сифатида ўтказилса, унда ҳар бир ёндош синф ёки курслар бўйича жамоалар тузилади).
2. Жамоаларнинг тайёрланиши ва ҳар бир тур бўйича жавоблари учун маълум вақт ажратилади. ҳар бир турнинг бошланиши ва тугаши овозли сигнал ёрдамида билдирилади.
3. Конкурс саволларига жавобларни ўз номи ёки симболи ёзилган плакатни кўтарган команда беради.
4. Агар жамоа тўлиқ жавоби беролмаси ёки қийналса, жавоб бериш ҳуқуқи

бошқасига ўтади.

5. Тартибни бузишга йўл қўйилмайди. Агар шундай ҳолат рўй берса жамоадан 2 балл олиб ташланади.
6. ҳар бир тур якунида музикали пауза берилиб, шу вақтда ҳайъат аъзолари натижаларни умумлаштирадilar.
7. Энг кўп балл тўплаган команда ғолиб бўлади.
8. Ўйин охирида бутун конкурснинг натижалари якунланади. Фаол қатнашган ўқувчилар ва жамоалар рағбатлантирилади.

II тур. Нима? Қачон? Қасрда?

(1жавобга – 1 балл).

3 та саволга тўғри жавоб берилиши керак.

1. Туркистонда 1918-1935 йилларда олиб борилган миллий истиқлол ҳаракати қандай ном олган?

Туркистонда октабр тўнтаришидан кейин содир бўлган воқеалар жараёни шунини кўрсатадики, болшевиклар ўрнатган совет режими ўлка халқларига нафақат мустақиллик, ҳатто миллий мухториятни ҳам раво кўрмади. Мустақиллик осонликча қўлга киритилмаслигини тушуниб етган миллий ватанпарварлар қўлга курул олиб, болшевиклар ва босқинчи қизил армияга қарши истиқлолчилик ҳаракатини бошлаб юбордилар. Совет режими ва коммунистик мафкура ҳукмронлиги йилларида уларга "босмачи" деб ноҳақ тамга босилди.

2. Истиқлолчилик ҳаракатининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи кимлардан иборат эди?

Истиқлолчилик ҳаракатининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи деҳқонлар, чорикорлар, мардикорлар, хунармандлар ва косиблар эди. Туркистон республикаси раҳбарларидан бирининг эътироф этишича, истиқлолчилик ҳаракатида асосан деҳқонлар ва хунармандлар қатнашди. Уларга шаҳар аҳолисининг аксарият қисми: изига тик бадавлат оилаларнинг вакиллари, савдогарлар, ислом дини арбоблари ҳамда баъзи бойлар қўшилди. Истиқлолчилар сафида оқ-қорани тушунган саводхон кишилар — зиёлилар ҳам кўпчилиكنи ташкил қиларди ва улар жади́длар орасидан ажралиб чиққан Туркистон мунавварлари ва муборизлари эди. Бир сиз билан айтганда, истиқлолчилар сафида халқнинг барча табақасига мансуб кишилар бор эди.

3. Туркистон миллий истиқлол ҳаракати тўғрисида қайси хорижий манбалар маълумот беради?

Туркистон миллий истиклол ҳаракати тўғрисида Абдуллоҳ Ражаб Бойсун. Туркистон миллий ҳаракатлари. (Истамбул. 1943-1945.) Абдимўмин Абдурахмон. Турон тарихига ёғдулар. (Истамбул. 1994.),

Али Бодомчи. 1917-1934 йиллардаги Туркистон миллий истиклол ҳаркати ва Анвар Пошо. Қўрбошилар. (Истамбул. 1975.), Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бугунги турк эли. (Истамбул. 1981. 2-нашр), Боймирза Ҳайит. “Босмачилик”. Туркистон миллий мужодала тарихи. (1917-1934). (Туркия давлат вақфи нашрлари. Анқара. 1997.), “Босмачилик”. Туркистонда 1917-1934 йиллардаги миллий кураш. (Кёльн, 1992., Туркистан им жаҳрхундерт. Дармстадт. 1956 жаҳр.), Шаҳобиддин Яссавий. Туркистоннинг аччиқ ҳақиқатлари. (Анқара, 1984.), Жозеф Кастане Туркистан милли кутулиш Ҳаракети. (Истанбул. 1981), Гленда Фрезер¹⁴ Басмачи-И. Сентрал Асиан Сурвей, (Оxford, 1987, № 1, p. 51), Мусо Туркистоний. Улуғ Туркистон фожеаси. (эски ўзбек ёзувида) (Мадина, 1979.) каби манбалар маълумот беради.

III тур. Бу сўзлар кимга тааллуқли?

(1жавобга – 2баллдан).

1. “Бу ҳаракат умум Туркистон истиклоли учун бир ёқадан бош чиқарган ватанпарварларнинг ҳаракатидир.

Бу ҳаракат – чингизийларнинг, темурийларнинг, Улуғбекларнинг, Навоийларнинг юртини Москов таҳдидидан халос этиш демакдир.” **(Шермуҳаммадбекга)⁸**

2. “Босмачилик ҳаракати Туркистонда 1918 – 1923 йиллар охирида фаол ҳаракатларга эга ҳолда бутун қувватини ўзига жалб этиб ўртага чиққан муаззам оходлик ҳаракатидир **(Аҳмад Закий Валидий Тўғон)⁹**

3. Босмачилик Туркистон халқининг бегона ҳокимиятга қарши миллий . исёнидир”.

(Ҳарбий комиссар Соколов)¹⁰

4. "...Дастлабки даврларда босқинчилик руҳида бўлган бу ҳаракат эндиликда сиёсий мазмун касб этди. Шунини таъкидлаш лозимки, 1919—1920 йилларга келиб Фарғонада қароқчилик, босмачилик эмас, балки изига хос халқ қизғолони вужудга келди.

(ХКС раиси Қайғусиз Отабоев)⁴

⁸ Али Бодомчи. Туркистон миллий истиклол ҳаракати ва Анвар Пошо. Қўрбошилар. 1 – жилд, Анқара. 1975 йил, 20 – бет

⁹ Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлинггани бўри ер. Т.: “Адолат”, 1997 йил, 90 – бет.

¹⁰ Шамстудинов Р. Ўзбекистон тарихидан материаллар. Андижон, 2004 йил, 137 – бет.

⁴ Қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи. Т.: “Шарқ”, 2000 йил, 90 – бет.

ИИИ тур. Ким ҳақида сўз юритилипти?

Унинг шахсиятини аниқла!

(1жавобга – 2 баллдан)

1. Шарқий Бухородаги ҳаракатга бошчилик қилган лақай уруғига мансуб “Ислом лашкарбошиси” номини олган йирик мужлҳид кўрбоши?
(Иброҳимбек)⁵
2. Туркиядан келиб Туркистондаги миллий истиқлолчилик ҳаркатги раҳбарлик қилган кўрбоши?
(Анвар Пошо)⁶
3. Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманидаги Саидкент қишлоғида туғилган, Ғарбий Бухородаги (Кармана, Нурота ва Хатирчи) ҳаракатга раҳбарлик қилиб, 1934 йил Қизилқумда халок бўлган кўрбоши.
(Мулла Абдулқаҳҳор)⁷

ИВ тур. Тарихий терминларни аниқла.

(1топшириққа – 2 баллдан).

1. Ғарбий Бухоро деб қаер назарда тутилган
(Кармана, Бухоро, Нурота)
2. Кўрбоши атамасини изоҳланг
(Миллий истиқлолчилик ҳаракатининг йўлбошиси, қўшин қўмондони)
3. Мужоҳид сўзининг маъноси нима?
(Миллий истиқлол йўлида дин учун курашувчи)
4. Ўлкамизда шўролар ҳукмронлиги ҳукм сурган даврда миллий истиқлол ҳаракати иштирокчиларидан кимлар мунавварлар деб аталган?
(Жадидлар)

В тур. Капитанлар конкурси

“Харитани тикла”

(топшириқнинг бажарилиши- 5 балл).

⁵ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Т.: “Шарқ”, 2000 йил, 254 – бет.

⁶ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Т.: “Шарқ”, 2000 йил, 256 – бет.

⁷ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Т.: “Шарқ”, 2000 йил, 258 – бет.

Бунда команда капитанларининг ҳар бирига ўлкамизда миллий истиқлол ҳаракати бўлиб ўтган жойларнинг аниқ харитасини ўз дунёқараши ва тарихий билимларидан келиб чиқиб чизиши талаб қилинади. Капитанлар бу хариталарни изохлаб бериши ва турили даврлардаги ўзгаришларини айтиши лозим.

ВИ тур. Ушбу матнда қандай сўз егишмаяпти. Уни тўлдир.

(ҳар бир тўғри жавобга - 1 баллдан).

1. Миллий истиқлол ҳаракати йилларда бўлиб ўтди.
2. Миллий истиқлолчилик ҳаракатининг йирик раҳнамолари.....лар Қўйи Зарафшон воҳасида фаолият олиб бордилар.
3. “Бухоро халқининг ҳасрати тарихи” асарининг муаллифи.....дир.
4. Миллий истиқлолчилик ҳаракати..... катта икки йирик даврни: йилларни ўз ичига олади.
5. “Балжувон” марсиясининг муаллифи.....дир.

ВИИ тур. Хатосини тузат! (1жавобга- 2 балл).

1. Мулла Абдулқаҳҳор Хоразм миллий истиқлол ҳаракатининг етук номоёндаси.
2. Миллий истиқлол ҳаракати дастлаб Бухоро воҳасидан бошланган.
3. Анвар Пошо Афғонистондан келиб Бухородаги миллий истиқлол ҳаракатида фаол иштирок этди, кейин Туркияда вафот этди, унинг хотирасига атаб Беҳбудий марсия ёзди.
4. Ўлкамизда “босмачилик” деб нотўғри талқин қилинган миллий истиқлолчилик ҳаракати 1916 – 1945 йилларда бўлиб ўтди..

ВИИИ тур. Капитанлар конкурси.

Мантиқий сатрлар. Уларни тўғри изохла!

(3 балл).

- а) Фарғона, 1918 йил февраль, Туркистон мухторияти, Бачқир қишлоғи, Эргаштом овули, Кичик Эргаш, Катта Эргаш
- б) Бухоро: ғарбий, шарқий, марказий, Мулла Абдулқаҳҳор, БХСР, Мулла Латиф девонбеги, Нодира қиз, Фузайл маҳдум, Қорақулбек, ёш бухороликлар, Нурота, Кармана, Хатричи.
- с) Иброҳимбек, Анвар Пошо, Файзулла Хўжаев, Амир Саййид Олимхон, Жабборбек,

Дониёлбек, Давлатмандбек, Усмонхўжа Пўлатхўжаев.

**ИХ тур. Миллий истиқлол ҳаракати тарихига оид муҳим тарихий жой, тарихий
воқеалар ва тарихий шахслар ҳақида гапириб ўт!
(1жавоб – 1 балл).**

Бунда ҳар иккала жамоа бир – бирларига миллий истиқлол ҳаракати тарихига оид тарихий жой, тарихий воқеалар ва тарихий шахслар ҳақида бир сўз айтади. Рақиб жамоаси эса уни тўлиқ шарҳлаб беради.

Х тур. Саволларга жавоб бер!

Мустақил ҳолда

(1жавоб – 1 баллдан).

1. Миллий истиқлол нима?
2. Ватан нима?
3. Миллий қаҳрамонлик деганда нимани тушунаси?
4. Миллий истиқлолчилик ҳаракатитарихига оид қандай тарихий ва бадиий асарларни ўқигансиз?
5. Миллий истиқлолчи кучларнинг “босмачи” эмаслигини исботлаб беринг?
6. Сизнингча, Ватан қаердан бошланади?
7. Ватанни қандай севиш мумкин?
8. Тарихий Ватан деганда нимани тушунаси?
9. Тарихни ўрганишдан мақсад нима?
10. Ватан ҳақида буюклар нима деган? Мисоллар келтиринг.

Ўйин-турнир якунланиб натижаси чиқарилгач, ўқитувчи дарсда нимага эришилганлигини таъкидлайди. Ўйин – дарс иштирокчилари эришган натижаларига кўра рағбатлантирилади.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Ватан тарихининг долзарб масалари тўғрисида тўхталиб, “Она юртимиз Туркистонга ёв бостириб келганда ҳам, инкилоб даврида ҳам “босмачи” деган уйдирмалар чиққан пайтда ҳам, сўнгги йиллар давомида “ўзбек иши”, “пахта иши” деган маломат ва бўҳтонлар авж олган, “десантчилар” келиб хонадонларимизни хонавайрон қилган вақтларда ҳам Фарғона фожеаси туфайли халқимиз бошига ёғилган бало–офатларнинг барчасининг сабаби ва илдизини юртимизда адолат мезони бузилганидан кўриш керак. Ўйлайманки, шу кўз билан тарихимизнинг

аламли саҳифаларига тўғри баҳо – изоҳ берсак, кўп нарсани жой – жойига қўйишимиз мумкин. Шундай вазифани авваломбор олимларимиз, тарихчиларимиз, адабиётчиларимиз, эл– юртимизнинг ҳақиқий ватанпарварлари ўз зиммасига олишлари даркор”,¹²³ деб таъкидлаган эдилар.

Дарҳақиқат, биз тарихчилар “босмачи”, “босмачилик” деган сўзлар ўйлаб тўқилган 1918 -1935 йилларни тарихимизнинг аламли саҳифаларидан бири сифатида тадқиқ ва таҳлил қилиш, ҳолисона баҳолашни долзарб вазифалардан бири деб ҳисоблаймиз. Бу мавзу қарийиб олтмиш йилдирки, нафақат ўзбек ва рус олимлари, балки, хорижий тарихшунослар эътиборини ҳам ўзига жалб қилиб келди. Аммо 75 йиллик совет тарихшунослигида мазкур масала, юқорида қайд этиб ўтилганидек, сохталаштириб, бузиб келинди. Мустақиллик туфайли тарихимизнинг бошқа даврлари каби, бу ҳаракат ҳам тамомила янгича нуқтаи назардан туриб ўрганилмоқда.

Миллий истиқлолчилик ҳаракати ўзининг туб мазмун – моҳиятига кўра, Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун курашлар тарихидир. Ҳақиқий миллат фарзандлари учун ватаннинг катта – кичиги, яхши – ёмони, бой – камбағали, чўлу – даштлиги, серунум воҳалиги-ю, тоғу-тошлигининг аҳамияти бўлмайди. Муҳими Ватан улар учун киндик қони тўқилган жой, она каби азиз ва мўътабар саждагоҳдир.

Демокчимизки, 1917-1935 йилларда ватанмизда олиб борилган миллий истиқлолчилик ҳаракати ҳам ҳақиқий маънодаги Ватан фарзандларининг, миллат ўғлонларининг озод, ҳур Туркистон учун курашлари тарихидир. Бу ҳаракатда Ватан озодлиги курашда 5 миллион 600 минг киши шаҳид бўлди, чет элларда муҳожирлик азобини тортдилар. Сибир сурганларида ҳалок бўлди, майиб ва мажруҳ бўлиб қолдилар.¹²⁴ Лекин шунга қарамай миллий истиқлол ҳаракати бир дам тўхтамади. Гоҳ яширин, гоҳ ошкор, гоҳ қурол билан, гоҳ ғоя билан курашдаилар. Мустақилликка эришишнинг эса, ягона йўли бу маърифат эди. Қадим – қадимдан юксак маънавият ва маърифат арбобларини тарбиялаган, бешигида авлиёлар ўсган, жаҳон тан олган даҳолар юрти доно йўлбошчиси билан дорлуомон кунларга етиб келди. Мустақиллик қўлга киритилди. Бу мустақилликда 1918-1935 йилларда фаолият олиб борган миллий истиқлолчи кучларнинг ҳам ҳиссаси катта. Шу маънода, Зарафшон воҳаси миллий истиқлол ҳаракатининг ҳам ўзига хос хусусиятлари, шарт – шароитлари мавжуд. Улар қуйидагилар:

Биринчидан, 1918-1935 йиллар Қўйи Зарафшон воҳаси миллий истиқлолчилик ҳаракати ватанимиз тарихининг узвий ажралмас бўлагидир. Бу ерда олиб борилган миллий истиқлолчилик ҳаракати катта икки даврни 1918-1924 ва 1925-1935 йилларни ўз

¹²³ Каримов И. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд, Т.: “Ўзбекистон”, 1996 йил, 349 – бет.

¹²⁴ Қаранг: Шамсутдинов Р. Ўзбекистон тарихидан материаллар. Андижон, 2004 йил, 345 – бет.

ичига қамраб олади. Ҳаракатнинг юқори чўққиси биринчи даврда 1918-1924 йилларда бўлиб ўтди ва ўз навбатида уч босқични қамраб олди. Масалан, **биринчи босқич – 1920 йил кузи – 1921 йил октябр**ни ўз ичига олади. Бу даврда собиқ амирлик ҳудудида истиқлолчилик ҳаракати бошланди. Энг аввало Шарқий ва Ғарбий Бухорода юзага келган бу ҳаркат тез орада бутун Бухоро ҳудудини қамраб олди ва дастлабки ғалабаларга эришилди. Қизил аскарларга қарши курашни Бухоронинг сўнгги амири Саййид Олимхон бошқаришга уринди. Бироқ 1921 йил мартда у Шарқий Бухоро ҳудудидан Афғонистон давлатига ўтиб кетди. Мужоҳидлар қўшинига Шарқий Бухорода Иброҳимбек, Ғарбий Бухоро яъни Бухоро, Гиждувон, Кармана, Нурота, Хатирчида эса Мулла Абдуқаҳҳор ва бошқа кўрбоши дасталари раҳбарлик қилишди.

Ҳаракатнинг **иккинчи босқичи 1921 йил ноябр – 1922 йил август** ойини ўз ичига қамраб олади. Бу давр ҳаракатнинг энг кучайган даври ҳисобланиб, машҳур саркарда Анвар Пошонинг Бухорога келиши билан бевосита боғлиқдир. Истиқлолчилар бу пайтда деярли бутун Шарқий Бухорони қизил аскарлар қўлидан озод қилишди. Ғарбий Бухородаги истиқлолчилар ҳам Мулла Абдуқаҳҳор ва бошқа йирик кўрбошилар етакчилигида республика пойтахти Бухоро шахрининг катта қисми ва унинг атроф туманларини эгалладилар.

Бухоро республикасидаги истиқлолчилик ҳаракатининг **учинчи босқичи – 1922 йил сентябр – 1924 йил охирлари** билан характерланади. Бу босқичда ҳаракат асосан икки йўналиш: Шарқий Бухорода Иброҳимбек бошчилигида ва Ғарбий Бухорода Мулла Абдуқаҳҳор етакчилигида кечди. Бу пайтда Иброҳимбек, Салим Пошо, Мулла Абдуқаҳҳор ҳаракатга умумий раҳбарлик қилдилар.¹²⁵

Иккинчидан, Қуйи Зарафшон воҳасида миллий истиқлол ҳаракатини вужудга келтирган омилларнинг энг асосийси Ватан озодлиги ва ҳурлиги бўлса, яна бири ўлка халқларининг мустабид шўролар томонидан аёвсиз таланиши, мустамлака асроатига солиниши, халқимизнинг миллий ва маданий камситилиши эди. Чунки, “империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб ҳисоблашар эди”.¹²⁶

Учинчидан, Қуйи Зарафшон воҳаси хусусан, Бухоро амирлиги ҳудудида бу ҳаракат уч йирик минтақада: ғарбий, шарқий ва марказий қисмларда олиб борилди. Бу уч минтақада ҳам ушбу ҳаракатнинг ўз раҳнаmolари бор эди.

Тўртинчидан, Нафақат Қуйи Зарафшон воҳасида балки, бутун Бухоро амирлигида 1917 йилдан 1925 йилгача сиёсий вазият ниҳоятда оғир эди. Миллий раҳбарлар

¹²⁵ Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. (1920-1924) й. Т., “Маънавият”, 2002., 141-142 – бетлар.

¹²⁶ Қаранг: Каримов И. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб ҳисоблашар эди. «Халқ сўзи», 2005, 15 январь.

истиклолчи кучлар, халқ уч қутбга ажралиб қолган эди. Биринчи қутб тарафдорлари Бухоронинг озодлигида Россияга кўз тутар, яна бири конституцион монархия тарафдори бўлса, учинчи қутб демократик давлат қуриш орзусида эдилар. Шу билан бирга миллий истиклол ҳаракатининг номоёндалари орасида ҳам мазкур ҳолатни кузатиш мумкин. Масалан, мулла Абдулқаҳҳор, Иброҳимбек, Ҳожи Латиф девонбеги каби кўрбошилар гуруҳи амирлик тузуми тарафдори бўлса, бошқа бир гуруҳ миллий истиклолчи кучлар, масалан, БХСРнинг собиқ раҳбарлари амирликка умуман қарши эдилар. Хуллас, Бухорода миллий ва сиёсий низолар кучайган бир давр эди. Бу эса ўз навбатида ўлкадаги миллий истиклолчиликка ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади.

Бешинчидан, Қуйи Зарафшон воҳасидаги миллий истиклолчилик ҳаракатида бошқа минтакалардан фарқли ўлароқ жаиди зиёлилари билан бир қаторда дин уламолари ҳам иштирок этдилар.¹²⁷ Масалан улар орасида миллий озодлик курашига раҳбарлик қилган ва унинг ғоявий мафкурачилари бўлган ислом уламолари орасида яссавийлик ва нақшбандийлик тариқатининг пирлари кўп бўлишган. Хусусан, хорижлик тарихчи Мэри Броскапнинг таъкидлашича, Ислом Паҳлавон ва Мула Деҳқон кўрбошилар тасаввуфнинг йирик шайхлари эдилар.¹²⁸ Истиклолчилик ҳаракатининг бу мавзуси ҳамон эътибордан четда қолмоқда. Ўз тадқиқотчисини кутаётган йирик диссертацион ишдир.

Олтинчидан, Қуйи Зарафшон воҳасидаги ватанпарвар кучлар қизил армия қисмларига қарши қарийиб беш йил давомида шиддатли жанг ҳаракатларини олиб бордилар. Бу курашда Қуйи Зарафшон воҳаси аҳолиси фақат ўз куч ва имкониятларига суяниб, большевиклар қисқа муддат ичида ташкил этган қудратли ҳарбий давлатнинг тиш – тирноғига қуролланган армиясига қарши тура олдилар. Қуйи Зарафшон воҳаси истиклолчиларининг жуда кўп қисми ўз юртлари мустақиллиги ва бозодлиги учун курашларда қурбон бўлдилар. Тирик қолган ва узоқ жанглардан чарчаган ва толиққан фидоийларнинг аксарияти янги ҳукуматга таслим бўлдилар.¹²⁹ Таслим бўлишни ҳахламаган миллий ватанпарварлар эса Афғонистон ва бошқа хорижий давлатларга муҳожир бўлиб кетишни афзал кўрдилар. Улар билан биргаликда ўн минглаб бухороликлар ҳам табурук ва муқаддас Ватан тупроғини ташлаб, чиқиб кетишга мужбур бўлдилар. Манбаларда кўрсатилишича, бухоролик муҳожирлар сони 400.000 киши атрофида бўлган.¹³⁰

¹²⁷ Ражабов Қ. Туркистондаги истиклолчилик ҳаракатида уламолар ғоявий раҳнамо бўлганми? //Фалсафа ва ҳуқуқ, 2006 йил, Махсус сон. 31- 33 – бетлар.

¹²⁸ Қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи. Т.: “Шарқ”, 2000 йил, 95 – бет.

¹²⁹ Қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи. Т.: “Шарқ”, 2000 йил, 260 – бет.

¹³⁰ Қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи. Т.: “Шарқ”, 2000 йил, 260 – бет.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов.И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., “Шарқ”, 1998.
2. Каримов.И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008.
3. Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. (1920-1924) й. Т., “Маънавият”, 2002.
4. Ражабов Қ. Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати; моҳият ва асосий ривожланиш босқичлари (1918-1924 йиллар). Т.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация Т.: 1994 йил.
5. Ражабов Қ. Вооруженное движение в Туркестанском крае против советского режима (1918-1924гг). Автореферат диссертации док.ист.наук. Тошкент, 2005.
6. Ражабов Қ, Ҳайдаров М. Туркистон тарихи. “Университет”, 2002.
7. Ражабов Қ. Мустиқил Туркистон учун мужоҳадалар 1917-1935 йиллар. Тошкент. 2004.
8. Ўзбекистоннинг янги тарихи. (иккинчи китоб). Т., “Шарқ”, 2000.
9. Амир Саййид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. Т, “Фан”, 1991.
10. Мунаввар Қори Абдурашидхонов. Хотираларимдан. Т. “Шарқ”, 2001 йил,
11. Ислом Усмон, Алихон Шермат. Ҳижрон. Т., “Меҳнат”, 1993.
12. Ориф Деггароний Марказий Осиё тасаввуф таълимотининг буюк валийси. Навоий, 2007.
13. Алихонтўра Соғуний. Туркистон кайғуси. (биринчи китоб), Т., “Шарқ”, 2003.
14. Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Хотиралар. “Шарқ юлдузи”, 1993 йил, 4-5-6-7-8-9 сонлар.
15. Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлинганны бўри ер. Т., “Адолат”, 1997.
16. Боймирза Ҳайит. Туркистонда миллий кураш тарихининг асосий манбалари. “Эрк” газетаси, 1990 йил, 1-октябрь, №19-сон.
17. Шамсутдинов Р. Ўзбекистон тарихидан материаллар. (учинчи китоб). Андижон. 2004.
18. Алимова Д.А. Историческое мировоззрение джадидов и их проекция будущего Туркестана.//в кн: Туркистон мустиқиллиги ва озодиғи учун кураш саҳифаларидан.-Тошкент, 1996.
19. Алимова Д.А. Файзулла Ҳўжаев ва жадидчилик. (Ф.Ҳўжаев асарлари асосида) // Ф.Ҳўжаев ҳаёти ва фаолияти ҳақида янги мулоҳазалар тўпламида. - Тошкент, 1997.

20. Алимова Д.А. Голованов А.А. // Ўзбекистон мустабид совет тузуми даврида: сиёсий ва мафкуравий тазйиқ оқибатлари. Ташкент, 2000.
21. Зиёева Д. Туркистон миллий озодлик ҳаракати. Тошкент. 2000.
22. Зиёева Д. Туркистон миллий озодлик ҳаракати. (Мустабид тузумга қарши 1916 йил ва 1918-1924 йиллардаги халқ курашлари тарихшунослиги). Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.
23. Шодмонова С. Немис ва турк тарихшунослигида совет мустамлакачилигига қарши кураш масалалари. Т.: “Абу матбуот – концальт”, 2008 йил
24. Санаев Исмат. Зиёвуддин тарихи. Т., “Шарқ” 1995 йил, (221-бет).
25. Ўзбегим. “Ватан” серияси. Т., 1992 йил.
26. Ўғузхондан қолган мулк. “Ватан” серияси. Т., 199--- йил.
27. Дилшод Ражаб. Жилвон ўғлони. Т., 2001 йил.
28. Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи Нофеий. Т., “Академия”, 2001.
29. Боқиев М. Ғиждувоннома. Т., “Янги аср авлоди”, 2001.
30. Иброҳим Карим. Мадаминбек. Т., “Ёзувчи”, 1993.
31. Саййид Мансур Олимий. Бухоро Туркистоннинг бешиги.
32. Салим Мухтор, Карим Бобомурод. Шофиркон тарихи. “Ёзувчи”, 1998.
33. Набиев А. Жанговар йиллардан лавҳалар. Т., 1968, 13-бет.

Мақолалар:

34. Ражабов Қ. Туркистон аёл кўрбошилари қисмати. “Гулистон”, 2002 йил, № 2, 12-13-бетлар.
35. Ражабов Қ. Мадаминбекнинг Сафоновга йўллаган мактуби. //Саодат. 1993 йил, №4-5сонлар, 23-26 – бетлар.
36. Ражабов Қ. Бухоро Халқ Республикаси: монархиядан демократия сари дастлабки қадамлар (1920-1924 й.й)// Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар. Т.: “Шарқ”, 1999., 149-158 – бетлар.
37. Ражабов Қ. Бухоро кўрбошилари. //Фан ва турмуш, 1998, №6, 18-29 б.
38. Ражабов Қ. Истиқлолимиз сарчашмалари//Гулистон, 1997, №1, 10-12 б.
39. Ражабов Қ. 20-йилларда Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракатининг таниқли ғоявий мафкурачилари ва йўлбошилари. //Ўзбекитонда ижтимоий фанлар. 1998, №10-11, 29-36 – бетлар.
40. Ражабов Қ. Мустақли Туркистон учун мужодалар.(1917-1935 йиллар)//Жамият ва бошқарув, 1998. №3-4.
41. Ражабов Қ. Жафокаш. //Ёзувчи.1997,№4, 26-февраль.

42. Ражабов Қ. Ғолиб армиянинг қора ишлари.//Шарқ юлдузи,1998, №6, 163-180 – бетлар.
43. Ражабов Қ. Файзулла Хўжаев ва миллий истиқлол ҳаракати//Файзулла Хўжаевнинг ҳаёти ва фаолияти
44. Ражабов Қ. Бухоро мужоҳидлари ва Мулла Абдулқаҳҳор қўрбоши. // Ўзбекистоннинг янги тарихи. Концептуал-методологик муаммолар мавзуидаги республика илмий-назарий анжумани материаллари. Тошкент. 1998.
45. Ражабов Қ. Истиқлолчи деган маъкул. //Фан ва турмуш. 1995. № 3.
46. Ражабов Қ. “Босмачи”ни қандай баҳолаш керак? Истиқлолчи деган маъкул.//Фан ва турмуш. 1995, 5-7 бетлар.
47. Ражабов Қ. Туркистон минатқасидаги истиқлолчилик ҳаракати тарихининг даврлаштириш муаммолари (1918–1935 йиллар)// “Ўзбекистон тарихи”, 2000, №1-2, 80-89 – бетлар.
48. Ражабов Қ. Туркистон аёл қўрбошилар қисмати.//Гулистон, 2002, №2.
49. Ражабов Қ. Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатида мустақил давлатчилик ғоялари.// Жамият ва бошқарув, 2002,№3, 24-29 – бетлар.
50. Ражабов Қ. Истиқлол шахидлари. // Шарқ юлдузи, 2002, №4, 107-129 – бетлар.
51. Ражабов Қ. Туркистон қўрбошилари қисмати.//Гулистон, 2003,№1,12-13 – бетлар.
52. Ражабов Қ. Бухоро республикасида истиқлолчилик ҳаракати:Анвар Пошо бошчилигида олиб борилган жанглар (1921 йил ноябрь – 1922 йил август) //Бухоро мавжлари, 2004, №1,25-29, №2, 27-31,№3, 25-29-б.
53. Ражабов Қ. Қўрбошилар курултойлари ва уларнинг аҳамияти.//Турон тарихи. Тўплам. 2004, 5-қисм, 22-26 – бетлар.
54. Ражабов Қ. Қўрбошиларнинг ҳарбий ташкилоти ва қўшин бошқаруви//Муҳофаза. 2005, №3, 16-18 – бетлар.
55. Ражабов Қ. Қўрбошиларнинг ҳарбий сиёсий ташкилоти//Мозийдан садо, 2005, №4,29-31 – бетлар.
56. Ражабов Қ. Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатида уламолар ғоявий раҳнамо бўлганми? //Фалсафа ва ҳуқуқ, 2006 йил, Махсус сон. 31- 33 – бетлар.
57. Ражабов Қ. Туркистон минтақасида совет режимига қарши куруллой ҳаракат (1918-1924 й.й.)нинг хорижий тарихшунослиги// Ўзбекистонда тарих фани: ютуқлар ва ривожланиш муаммолари. Тарихшунослик ўқишлари – 2004 материаллари, 2-қисм, Т.: 2006, 20-25 – бетлар.
58. Ражабов Қ. Туркистондаги истиқлол ҳаракатининг назарий ва методологик масалалари.// Турон тарихи, 2007, 6-10 – бетлар.

59. Ражабов Қ. Истиқлол ҳаракати фидойиси. //Фалсафа ва ҳуқуқ, 2007 йил, №3, 27-29 – бетлар.
60. Ражабов Қ. Жадидлар—истиқлолчилик ҳаракатининг ғоявий раҳномолари. //Жадидлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар. Давра суҳбати материаллари. 1999, 11-12 - бетлар.
61. Шамсутдинов Р. Парпибек ва Охунжон кўрбоши. // “Фан ва турмуш”, 1996 йил, 2-сон.
62. Шамсутдинов Р. “Босмачилик” ҳақида ўйлар. // “Мулоқот”, 1993 йил, 5-7 сонлар.
63. Шамсутдинов Р. Шермуҳаммадбек ҳаётига чизгилар.//“Фан ва турмуш”, 1999 йил, 2-4-сонлар.
64. Шамсутдинов Р. “Босмачилар” ким бўлган. //“Фан ва турмуш”, 1997 й, 8-сон.
65. Шамсутдинов Р. Фарғона кўрбошилари. //“Фан ва турмуш”, 1997 й, 2-сон.
66. Зияева Д. Сохта ва чин ҳақиқатлар ёхуд тарихимизнинг ўқилмаган саҳифалари хусусида//Тафаккур. 1998 йил, №3 сон, 64-69-бетлар.
67. Зияева Д. Туркистон мустақиллиги учун кураш.//Жаҳон адабиёти.1998 йил, июль, 193-198 – бетлар.
68. Зияева Д. Туркистонда 1918–1924 йиллардаги мустақиллик учун кураш масалалари//Ўзбекистоннинг янги тарихи: Концептуал – методологик муаммолар. Т.: “Академия”, 1998 йил, 75 – 79 – бетлар.
69. Зияева Д. Ўзбекистон тарихи: янги нигоҳ. Давра суҳбати материаллари. Т.: 1998 йил, 25- 33 – бетлар.
70. Зияева Д. Туркистонда миллий озодлик учун кураш тарихшунослиги масалалари. //Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар. Т.: “Шарқ”, 1999 йил, 123-136 – бетлар.
71. Зияева Д. Туркистон миллий озодлик ҳаракати. Т.: 2000 йил, 174 – бет; Босмачилик: ҳақиқат ва уйдирма. Т.: “Ўзбекистон”, 2000 йил, 31 – бет.
72. Рашидов У. Бухоро босмачилари аслида ким эди?// Мулоқот, 1994, №4
73. Рашидов У. Қаршилик ҳаракати - ҳаммасини қамрайди // Фан ва турмуш. 1996.
74. Рашидов У. Анвар пошшо // Фан ва турмуш. 1994, № 2.
75. Рашидов У. "Қаршилик ҳаракати "- ҳаммасини қамрайди // Фан ва турмуш. 1996.
76. Рашидов У. Ғарбий Бухорода қаршилик ҳаракати ва маҳаллий қурбошилар // Ўзбекистоннинг янги тарихи. Концептуал-методологик муаммолар мавзuidaги республика илмий-назарий анжумани материаллари. Тошкент,1998.
77. Рашидов У. Анвар Пошо.//Фан ва турмуш. 1994, №2, 18-19 – бетлар.

78. Хайрулла Исмадулла. Хуриятга интиланган хур қиз. “Миллий тикланиш”, 2000 йил 8-август.

Мавзу бўйича давра суҳбатлари ва лойиҳалар:

79. “Босмачилик”: ҳақиқат ва уйдирма. Давра суҳбати. Т., “Шарқ юлдузи”, 1991 йил, 3-сон.
80. Истиклолисимизнинг тарихий илдизлари (Давра суҳбати) // Шарқ юлдузи.- 1995.-№ 11-12. Б. 3-29;
81. Марказий Осиё XX аср бошида: ислохотлар, янгиланиш, тараккиёт ва мустақиллик учун кураш. Жадидчилик, мухториятчилик, истиқлолчилик. Материалы международной конференции.- Т.: Маънавият, 2001.
82. Жадидчилик мустақиллик даври тарихчиси талқинида // Ўзбекистон тарихи: Янги нигоҳ. Жадидлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар. Давра суҳбати материаллари. Тошкент, 1998.
83. Тарих шохидлиги ва сабоқлари. Чоризм ва совет мустанлақчилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг узлаштирилиши.. /Лойиҳа раҳбари ва масъул муҳаррир: Д.А.Алимова/.-Т.: «Шарқ», 2000.

Хорижда нашр этилган адабиётлар:

84. Абдуллоҳ Ражаб Бойсун. Туркистон миллий ҳаракатлари. Истамбул. 1943-1945.
85. Абдимўмин Абдурахмон. Турон тарихига ёғдулар. Истамбул. 1994.
86. Алексеенков П. Что такое басмачества. Т., 1930.
87. Али Бодомчи. 1917-1934 йиллардаги Туркистон миллий истиқлол ҳақати ва Анвар Пошо. Қўрбошилар. Истамбул. 1975.
88. Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бугунги турк эли. Истамбул. 1981. 2-нашр
89. Боймирза Ҳайит. “Босмачилик”. Туркистон миллий мужодала тарихи. (1917-1934). Туркия давлат вақфи нашрлари. Анқара. 1997.
90. Боймирза Ҳайит “Босмачилик”. Туркистонда 1917-1934 йиллардаги миллий кураш. Кёльн, 1992.
91. Шаҳобиддин Яссавий. Туркистоннинг аччиқ ҳақиқатлари. Анқара, 1984.
92. Жозеф Кастане. Туркистан милли кутулиш Ҳаракети. Истанбул. 1981.
93. Баймирза Ҳайит. Туркистан им жаҳрхундерт. Дармстадт. 1956 жаҳр.
94. Гленда Фрезер. Басмачи-И. Сентрал Асиан Сурвей, Охфорд, 1987, № 1, р.51.

Фойдланилган архив ҳужжатлари:

95. Ўзбекистон МДА 46-фонд, 1-рўйхат, 14-иш.
47-фонд, 1-рўйхат, 555-иш.
48-фонд, 1-рўйхат, 61-иш.
59-фонд, 1-рўйхат, 136-иш.
96. Бухоро ВДА 74-фонд, 1-рўйхат, 1-иш.
97. Самарқанд ВДА
98. Кармана туман давлат архиви. 26-фонд, 1-опис, ед.х. 7.
99. Нурота туман давлат архиви.
100. Хатирчи туман давлат архиви.
101. Қизилтепа тумани давлат архиви.

Муаллифнинг мавзу бўйича чоп этилган илмий ишлари:

1. Абдимўминов О. Карманалик кўрбошилар // Гулистон, 2006 йил, №5
2. Абдимўминов О. Карманалик кўрбошилар// “Дўстлик байроғи”, 2006 йил, 2 феврал, 8-сон.
3. Абдимўминов О. Қўшработлик кўрбошилар қисмати. Навоий давлат педагогика институти профессор – ўқитувчиларининг илмий амалий конференцияси материаллари. 2009 йил.
4. Абдимўминов О. Қуйи Зарафшон воҳасида миллий истиқлолчилик ҳаракатининг ўзига хос хусусиятлари // “Янги авлод, янги тафаккур – янги жамият” мавзуидаги конференция материаллари. Навоий ш. 2009. 13-14 – бетлар.
5. Абдимўминов О. Ватан тарихи: миллий ғоя ва ёшлар//«Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшларнинг роли» мавзуидаги конференция материаллари. Самарқанд ш. 122-124 бетлар.
6. Абдимўминов О. Ўзбек миллий давлатчилиги тарихининг методологик масалалари//«Фалсафа ва ижтимоий тараққиёт» мавзуидаги конференция материаллари. **(Халқаро конференция)** Т.: «Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти» 2008 й 225-229-бетлар.
7. Абдимўминов О. Ўзбекистон тарихи - талаба ёшларни ғоявий-мафкуравий чиниқтириш манбаи сифатида// «Фалсафа ва ижтимоий тараққиёт» мавзуидаги конференция материаллари. **(Халқаро конференция)**, Т.: «Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти» 2008 й. 158-160-бетлар.
8. Абдимўминов О. Ургутнинг XX аср пир-муршидлари тарихидан// «Қуйи Зарафшон» воҳаси мавзуидаги илмий конференция материаллари. Т.: «Фан», 2007 й. 64-72 бетлар.